

**УЎК 821.162.3-31**

**КБК 83.3-5**

**Г12**

**Вацлав Гавел**

Кучсизлар кучи] Матн / [Вацлав Гавел – Тошкент: Azon kitoblari, 2021.

*Таржимон:*

**Ҳамид Содиқ**

*“Кучсизлар кучи” асари собиқ СССР коммунистик тузумининг моҳиятини, режим ҳаёти ва унинг мафкуравий мақсадларини амалга оширишда қайси усул ва услублардан фойдаланишини очиб беради. Шунингдек асарда, гайриинсоний тузумларда ўзликни сақлаб қолиб ҳақиқий ҳаёт асосида яшаш шартларини, шунингдек, посттоталитар тузумларда сиёсий манқуртга айланмаслик кўникмаларини таъсирли мисоллар билан ёритади.*

*Асар коммунистик мафкура асоратларидан халос бўлишда “сиёсий декомпрессия” қоидаларига риоя қилиш, ҳамда постсовет давлатларининг демократик тараққиёт йўлига тушиб олишида муҳим манба бўлиб ҳисобланади.*

## КИРИШ

Вацлав Гавел Чех халқининг курашчан фарзандларидан бири. У бир неча бор ҳибсга олиниши ва ҳаётига жиддий хавф туғилишига қарамасдан ўз халқини коммунистик диктатура чангалидан олиб чиқишга ишонган ва бу йўлда жонини ҳам аямаган. 1993–2003 йилларда Чехия Республикасининг Президенти лавозимида фаолият юритиб, чех халқининг озод ва ҳур яшашига сабаб бўлган ислохотларни амалга оширган сиёсатчилардан биридир.

Гавелнинг “Кучсизлар кучи” асари постсовет давлатларининг демократик ривожланиш йўлига тушиб олишида кўмакчи вазифасини ўтайдиган муҳим манбалардан биридир. Мазкур асар ўтган асрда ёзилганига қарамасдан, ундаги мулоҳазалар бугунги кун учун ҳам долзарбдир, чунки у нафақат коммунистик мафкура, балки инсонларни манипуляция қилиш устига қурилган барча режимларнинг асл юзини кўрсатади.

Гаввосликнинг муҳим бир қоидаси бор, унга кўра чуқур сув тубига шўнғиган инсон сув юзасига кўтарилаётганда қатъий тартиб ва қоидаларга амал қилиши керак, агар амал қилмаса вафот этиши мумкин. Бу “декомпрессия” дейилади. Аини жараён сиёсатда ҳам кузатилади: маълум бир тоталитар режим тубидан адолатлик ҳаётга кўтарилаётган жамият ҳам сиёсий декомпрессия (десталинизация, деколонизация ва ҳ.к.) талабларига риоя қилиши керак. Агар риоя қилинмаса эски режим асоратларидан асло қутилиб бўлмайди, балки у яна қайталайди. Абулфайз Элчибей айтганидек: “Кулсифатлар озод қилинса, ё куллик даврини қўмсайди ёки бозордан ўзига қулдор сотиб олади”. Тараққиёт учун, аввало, инсоннинг ўзи тараққий этиши керак, инсон эса тараққиётни барпо қилади, бу энг тўғри йўлдир.

Вацлав Гавелнинг куйидаги фикрларига эътибор қаратинг: “...тизимдаги ҳаёт **иккиюзламачилик ва ёлғон билан қоришиб кетган бўлиб**, бунда бюрократик ҳокимият – халқ ҳокимияти дейилади; ишчилар синфи номи билан – ишчилар қул қилинади; инсонни тотал таҳқирлаш – инсон эркинлиги сифатида; ахборот изоляциси – унинг очиқлиги сифатида; жамоат назорати ташкилотларининг ҳукумат томонидан манипуляция қилиниши ва

ҳукумат ўзбошимчилиги – қонун устуворлиги сифатида, маданиятни йўқ қилиш – унинг ривожланиши сифатида; империя таъсир доирасининг кенгайишини – жабрдийдаларга ғамхўрлик сифатида; сўз эркинлиги чекланишини - эркинликнинг юксак кўриниши сифатида; сайлов сохтакорлигини – демократиянинг энг олий шакли сифатида; тафаккур қуллигини – илғор илмий дунёқараш сифатида; оккупацияни – биродарлик ёрдами сифатида тақдим этилади.

Ҳокимият ўз ёлғонлари асиридир ва шунинг учун ҳам у сохтакорликка эҳтиёж сезади. Ўтмишни сохталаширади. Бугунни, келажакни ва статис-тикани қалбакилаштиради. У ўзини, қудратли ва зўравон полиция аппарати мавжуд эмасдай тутди. Инсон ҳуқуқларига риоя қилаётганини сурбетларча таъкидлайди. Мунофиқликни - мунофиқлик ортига яширади.”

Ишончим комилки, бу китоб кенг жамоатчилик оммаси учун фойдадан холи бўлмайди.

**Ҳамид Содик**

Шарқий Европада арвоҳ дайдиб юрибди, ғарбда уни “диссидентлик<sup>1</sup>” деб номлашган. Бу арвоҳ самодан тушмаган. У тарихий ривожланиш босқичига кўра, ўзи органик мансуб бўлган тизимга хосдир. Мазкур тизим бир қатор сабаб-лар таъсирида тарихий анъаналарига асосланмай қўйган, у **ҳозирда нонконформизмга<sup>2</sup> нисбатан шафқатсиз усуллар билан жавоб қайтара олмайди. Бошқа томондан эса у шундай сиёсий инертликка эгаки, ҳатто расмий структураларда ҳам арзимас норозилик ёки мухолиф фикрга йўл бермайди.**

*Ким ўзи бу, “диссидент”лар? Диссидентлик асоси ва моҳияти нимада? Диссидентларни бирлаштирган “мустақил ташаббуслар” тош босадими? Уларнинг имкониятлари қандай? Мазкур тоифадаги инсонлар фаолиятига нисбатан “мухолифат” тушунчасини қўллаш мумкинми? Агар “ҳа” десак, унинг мавжуд режим фонидаги акси, йўналишлари ҳамда жамиятда тутган ўрни қандай, шунингдек, улар нимани истайди ва нимани исташи мумкин? Иқтидордан четлатилган ва мақомига кўра “чала фуқаро” рутбасидаги диссидентлар жамоага ва жамиятга таъсир ўтказишга қодирми? Улар нимани ўзгартира олади?*

Ўйлашимча, юқоридаги саволларга жавобни ҳамда “кучсизлар кучи” ҳақидаги суҳбатни диссидентлар мансуб бўлган ҳокимият тафтишидан бошлаш мақсадга мувофиқ.

---

<sup>1</sup> **Диссидент** (лот. *dissidens* “норози” ўзгача фикрловчи) - бу умумий қабул қилинган фикрлардан ажралиб чиқиб ўзга қарашларни ҳимоя қиладиган киши. Кўпинча диссидентларнинг шахсий қарашлари ва эътиқодлари ҳукмрон таълимот ва мафкура қоидаларига зид келганлиги учун расмий ҳокимият томонидан босимга учрайди бу эса уларнинг таъкиб қилиниши ва репрессияга учрашига олиб келади — *таржимон*.

<sup>2</sup> **Нонконформизм** (ингл. *non-conformists* “норози”) - ҳукмрон мафкура ва қарашларга қўшилмасликда акс этадиган сиёсий позиция. Диссидентларга нисбатан айрим ҳолларда нонконформистлар тушунчаси ҳам қўлланилади — *таржимон*.

Тузумимизни кўпинча диктатура сифатида характерлашади, аниқроғи, сиёсий бюрократиянинг *нивелирланган* жамият устидан диктатураси сифатида.

Қўрқаманки, “Сиёсий бюрократик диктатура” тушунчаси ўзининг содда туюлишига қарамай, ҳокимиятнинг асл характерини очишдан кўра, уни парда ортига беркитади.

Хўш, биз диктатурани қандай тушунамиз?

Айтардимки, диктатурани анъанавий англашда – жамиятнинг зулмкор гуруҳлар томонидан зўрлик орқали эгалланиши, ижтимоий маънода эса – маълум бир тўда манфаатлари йўлида жамият аъзоларини осонлик билан манқуртлаштириш назарда тутилади.

Диктатурани “анъанавий” ёки “мумтоз” анг-лашда унинг муваққатлиги, тарихий эфемерлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар устунлик қилади. Унинг яшовчанлиги диктатор ҳаёти билан чамбарчас боғланади, бу тобелик эса кўпинча локал характер касб этади. Мумтоз диктатура у ёки бу мафкурани қонунийлаштиришига қарамасдан ўзининг тиргаги сифатида армия ва полицияга урғу беради. Бундай ҳолларда диктатор ўзини иқтидор аренасидан суғуриб олишга қодир бўлган, яхши қуролланган гуруҳларни реал хавф сифатида кўради.

Ўйлашимча, бизнинг тузум ва “мумтоз” диктатуранинг умумий жиҳатлари жуда кам бўлиб, хусусан, ҳозирги давр диктатурасининг ўзига хос жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин.

**Биринчидан**, у локаллашмаган, балки бир нечта давлатлар блокени бирлаштирган иккита замонавий буюк давлатларнинг бири ҳисобланади. Табиийки, бу диктатура турли хил тарихий ва ҳудудий ўзига хосликларни намоён қилсада, бутун ҳудудда давлатлар блокени жамлаган чегаралар билан сезиларли чекланган. У нафақат ўзи бирлаштирган мамлакатларида бир хил тамойилларни жорий қилган, балки ягона шаклда тизимланган (*айнан, буюк давлат томонидан сингдирилган усуллар ёрдамида*), буюк давлат манфаатларини кўзлаб ҳийлакор ўйинлар қилувчи, зулмкор идоралар тўри билан ўраб ташланган.

Дунёда ядровий мувозанатни таъминловчи буюк давлат эканлиги, “мумтоз” диктатура билан солиштирганда, унга жуда катта ташқи барқарорликни тақдим этади. Изоляцияланган тизимга эга давлатларда инкирозни вужудга келтириши мумкин бўлган локал беқарорлик бизнинг тузумга хавф солмайди, чунки бундай беқарорлик блокнинг бошқа қисмлари ҳисобига қуролли босим воситасида ҳал қилиниши мумкин.

**Иккинчидан**, агар беқарорлик “мумтоз” диктатуралар учун табиий ҳол бўлса, уларнинг кўплари тарихда фақат эпизодлар, тасодифий ижтимоий жараёнларнинг жузъий натижалари ёки шахс ва инсон оммасининг заиф уринишлари эканлигини кўрамыз - бизнинг тизимимиз ҳақида эса бундай дея олмаймиз; гарчи бу тизим дастлаб ўзини вужудга келтирган мафкуравий-ижтимоий илдишлар ва ҳаракатлардан узоқлашиб кетган бўлса-да, бу ҳаракатларнинг (*мен XIX – асрнинг меҳнат ва социалистик ҳаракатларини назарда тутмоқдаман*) ўз ички моҳиятини сақлаб қолганлиги унинг кучли тарихий асоси ва тизимга пойдевор вазифасини бажариши мумкин бўлган етарлича мустаҳкам заминдир. У ўзининг ривож-ланиши жараёнида аста-секинлик билан дунё ва замонавий давр таркибидан мустаҳкам жой олди ҳамда мутлақо янги ижтимоий ва сиёсий воқеликка айланиб улгурди.

Ушбу тарихий асослантириш, мазкур ҳаракатлар пайдо бўлган даврнинг ижтимоий зиддиятларини чуқур англашни ҳам ўз ичига олди; шу билан бирга, ушбу “чуқур англаш”нинг ривожланишига олиб келган даҳшатли бегоналашувга мойиллик генетик пишиб етилганлигини ҳам эсда тутиш лозим. Аммо бу мойилликни даврнинг сиёсий иқлими билан “асослаш”га уриниш ҳодисаларини ҳам кузатиш мумкин.

**Учинчидан**, ушбу “чуқур англаш” тузумимизни бошқа замонавий диктатуралардан ажратиб турадиган яна бир хусусиятдир. У мутлақо мослашувчан, мантиқий тугал, умумтушунарли ва жуда қайишқоқ **мафкурага** эга бўлиб, мажмуавийлиги ва ёпиқлиги билан *секулярилаган дин* характериға эга: у ҳар қандай саволга тайёр жавобни таклиф қилади, инсон ҳаётиға чуқур кириб бориб ўзини қисман эмас тўлиқ қабул қилишиғизни талаб этади.

Метафизик ва экзистенциал қадриятлар инқироzi ҳамда бегоналашув сабаб инсон ўз қадрини йўқотган даврда, ушбу мафкура ўзига хос сеҳрли жозибага эга бўла бошлайди: у безовталанган қалбга осонлик билан “паноҳ” беради; мазкур мафкурага таслим бўлишингиз билан ҳамма нарса яна “равшанлашади”, ҳаёт “мазмунга” тўлади, ноаниқ саволларга “аниқ жавоблар” топилади, ташвиш ва ёлғизлик “чекинади”. Бирок, ушбу арзон гаров “бошпана” эвазига инсон жуда қиммат тўлов қилиши, яъни ўз онги, виждони ҳамда масъулиятидан воз кечиши лозим, бу мафкурани қабул қилиш эса - онг ва виждонни “тажриба зиндонига жойлаш” ва шу орқали **ҲОКИМИЯТ** **МАРКАЗИНИ** – **ҲАҚИҚАТ** **МАРКАЗИ** сифатида эътироф ва эътиқод қилишдек мудҳиш оқибатни келтириб чиқаради (*бизнинг ҳолатимизда олий дунёвий ҳокимият - бу аynи пайтда олий диний ҳокимият бўлиб, Византия цезаранализмининг<sup>3</sup> мутлақ нусхасидир*).

Шуни тан олиш керакки, юқоридаги таърифлардан фарқли ўлароқ бу мафкура - бизнинг блокимиз ҳудудидаги инсонларга жуда катта таъсир кўрсатмаслиги билан ўзига хосдир (*эҳтимол, расмийларнинг айтгани империя манфаати йўлида инсон манфаатларидан устун бўлган, империализм ҳамда ватанпарварлик бирлашиб кетган Россиядан ташқари*). Аммо бу муҳим эмас, чунки тизимимиз мафкураси (*биз бу ҳақда ҳали гаплашамиз*), ўзига хослиги туфайли ҳар қандай ҳудудда ва шароитда вазифасини жуда муваффақиятли бажаради;

**Тўртинчидан,** бошқарув техникаси масаласида анъанавий диктатуралар маълум импровизация элементларини намоён қилади; аксарият ҳолларда ҳокимият механизмлари ҳаддан ташқари маҳкамланмаган бўлиб, бундай ҳокимиятларда спонтан ва тартибга солинмайдиган ўзбошимчалик учун қулай жойлар кўзга ташланади; ҳукуматга қаршилик кўрсатишнинг баъзи шакллари учун ижтимоий, маънавий ва моддий шароитлар етарлича

---

<sup>3</sup> *Цезаранализм* (лот. caesar - “цезарь” ва лот. Pater - “ота”) - бу XIX асрнинг католик тарихшунослари томонидан киритилган Византиянинг диний раҳнамоси бўлган император ҳокимияти ва черков ўртасидаги муносабатларга тааллуқли атама — *таржимон*.

топилади, қисқача айтганда, ҳукмрон тизимнинг ҳали ҳам заиф ва барқарорлашишдан олдин сўкилиб кетиши мумкин бўлган “сиртки чоклари” мавжуд бўлади.

СССР тизимидаги олтмиш йиллик ривожланиш йўлимиз ва бу тузумнинг Шарқий Европа мамлакатларида деярли ўттиз йиллик (*асосан, Россия якка ҳукмронлигининг тарихий тузилмавий моделларига таяниб*) ривожланиши ҳокимиятнинг “жисмоний” кучига тескари ўлароқ, жамиятни тўғридан-тўғри ва билвосита манипуляция қилишнинг мукамал ва яхши ривожланган механизмлари устига қурилдики, эндиликда бу тизим ҳокимиятнинг мутлақо янги кўринишдаги “жисмоний кучи” сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, тизим фаолиятининг самарадорлиги – (*бу ҳақида унутмайлик*) давлат мулки ҳисобига сезиларли кучайтирилади ва ишлаб чиқариш воситалари маъмурий-бўйруқбозлик билан бошқарилади, бу ҳукмрон тузилмага ўз-ўзини назоратсиз инвестициялаш (*масалан, бюрократик аппарат ва полиция*) учун чексиз имкониятлар беради ва унинг ягона иш берувчилик мақоми фуқароларни манипуляция қилишни осонлаштиради.

**Бешинчидан**, агар “мумтоз” диктатура барча соҳаларда инқилобий кўтарилиш, қаҳрамонлик, фидойилик ва стихияли зўравонлик муҳити билан характерланса, совет блоки ҳаётида эса бунга ўхшаш нарсаларни учратмайсиз. Ушбу блок аллақачон бошқа цивилизациялашган дунёдан ажратиб олинган анклавга айлантирилган, шундай бўлса-да у дунёдаги ривожланиш жараёнларидан ҳимояланмаган; бундан ташқари у дунё ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида умумий тақдирни баҳам кўради ва яратади.

Аслида, бизнинг жамиятимиз (*Ғарбий дунё билан узоқ муддатли бирга яшаш фақат бунга ҳисса қўшади*) моҳиятига кўра ривожланган Ғарб мамлакатларидаги каби ҳаёт қадриятларининг иерархиясига амал қилаётганини англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу *de facto* барча ижтимоий ва маънавий оқибатлари мавжуд бўлган индустриал истеъмолчи жамиятининг бошқа шакли ҳақида гап кетаётганини билдиради. Ушбу вазиятни ҳисобга



олмай, бизнинг тизимимиздаги ҳокимиятнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас.

Ҳокимият характеридан келиб чиқиб, тизимимизни анъанавий диктатура билан солиштиришдан келиб чиқадиган фарқлар аниқ бўлгани ҳамда фикр-ларим тўлиқ тушунарли бўлиш хавотири мени янги тушунчаларни танлашга мажбур қилмоқда. Кейинги фикрларимда тизимимизни посттоталитар деб атасам-да, бу энг омадли таъриф эмаслигини тушунаман – афсуски бундан яхшисини топа олмаяпман.

Ушбу “пост” қўшимчасини қўллаб, бизнинг тизим тоталитар эмас дейиш ниятидан йироқман, аксинча, шуни таъкидлашни истардимки, бизнинг тоталитаризм одатда онгимизга боғланган “мумтоз” тоталитар диктатурадан фарқлидир. Мен айтиб ўтган ҳолатлар, шубҳасиз, фақат шартли омиллар ва посттоталитар тузум ҳокимиятининг пойдевори атрофидаги ўзига хос воқеа-ҳодисалардир. Кейинги бўлимларда ушбу пойдеворга “чироқ тутиб” яширин хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қиламан.

### 3

Сабзавот дўкони мудирини (кўкатчи) пиёз ва сабзи растасига **“Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!”** шиорини осиб қўйди.

Нега?

Кўкатчи дунёга нима демоқчи?

Наҳотки у дунё пролетарларини бирлаштириш ниятида бўлса?

Эълон мотиви қайси манзилга йўналтирилган?

Кўкатчи “пролетарлар бирлашуви” тушунчасини тафаккур қилганми?

Ўйлашимча, кўкатчилар шиорлар маъноси ҳақида тафаккур қилмайдилар ва алал оқибат шиорлар ёрдамида қарашларини ифода этиш нияти ҳам йўқ. Ушбу тарғибот матоҳини бизнинг кўкатчимизга пиёз ва сабзига қўшиб омбордан келтиришди ва у бошқалар қатори йиллар давомидаги одат сифатида шиорни растасига осиб қўйди.

Шиорни осмаса у муаммолар гирдобиди қоларди. Масалан: расталарни жиҳозламагани учун танбеҳ олиши, ҳатто хоинликда айбланиши ҳам мумкин. Ҳа, кўкатчи қоидага амал қилди, чунки бирор бир нарсага эришиш учун режим қоидаларига риоя қилиши лозим; бу *“жамият билан уйғунликда”* яшаш ва хавфсиз ҳаётни кафолатлайдиган минглаб *“майда нарсалардан”* биридир. Кўриниб турибдики, кўкатчига шиорнинг семантик таркиби муҳим эмас. Шиор мазмунини жамоатчиликка етказиш кўкатчининг мақсадига кирмайди.

Албатта, юқоридаги таъкид билан унинг ҳаракатларида ҳеч қандай маъно йўқ демоқчи эмасман. Кўкатчи ўз шиори билан ҳеч қандай маълумот тарқатмаяпти деган ҳаёлга ҳам бормаслик лозим. Ушбу шиор шифрланган ва аниқ йўналтирилган маълумотларга эга белги вазифасини бажаради. Шиорнинг оғзаки шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин: *“Мен, кўкатчи Х.У. белгиланган макондаман ва нима қилишим кераклигини англайман; қандай қутилган бўлса шундай ҳаракат қиламан; менга ишонингиз мумкин ва шахсиятимда хавф мавжуд эмас; мен бўйсунувчиман, шунинг учун тинч ҳаётга ҳақлиман”*.

Мазкур матносни хабар, ўзининг аниқ манзилига эга: у “юқорига”, яъни кўкатчининг бошлиқларига йўналтирилган ва айни пайтда ***чақимчилардан ҳимоя қалқони ҳамдир***. Шундай қилиб, шиор ўзининг соф маъноси билан кўкатчига дахлдор ва унинг ҳаётий қизиқишини акс эттиради. Аммо у нимаси билан эътиборга лойиқ: Агар кўкатчи ***“Кўрқаман, шу сабаб итоатлиман”*** кўринишида битилган шиорни осишга мажбур бўлганида, у шиорга бунчалик бефарқ бўлмас эди. Гарчи шиорнинг бундай янграши, матннинг яланғоч маъноси очиқласада, катта эҳтимол билан, кўкатчи ўзининг ҳақорати эвазига бундай шиорни осишга ботинмасди, албатта, бу ёқимсиз ва уятлидир. Ахир, кўкатчи ҳам инсон ва табиийки, инсоний қадриятларга эга.

Бундай асоратларнинг олдини олиш учун – садоқат, устки қобиғи билан бўлса-да, соф ниятларга ишора қилувчи ***“белги”*** шаклида намоён бўлиши керак. Кўкатчи ҳеч бўлмаганда: ***“Ахир, нима учун пролетарлар ҳеч***

*бирлашмайди?*” деб савол қўйиш жасоратини ўзида сақлаб қолиши лозим. Шундай қилиб “**белги**”, итоаткорликнинг “ўзгармас” мотивларини ва иқтидорнинг “ўзгармас” таянчларини “улуғворлик” жабҳаси орқасига инсонлардан яшириш имконини беради.

Бу “улуғворлик” мафкурадир. Мафкура дунё билан муносабатга киришишнинг сунъий шакли сифатида, инсонда “етуклилик”, “муносиблик” ва “ахлоқийлик” иллюзияси вужудга келишига илҳом беради ва шу билан бирга амалда бундай бўлмаслик “имконини” ҳам таъминлайди; “шахс ости” мавҳум эрзаци (*сифатсиз ўринбосар*) сифатида у инсонга виждонини алдашга, шарафсизлигини (*“modus vivendi” сини*) дунёдан ва ўзидан яширишга шароит яратади.

Бу самарали ҳамда бир вақтнинг ўзида “Юқорига”, “Пастга”, “Ўнг ва чапга”, одамлар ҳамда Худога ҳам ўз шахсини гувоҳлантиришнинг “олижаноб” усулидир. Бу инсоннинг “борликқа бўйсунуши”ни, бегоналашувини ва мавжуд нарсаларга мослашганлигини яширишда ёрдам берадиган ширма (*парда*)дир.

Бу *алиби* ҳаммага, яъни: “Бутун дунё пролетарларини бирлаштириш” ғояси ортига ўз савдосини йўқотиш қўрқувини яширган кўкатчидан тортиб, “Ишчилар синфига хизмат қилиш” ғояси ортига – иқтидорини сақлаб қолиш қўрқувини яширган амалдоргача мақбулдир. Мафкуранинг дастлабки “алибистик” функцияси шундай таркибга эгаки, у инсонда тоталитар тузумнинг жабрланувчиси ва посттоталитар тузумнинг эса тиргаги иллюзиясини вужудга келтиради, яъни тоталитар тузумдан ке-йин у инсоний турмуш тарзи ва коинотга уйғун ҳаёт кечираётганини англатмоқчи бўлади.

У ёки бу диктатуранинг фаолият доираси қанчалик тор ва жамият маданиятсиз бўлса, диктаторнинг хоҳиш-иродаси ҳам шунчалик очиқ: айтайлик, “яланғоч” интизом, “дунёга мураккаблаштирилмаган муносабат” (*ўзининг шарафсиз диктатор эканлигини дунё ҳамжамиятидан яширмай тоталитар бошқарувда давом этиши – тарж.*) ва “ўз-ўзини дафн” (*яъни, диктатура ўз ўлим уругини ўзи билан олиб юради*) қилиш орқали амалга оширилади.

Бироқ ҳокимият механизмлари қанчалик мураккаб бўлса, тизим шунчалик кенг ва табақаланган жамиятни қамраб олади, қанчалик узоқ яшаса, шунчалик кўп индивидларни “ташқаридан” ўзига жалб қилиши талаб этилади, тизим фаолиятида ғоявий “алиби” шунчалик муҳим аҳамият касб қиладики, мафкура иқтидорнинг шахсга етиб олиши ва шахснинг иқтидорга кўтарилиши учун ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтай бошлайди.

Шунинг учун ҳам посттоталитар тузумда мафкура катта рол ўйнайди: у компонентлардан, инстанциялардан, дастаклардан ва бошқа манипуляцион воситаларидан иборат бўлиб, шахсий ирода ва тасодифларга ҳеч қандай имкон бермай, иқтидор яхлитлигини ишончли ҳимоя қилади.

Ўзининг ва ҳар бир компонентининг универсал “алиби”си сифатида мафкурасиз ҳокимият шунчаки ақлга сиғмайди.

#### 4

Посттоталитаризм ва ҳаётий интенциялар (ниятлар) ўртасида жарлик бор: ҳаёт - кўп жиҳатдан плюрализм ва ўзлигига интилаётган бир вақтда, посттоталитар тизим эса аксинча, монолитлик ва тотал интизомга интилади; ҳаёт - тобора кўпроқ ва кўпроқ “ақл бовар қилмайдиган” тузилмаларни яратишга интилаётган бир пайтда, посттоталитар тузум эса унга “ақлбовар қиладиган воқеликни” сингдиришга ҳаракат қилади. Посттоталитар тизимнинг ўзгармас (қайсар) моҳияти: унинг “ўзига ўзи” ориентация қилишида ҳамда иложи борича, “ўзлигини” кўпроқ сақлаб қолиш орқали таъсир доирасини кенгайтиришида намоён бўлади.

*Бу тузум инсонга хизмат қиладими ўзи? Ҳа, фақат инсон тузумга қанча хизмат қилса – шунча, заррача ҳам ортиқ эмас; тузум ўзи белгилаган “қоидалар”дан ҳар қандай оғишни ўзига суиқасд сифатида қабул қилади,*

чунки у мазкур кўринишдаги ҳар қандай трансценденцияни<sup>4</sup> приципиал даражада рад этади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, посттоталитар тузумнинг ички мақсади, илк қарашда кўринганидек, фақат ҳукмрон элита кўлида иқтидорни сақлаб қолиш эмас, балки - бу ўзини асраш инс-тинкти, ижтимоий феномен ҳамдир. Ёхуд ўзини кўрларча ҳаракатлантирувчи ноаниқ “юксак” нарсага бўйсунтиришдир.

Инсон – ҳаттоки давлат иерархиясида бирор-бир мансабни эгаллаган бўлса-да, бу тизим учун ҳеч нарсани англамайди; мансабдорлар “ўзбошқариш”ни амалга ошириш ва унга хизмат қилишга чақирилган **хизматкорлардир, холос**; шунинг учун инсоннинг иқтидорга интилишлари “ўзбошқариш” билан зиддиятгача давом этиши мумкин.

Мафкура тизим ва одам ўртасидаги “алибис-тик” кўприк сифатида улар орасидаги бўшлиқни ёпади; мафкура тизим даъволарини ҳаётий эҳтиёж сифатида кўрсатади: бу ҳақиқат кўринишидаги “хаёлот” дунёсидир. Инсон посттоталитар тузумнинг қоидаларини деярли ҳар қадамда сезади. У олдин мафкуравий қўлқопларини ёки ниқобларини кияди ва ундан кейингина муносабатларга киришади.

Шунинг учун ҳам тизимдаги ҳаёт **иккиюзламачилик ва ёлғон билан қоришиб кетган бўлиб**, бунда бюрократик ҳокимият – халқ ҳокимияти дейилади; ишчилар синфи номи билан – ишчилар қул қилинади; инсонни тотал таҳқирлаш – инсон эркинлиги деб қаралади; ахборот изоляциси унинг очиклиги деб аталади; жамоат назорати ташкилотларининг ҳукумат томонидан манипуляция қилиниши ва ҳукумат ўзбошимчалиги – қонун устуворлигига сифатида, маданиятни йўқ қилиш - унинг ривожланиши сифатида; империя таъсир доирасининг кенгайиши – жабрдийдаларга ғамхўрлик сифатида; сўз эркинлиги чекланиши – эркинликнинг юксак кўриниши сифатида; сайлов сохтакорлиги – демократиянинг энг олий шакли

---

<sup>4</sup> **Трансценденция** (лот. *transcendens* дан олинган “кўрсатилган белгидан ошиб кетиш, ўтиш, чиқиш”) - бу тажрибада маълум бўлмаган эришиб бўлмайдиган нарсалар, ҳиссиёт чегараларидан ошиб кетишни аниқлади. Кенг маънода трансценденция инсон борлигининг “қарама-қарши томони” деган маънони аниқлади — *таржимон*.

сифатида; тафаккур қуллиги – илғор илмий дунёқараш сифатида; оккупация – биродарлик ёрдами сифатида тақдим этилади.

Ҳокимият ўз ёлғонлари асири бўлганлиги учун сохтакорликка эҳтиёж сезади. Ўтмишни, бугунни, келажакни ва статистикани қалбакилаштиради. У ўзини, қудратли ва зўравон полиция аппарати мавжуд эмасдай тутади. Инсон ҳуқуқларига риоя қилаётганини сурбетларча таъкидлайди. Мунофиқликни мунофиқлик ортига яширади.

Шундай бўлсада, инсон бу мистификацияга ишониши шарт эмас. Бироқ у ўзини мазкур ёлғонларга ишонганидек тутиши керак; ҳеч бўлмаганда жимгина толерантликни сақлаши ёки ёлғончилар билан уйғунликни йўқотмаслиги лозим. Юқорида келтирилган сабабларга кўра, инсон ёлғон билан яшашга мажбур бўлади, лекин у ёлғонни қабул қилиши керак эмас. У ёлғонга қоришиб кетган ва алдовдан иборат ҳаётни қабул қилгани кифоя қилади. Бу билан инсон, автоматик ва ғайриихтиёрий равишда тизимни тасдиқлайди, унинг истакларини амалга оширади, ўзига сингдиради ва тизимнинг таркибий қисмига айланади.

## 5

Англаганимиздек, шиор чақириқлари унинг асл маъноси билан боғлиқ эмас. Шунга қарамай, шиорнинг соф моҳияти, кундай равшан ва ҳамма учун тушунарлидир. Бу белгиланган коднинг умум очиклигидан келиб чиқади: кўкатчи ўз садоқатини баён қилди, бу эса баёнот қабул қилинишининг ягона усулидир, унинг бундан бошқа йўли ҳам йўқ. Ҳокимият идоралари эътибор қаратишининг бирдан-бир имконияти ўлароқ кўкатчи “иллюзия”ни ҳақиқатга айирбошлаш “ритуалини” бажарди, “ўйин қоидалари”га рози бўлди. Ритуални қабул қилган кўкатчи ўйин иштирокчиси, яъни ўйинчига айланди ва ўйин давомийлиги ва ҳаётийлигини таъминлади.

Агар мафкура дастлаб, тизим ва инсон ўртасидаги “кўприк” вазифасини бажарган бўлса, инсон бу кўприкка қадам қўйиши билан, у айни вақтда ўзи ва тизим ўртасидаги, шунингдек, унинг ажралмас қисми сифатида

Ўзи ва бошқа инсонлар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтай бошлайди. Мафкура ўз “ташқи” ҳаракати билан дастлаб, ўзининг психологик “алиби”си сифатида ҳокимиятни шакллантиришга ёрдам берса, у умум қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳокимиятнинг таркибий қисми ўлароқ уни “ичкаридан” ташкил этиб, давлат ички алоқаларининг асосий ритуаллашган дастаги функциясини бажара бошлайди. “Жисмоний” томондан эса мафкура ҳокимият ва унинг элементларини – “ўзини ифодалашнинг” ягона усули билан боғлайдиган аниқ “метафизик” тартиботсиз мавжуд бўла олмас эди; бу тартиб уларнинг ҳаракатларига “ўйин қоидаларини”, яъни, маълум нормалар, чекловлар ва қонуниятларни сингдиришни таъминлайди.

Мафкура давлатнинг бутун тузилмаси учун умумий, жипслаштирадиган ва ички алоқани таъминлайдиган, маълумот ва йўриқномаларни узатадиган фундаментал алоқа тизимидир. Шунинг-дек ҳокимиятга ўзига хос ўлчам ва шакл берадиган “қўлланма” ва “*йўл хариталари*”нинг ўзига хос мажмуасидир. Ушбу “метафизик” тартиб тоталитар давлат тузилмаси ички кучининг кафолатидир. Бу интизом воситаси ва тамойилларини елимлаш унсуридир, бусиз ҳокимият тоталитар тузилма сифатида ҳалокатга учраб, бебош манфаатлар ва тенденциялар талатўпида, бир-бири билан тўқнашадиган кўплаб алоҳида элементларга бўлиниб кетиши керак эди; елимланмасдан (мафкурасиз) қурилган тоталитар ҳокимият пирамидаси, айтилганидек, материянинг инқирози пайтида “ўз-ўзидан қулаши” керак. Охир-оқибат, ҳокимият воқелигининг талқини сифатида мафкура давлат манфаатларига доимо бўйсунди, шунинг учун мафкуравий жараёнлар ҳақсизлик, “хаёлот дунёсини” шакллантириш ва ритуалларни яратиш табиий тенденцияга эга.

Ҳокимият учун кураш ва ижтимоий назорат мавжуд бўлган жамиятда, ҳокимият жипслигини таъминлаган мафкура устидан ҳам жамоатчилик назорати мавжуд бўлади. Бундай шароитда, мафкуранинг ҳақдан тўлиқ ажралиб кетишига халақит берадиган муайян илмоқлар доим топилади.

Тоталитаризм шароитида бундай илмоқлар, албатта йўқолади шунинг учун ҳам ҳеч нарса мафкурани реалликдан узоқлашишга ва аста-секин посттоталитар тузум қоришмасига айланишига тўсқинлик қила олмайди. Бу қоришма - “иллюзиялар”, ритуаллар, семантик айнаган тил ҳамда воқеликни сохта ҳақиқат билан алмаштирадиган маросимлар тизимидир. Шу билан бирга мафкура – ҳокимиятнинг “алибистик” тасдиғи ва ички мажбурий принципи сифатида – муҳим таркибий қисми ва устунга айланиб боради.

Ушбу қийматнинг ўсиши ва воқеликдан давомий узоқлашиш орқали мафкура, мутлоқ кучга эга бўла бошлайди ва бора-бора “ҳақиқатга” айланади, гарчи у маълум бир воқеликни акс эттирса-да, маълум даражаларда (*ва энг муҳими, “ҳокимият ичида”*) реалликдан ҳам муҳимроқдир: мафкура ўз ортида яширинган воқеликка эмас, балки ритуалларнинг самимийлигига асосланишни бошлайди; ҳодисалар моҳияти - ҳодисанинг ўзидан эмас, балки унинг мафкуравий контекстидан келиб чиқади, яъни **ҳақиқат тезисга эмас, балки тезис ҳақиқатга таъсир қилади**. Демак, ҳокимият ҳақиқатдан кўра кўпроқ мафкурага яқин бўла бош-лайди, у ўз кучини тезисдан олади ва у тезисга тўлиқ боғланиб қолади. Бу муқаррар равишда мафкуранинг ҳокимиятга эмас (*парадоксал тарзда*), ҳокимиятнинг мафкурага хизмат қила бошлашини кўрсатади; мафкура гўё ҳокимиятнинг ўзидан **“ҳокимиятни тортиб олган”** диктаторга айланади. Кишида одамлар эмас, балки тезис, ритуал ва мафкура одамларни бошқараётганлиги таассуроти пайдо бўлади.

Мафкура ҳокимият ички мустаҳкамлигининг асосий кафолати, айти пайтда иқтидор ворисийлигининг муҳим шарти ҳамдир. “Мумтоз” диктатурада иқтидорга нисбатан мерос ҳуқуқи ҳанузгача муаммоли бўлиб, бундай тизимларда ҳокимиятни кўзлаган эҳтимолий даъвогарлар кўпинча “яланғоч” кучга мурожаат қилади. Посттоталитар тузумда эса ҳокимият - бир шахсдан бошқасига, бир гуруҳдан иккинчисига ёки авлоддан-авлодга анча юмшоқ усулда, аниқроғи, янги “ring-maker” функцияси билан, етакчи кадрларни танлаш **легитимация ритуали** асосида амалга оширилади Ритуалга



таяниш ва уни содиқлик билан жонлантириш номзодга “ўсиш” имкониятини беради.

Табиийки, посттоталитар тузумда ҳам ҳокимият учун кураш мавжуд ва аксарият ҳолларда бу кураш очик жамиятдагига қараганда анча шиддатли ҳамдир (*албатта, бу кураш демократик қоидалар билан тартибга солинмайди ва жамоатчилик назорати билан қамраб олинмаган ҳамда шаффоф эмас, балки яширин, парда ортидаги курашдир. Масалан, ҳукмрон коммунистик партиянинг ҳудудий бўлимларининг бирида бош котиб алмаштирилса, куч ишлатар қисмлар ва хавфсизлик бўлимлари аксарият ҳолларда ҳарбий хушёрлик ҳолатига келтирилади*). Бироқ, бу “мумтоз” диктатура курашларидан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон тизим пойдевори ва унинг барқарорлигига таҳдид солмайди. Жуда ошиб кетса давлат структураларида тебранишларни вужудга келтиради, аммо унинг табиий бириктирувчи тўқимаси бўлмиш мафкура дарз кетмаганлиги учун тезда ўзини тиклаб олади: ким кимнинг ўрнига ва қандай усуллар билан келишидан қатъи назар, буларнинг барчаси фақат умумий ритуал фонида амалга оширилади.

Бу “ритуал диктати”, табиийки, ҳокимиятнинг сезиларли ўзсизлашишига олиб келади; инсонлар ритуалга бўйсунди ва унга деярли сингиб кетади, кўпинча ритуал одамларни зулматдан – “ҳокимият нурига” кўтариш учун табиий мавжуддай туйилади: посттоталитар тизимда давлат иерархиясидаги барча ёрқин (*лаёқатли*) шахслар – ҳокимият тўрининг - ахлоқсиз, маддох, қарсақбоз ва қулсифат югурдаклари томонидан сиқиб чиқарилаётганини кузатиш мумкин.

Қиёфасиз ва ўзлигини йўқотган ҳокимиятнинг бундай ўзбошимча ҳаракатланиши тизим “ўзҳаракатининг” асос солувчи белгиларидан биридир; афтидан, ушбу “ўзҳаракат” диктати давлат тузилмаларига хизматчиларни танлашда номзодларнинг шахсий иродасини инобатга олмайди, афтидан “нутқ диктати” посттоталитар тузум “ўзҳаракатини” кафолатлайдиган энг яхши “нотиқларга” ҳокимиятни тақдим этади.

Ғарб советологлари шахснинг посттоталитар тизимдаги ролини кўпинча ошириб баҳолайдилар. Улар, иқтидордаги шахсларларнинг (*нейтраллашган тузилмалар томонидан чексиз ваколатлантирилганига қарамай*) тизимнинг, аҳамиятсиз ва итоаткор кули эканлигини кўздан қочиришади. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, тизим “ўзҳаракати” раҳбарнинг иродаси ва шахсиятига қараганда анча кучли индивидуаллигини сақлаб қолган мансабдор ҳам давлат иерархиясида яшаб қолиши учун аноним-ритуал ниқоб ортига ўз шахсиятини яширишга мажбур бўлади. Мабодо у ўз иродасини ифода этишга ҳаракат қилса, “ўзҳаракат” инерцион кучи билан эртами-кечми уни енгади ёки бегона жисм сифатида давлат тузилмасидан сиқиб чиқаради ёхуд аста-секин ўз шахсиятидан воз кечишга, “ўзбошқарув” билан бирлашишга ва олдингилардан фарқ қилмайдиган югурдакка айланишга мажбур қилади (*Гусак<sup>5</sup> ёки Гомулка<sup>6</sup> эвол-юциясини эсланг*).

Доимий равишда ритуаллар ортига яшириниш ва унга мурожаат қилиш зарурати, ҳатто, давлат хизматидаги энг маърифатли инсонларни ҳам “*мафкура асири*”га айлантиради: алалоқибат улар (*мафкуравий*) сохта ҳақиқат билан алмаштириб қўйилган “яланғоч” воқеликнинг тубига қарашга ҳам ботина олмай қоладилар (*фикримча, 1968 йилда Дубчек<sup>7</sup> раҳбарияти ҳал*

---

<sup>5</sup> Густав Гусак - 1975-1989 йилларда Чехословакия Президенти лавозимида фаолият кўрсатган. 1950 йилда Густав Гусак “буржуа миллатчилиги” да айбланиб, 1951 йил февралда ҳибсга олинган. 1954 йилда у умрбод қамок жазосига ҳукм қилинди, судда у айбини тан олмади. У Леополдвода Александр Мак ва Словакиянинг фашистик ҳукумати бошқа аъзолари билан бирга жазони ўтаган. 1960 йилда у президент Антонин Новотный томонидан амнистия қилинди. У сочлари оқ ва деярли тишсиз ҳибсдан чиқди. 1963 йилда тўлиқ реабилитация қилинди. Озод қилинганидан кейин у Словакия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. Прага баҳори пайтида Гусак Совет Иттифоқининг Чехословакияга босим ўтказишига қарши бўлган Дубчек тарафдори эди. 1968 йил апрел ойида у ҳукумат раисининг ўринбосари бўлди. 1968 йил август ойида Чехословакия ва Совет раҳбарларининг Москвадаги музокаралари чоғида Гусак Брежнев тарафдори бўлиб, позициясини ўзгартирди. 1968 йил август - 1969 йил май ойида Словакия Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби лавозимида ишлади— *таржимон*.

<sup>6</sup> Владислав Гомулка - Польша Коммунистик партиясини бошқарган йирик сиёсатчилардан бири. 1951 йилнинг июлида Гомулка “Ўнг қанот миллатчилиги” да айбланиб ҳибсга олинади, 1954 йилгача қамокда сақланди. 1956 йил августда у партиёга қайта тикланди ва 1956 йил октябрда ПБМП Марказий Қўмитасининг VII пленумида ПБМП Марказий қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Гомулка кишлоқ хўжалиги сиёсатини қайта кўриб чиқишни, католик черкови билан муносабатларни нормаллаштиришни, ишчилар ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришни таъминлаган, ва 1980 йилларга қадар Полшада амалга оширилган “Полша социализми” нинг мафкурачиси бўлди — *таржимон*.

<sup>7</sup> Бу ерда сўз “Прага баҳори” номи билан машҳур бўлган ва кейинчалик СССР босими остида тўхтатилган ислохотлар ҳақида кетмоқда. “Прага баҳори” - Чехословакияда 1968 йил 5 январдан 21 августгача бўлган даврда ЧКП МҚ нинг биринчи котибилигига сайланган Александр Дубчек ва унинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтиришга ва мамлакатда ҳокимиятни номарказлаштиришга қаратилган ислохотлари билан боғлиқ давр. “Инсоний қиёфадаги социализм” номи билан эълон қилган Дубчекнинг ислохотлари фуқароларга қўшимча демократик ҳуқуқларни яъни, сўз эркинлиги, ҳаракат эркинлиги, оммавий ахборот воситалари устидан давлат назорати қамайтиришни таъминлашга уриниш эди. Сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар сиёсати, ва ижроия ҳокимият тизимидаги ислохотлар СССР томонидан маъқулланмади, шундан сўнг Варшава Шартномаси Ташкилотининг қўшинлари Чехословакия худудига норозилик ва намоёнларни бостириш учун киритилди, бу эса мамлакатда муҳожирот тўлқинини келтириб чиқарди. Қўшинларнинг

қилувчи “сўнги сўровлар”да боши берк кўчага кириб қолишининг асосий сабабларидан бири ҳам уларнинг “иллюзия дунёси”дан чиқа олмаганлигида эди).

Шундай қилиб мафкура - тизим ботиний яхлитлигини кафолатлайдиган ички алоқа воситаси сифатида ҳокимиятнинг “жисмоний” моҳиятидан кенгрокдир. Мафкурани маълум даражада давлатнинг жисмоний кучини ўзига бўйсундирадиган, аммо шу билан бирга унинг барқарорлигини таъминлайдиган посттоталитар тизимнинг элементи деб ҳам айта оламиз.

Мафкура бу - тизим ташқи барқарорлигининг устунларидан биридир. Айни пайтда, бу устун беқарор пойдевор, яъни ёлғонлар узрадир. Шунинг учун, мафкура ёлғонга рози бўлсангизгина сизни кўтариб туради.

## 6

Нима учун кўкатчи ўз садоқатини растасига шиор осий йўли билан ифода этди? У ўз итоаткорлигини бошқа “тинчроқ” усуллар билан етарлича исботлай олмадими? Дарҳақиқат, у касаба уюшмаси йиғилишларида ҳар доим керакли тарзда овоз берди, турли танловларда қатнашди, сайловларда мунтазам иштирок этди ва ҳатто “Анти-Хартияни<sup>8</sup>” ҳам имзолади. Нега у доимий эътиборда бўлишни истади? Қизиғи, одамлар дунё пролетарларини бирлаштириш учун бозорга бормайди. Улар ушбу шиорни ўқимайди ва сезмайдилар ҳам. Раста олдида тўхтаган аёл помидор ҳақида ўйлайди, шиор ҳақида эмас, унинг мазмунига эса эътибор ҳам қаратмайди.

---

киритилиши ва норозиликларнинг бос-тирилишидан сўнг Чехословакия “нормаллашиш” даврига кирди: кейинги раҳбарлар Чехословакияда Дубчекдан олдин мавжуд бўлган сиёсий ва иқтисодий кадрларни тиклашга ҳаракат қилишди. Дубчекни алмаштирган ва кейинчалик президент бўлган Густав Гусак Дубчекнинг деярли барча ислохотларини бекор қилди — *таржимон*.

<sup>8</sup> **Антихартия** - Хартия-77 га қарши имзо йиғиш ҳаракати бўлиб 1977 йил 29 январда бошланган. Хужжат диссидентларни қоралаб, оддий одамларни “социализм душманлари” билан алоқа қилишдан қайтаришга қаратилган эди. Акция ўтказиладиган Прагадаги Миллий театрда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган зиёлилар, санъаткорлар ва ёзувчилар йиғилишди. Садоқат декларациясини имзолаган шахсларнинг исмлари ҳар куни режимнинг асосий босма органи - “Руде Право” газетасида эълон қилинди. Антихартия остида Чехословакиянинг таникли маданият арбобларининг 7 минг 250 та имзоси тўпланган. “Социализм номи билан” шиори остидаги Антихартия - етмиш олти халқ артисти, уч юз олтмиш олти фахрий, етти минг оддий инсонлар томонидан имзоланди. Лекин уларнинг ҳеч бирига Хартия-77ни ўқишга рухсат берилмаган. 2002 йил Прагада, Хартия-77нинг 25 йиллиги муносабати билан, Хартия ва Анти-Хартия матнлари барча имзолари билан нашр этилди. Нашр катта шов-шувларга сабаб бўлди — *таржимон*.

Кўкатчининг оммавий мурожаатида маъно кўрмаслигингиз мумкин. Аммо, бу сиз ўйлаганча эмас. Тўғри, одамлар унинг шиорига эътиборсиз, лекин нима учун? Чунки бундай шиорлар бошқа дўконлар расталарида, томларда, симёғочларда, қисқаси, ҳамма жойда бор, бу эса шиорларнинг доимийлик панорамасини яратади. Шиорларнинг жозибаси - уларнинг яхлит панорама кўринишида қабул қилинишидир. Кўкатчининг шиори мана шу гигант панораманинг майда бир заррасидир, холос.

Шунинг учун ҳам кўкатчи, шиорим эътиборга тушади ёки кимнидир бирон нарсага ишонтираман деган умид билан эмас, балки минглаб бошқа шу каби (*ҳамма кўникиб қолган*) шиорлар қаторида умумий панорамани гавдалантириш учун ўрнатади. Аммо мазкур панорама ўзининг яширин маъносига эга: у одамга яшаш манзилени ва мажбуриятларини эслатиб, бошқалар нима билан машғул эканини англатиб туради. Агар инсон “жамиятдан ажралишни” ҳамда ўз “хавфсизлиги” ва фаровонлигини гаровга қўйиб “ўйин қоидаларини” бузишни хоҳламаса, рия қилиши лозим бўлган нарсаларни кўрсатади.

Бозорга келиб, кўкатчининг шиорига бу қадар бефарқ бўлган аёл бир соат олдин, ўз идорасига худди шу мазмундаги шиорни осган бўлиши мумкин. Бу ишни у кўкатчимиз сингари деярли автоматик равишда ва аниқ бажарди, чунки аёл хатти-ҳаракатлари ҳам кўкатчиники каби умумий панорама фонида амалга оширилади. Тақдир тақозоси билан ўша аёлнинг идорасига келган кўкатчи ҳам унинг шиорига эътибор бермайди. Шунга қарамай, дўкон ва идорадаги шиорлар ўзаро боғлиқдир: шиорлар умумий панорамага назар ташланиб, яъни **панарама диктати** асосида илинди, шундай экан, кўкатчи ва аёл панорама меъмори ўлароқ **диктат ҳиссадорларидир**.

Кўкатчи ва ходима вазиятга мослашди ва шартларга кўнди. Улар ҳамма қилаётган ва қилиши лозим бўлган ишни тасдиқлади ва амалга оширди, бу билан тизим мустаҳкамланишига ҳисса қўшди. Образли қилиб айтганда, кўкатчининг шиорисиз ходима шиори ҳам бўлмас эди ёки аксинча. Уларнинг шиорларга ўзаро бефарқлиги алдамчидир, чунки ўйин шартларига кўниш

мажбурияти айнан шиор воситасида эришилди ва иқтидор тасдиқланди, бошқача айтганда, улар бир-бирига итоаткорликни тасдиқлашга ёрдам берди. Кўкатчи ва ходима бир вақтнинг ўзида итоаткорликнинг ҳам объекти ҳам субъекти ҳисобланиб, айна пайтда тизимнинг қурбони ҳам воситаси ҳам ўзларидир.

Бутун шаҳарни қамраб олган ва ҳеч ким ўқимайдиган шиорлар, бир томондан, туман партия котибининг вилоят котибига ёзган шахсий рапорти ва айна пайтда ижтимоий “ўзтоталитаризм” тамойилининг хусусийликка дўниши ҳамдир. Бу эса посттоталитар тизимнинг фундаментал қоида сифатида ҳар бир инсонни ихтиёрий-мажбурий равишда давлат тузилмасига елимланишини англатади. **Давлат тузилмасига елимланган инсонлар бошқарувга ўзининг инсонийлик моҳиятини сингдирмайди, балки тизимнинг гуллаб-яшнаши учун инсонийлик моҳиятидан воз кечади, шунингдек, “ўзҳаракатнинг” ҳамтовоғи сифатида у билан жавобгарликни баҳам кўриб, Фауст ва Мефистофел сингари бир-бирига боғланиб, унинг “мақсадига” хизмат қилади.**

Бундан ташқари, ушбу боғлиқлик туфайли инсон умумэътироф этилган меъёрларни мустаҳкамлашда иштирок этиши ва ўзининг сиёсий қолиплари билан ватандошларига босим ўтказиши керак. Вақт ўтиши билан мафкурага елимланган инсон ушбу қарамликка сингиб, тизим билан уйғунлик касб қила бошлайди, кейинчалик **мафкурага тўйин-ган инсон эркинликнинг ҳар қандай кўринишини - меъёрдан четга чиқиш ва тажовуз сифатида мустақил квалификациялаш кўникмасини ҳосил қила бошлайди.** Шу йўсинда, -посттоталитар тизим барча инсонларни ҳокимият воситасида чирмовуқдай чирмаб, “ўзтоталитар” жамиятнинг занжирли назорат (*тоталлик*) воситасига айлантиради.

Деярли ҳамма, режимга боғланган ва унинг қулидир: нафақат кўкатчилар, балки ҳукумат раҳбарлари ҳам. Бу боғлиқлик давлат иерархиясидаги даражалар билангина фарқланади, холос: кўкатчининг боғлиқлиги қанчалик суст бўлса, унинг имкониятлари ҳам шунчалик

аҳамиятсиздир; Ҳукумат раҳбари, табиийки, мислсиз аҳамиятга эга ва **мислсиз тобедир**. Албатта, уларнинг иккаласи ҳам озод ва эркин эмас, фақат “мафкуравий зиндон”нинг турли ўлчамдаги хоналаридадир.

Шундай қилиб, юқорида назарда тутилган тобе инсоннинг энг яқин шериги бошқа бир инсон эмас, балки инсонни нишонга олган режимдир. Давлат одамларни ўз иерархиясидаги даражасига қараб - жавобгарлик ёки айбдорлик тамғасига кўра фарқлайди, лекин шу билан бирга, ҳеч кимга тўлиқ мажбурият юкланмайди ва аниқ айбламайди, бошқа томондан эса уларни жавобгарлик ва айбдорликдан бутунлай озод қилмайди ҳам (*яъни, режим ҳар қандай инсонни истаган вақтида ва жойида айбдор ёки қаҳрамон қилиши ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. тарж.*).

Ҳаёт ва режим ниятлари ўртасидаги зиддият икки қарама-қарши ижтимоий гуруҳнинг тўқнашуви натижаси эмас. Юзаки қарашгина жамиятни - иқтидор эгалари ва мазлумларга таснифлашга туртки беради. Бироқ, бу посттоталитар режим ва “мумтоз” диктатуранинг энг муҳим фарқларидан бири бўлиб, мазкур зиддият бари бир ижтимоий локаллик даражасига кўтарилади. Посттоталитар тизимда ушбу можаронинг чегараси *de facto* ҳар бир шахс орқали ўтади, зотан ҳар бир инсон режимнинг **ҳам қурбони ҳам тиргагидир**.

Тизим дейилганда маълум бир гуруҳ томонидан ўзгалар зиммасига юклатиладиган тартиб ва қоидалар мажмуаси деб эмас, аксинча, бу - жамиятга тамойил мақомида сизиб кирадиган, тутқич бермас таркибий қисм, шу билан бирга, ҳаётнинг ўта муҳим жиҳати сифатида жамиятга “юқтирилган” воқелик сифатида тушунилиши лозим. Инсоннинг ички дунёсида яратилган ва доимий ривожланаётган ёпиқ тизим инсонларни соф моҳиятидан маҳрум қилади. Бу тарихий тушунмовчилик эмас, балки номаълум сабабларга кўра инсониятнинг бир қисмини дунёдан сиқиб чиқаришга қарор қилган қандайдир иррационал оғиш ёки юқори шайтоний ироданинг натижасидир. Бу ҳақиқатга яқин, чунки замонавий одам бундай тизимни яратиш ёки унга тоқатли бўлиш мойиллигига

эга, шунингдек, уни ушбу режим билан қардош ва тамсил айлаб, унинг “энг яхши менлиги” уйғонишини фалаж қиладиган хусусиятлари ҳам мавжуд.

Тизим инсонни ёлғон билан яшашга мажбур қилади, бироқ у ёлғон ҳаётга бардошига қараб мажбурланади. Шундай қилиб, нафақат режим одамни бегоналаштиради, балки бегоналашган одам режимни ўзининг жирканч фарзанди, ўз хорлигининг хўрланган акси ҳамда қулашининг исботи сифатида қўллаб-қувватлайди.

Табиийки, ҳар бир шахс учун инсонийлик хусусиятлари бегона эмас: ҳар бир киши ўз шахсий кадр-қиммати, ахлоқий яхлитлиги ва ўз иродасини, “объектив ҳақиқат дунёсида” намоён қилиш истаги билан яшайди; шу билан бирга, деярли ҳар бир киши “ёлғон ҳаёт” билан яшашга кўнади ва маълум даражада тазйиқ ва меъёрлардан таъсирланади, уларнинг ҳар бири юзсиз массага айланиб, сохта ҳаёт оқимида сузиш мойиллигини шакллантиради. Бундай вазиятда, энди фикр икки моҳият зиддияти ҳақида эмас, балки ундан ҳам ёмони, моҳиятнинг инқироzi ҳақида кетади.

**Ўта содда қилиб айтганда, посттоталитар тизим – бу диктатура ва истеъмолчилар жамиятининг “тарихий” жуфтланиши ҳосиласи: ёки бу - жараённи, замонавий цивилизациянинг арзон васвасалари эвазига “юқори идеаллардан” воз кечишга тайёр ҳамда “пода бепарқлиги” эпидемияси олдида ожиз инсоннинг “ёлғон ҳаётга” оммавий мослашиш ёхуд “ўзтоталитаризмнинг” жамиятда кенг тарқалиши дея оламизми? Балким бу - истеъмолчига айланган инсоннинг ўз маънавий яхлитлигини, нафсий истаклари йўлида қурбон қилишнинг урчишидир?**

Ниҳоят, тузумимиздаги хиралик ва бўшлиқ, аслида, замонавий ҳаётнинг посттоталитар тузумда кескин акс этишининг натижасидир ва аслида, ташқи ўлчамлар бўйича у Ғарбдан анча орқада бўлса ҳам - биз унинг ривожланиш тенденциялари моҳиятига яширин йўналишда хизмат қилмаяпмизми?

Энди тасаввур қилинги, бир кун бизнинг кўкатчимиз кўзғолон кўтарди ва кимнингдир розилиги учун шиор осигга чек қўйди, “сайловларнинг” аслида ҳеч қандай сайлов эмаслигини билиб, бундай сиёсий тадбирларга боришни тўхтатди, йиғилишларда эса ўйлаганини айта бошлади ва ҳатто виждони буюрган одамларга хайрихоҳ бўлишга ўзида куч топди.

Ушбу норозилик ортидан кўкатчи “ёлғон ҳаёт” дан воз кечади, ритуални рад этади ва “ўйин қоидаларини” бузади: у йўқолган шахсиятини ва кадр-кимматини қайтаради; у озод бўлади. Унинг норозилиги рост ҳаётда яшашга уринишдир. Бу ҳисоб-китоб эса узок куттирмайди: у мудирликдан юк ташувчига айланади, ойлик маоши пасаяди, Болгарияда дам олиш орзусидан воз кечишга тўғри келади, фарзандларининг кейинги таълими эса савол остига олинади. Раҳбарлар ундан айб топади, ходимлар эса шубҳалана бошлайдилар.

Албатта, ушбу санкциялар ижрочиларининг аксарияти, ўз хоҳиш-иродаси билан эмас, балки шунчаки “шароитлар” таъсири остида, яъни кўкатчини илгари ўз шиорини эълон қилишга мажбур қилган “шароитлар” асосида жазолаш билан шуғулланадилар. Кўкатчи - ижрочилар томонидан шунчаки буйруқ берилганлиги ёки содиқлигини исботлаш учун ёхуд бу турдаги муаммоларни “фақат” шу тарзда (*умумий панорама фониди*) ҳал қилиш керак деган ишонч билан таъқиб қилинади. Қисқача айтганда, ижрочилар агар белгиланган тартибда ҳаракат қилмаса, ўзлари шубҳа остига олиниш қўрқуви асосида ҳаракат қиладилар.

Санкция ижрочилари - моҳиятига кўра, посттоталитар тизимнинг таркибий қисми, “ўзҳаракатнинг” ташувчиси ёки ижтимоий “ўзтоталитаризмнинг” кичик мурватчалари сифатида вазиятнинг моҳиятига киришади. Бинобарин, давлат санкция ижрочилари орқали кўкатчини ўзининг номақбул фарзанди сифатида тизимдан сиқиб чиқаради ва кўзғолон учун жазолайди ҳамда яккаланишга ҳукм қилади.

Режим бу ишни “ўзбошқариш” ва шахсий ҳимоя мантиғига асосланиб амалга оширади: ахир кўкатчи бу ҳаракати билан нафақат ўзининг шахсий



норозилигини кўрсатди, балки ундан ҳам хавфли нарсани қилди: у “ўйин қоидалари”ни буз-ди ва бу ишларнинг шунчаки ўйин эканлигини кўрсатди. У режимни қўллаб-қувватловчи устун бўлмиш “иллюзиялар” дунёсига хавф солди, ҳокимият структурасини зўриқтириш орқали бириктирувчи тўқималарни йиртди, ёлғон ҳаёт бу ёлғон ҳаёт эканлигини кўрсатди, у “олийлик” фасадини синдирди ва ҳокимиятнинг “туб” асосларини ёритди, яъни ҳақиқат банди қилинган зиндонга чироқ тутди. Ҳа, у “Қирол яланғоч-ку”<sup>9</sup> деб хайқирди. Қирол яланғочлиги ҳақиқат бўлганлиги учун ҳам бу сўз жуда хавфли эди: у ўз ҳаракатлари билан оламга ишора қилиб, ҳаммага парда ортига кўз ташлашга имконият берди; У аслида, ҳақ билан яшаш мумкинлигини кўрсатди.

Тизимнинг асосий унсури сифатида “Ёлғон ҳаёт” фақат ўзининг универсаллиги шарти билан ҳаракатга келиши мумкин; у ҳамма ерда бўлиши ва барча ҳудудда жорий қилиниши керак. У ҳатто “ҳақ ҳаёт” билан бирга мавжуд бўлиш фикрининг вужудга келишига ҳам йўл қўймайди, чунки “ёлғонда яшаш” дан ҳар қандай оғишни Тамо-йил сифатида рад этади ва умуман ўзи учун хавф сифатида кўради. Буни тушуниш мумкин: чунки, “ёлғон ҳаёт” рўпарасида “ҳақ ҳаёт” параллель равишда мавжуд бўлмас экан, ёлғонни аниқлаш имконсиз бўлиб қолаверади. Аммо мукамал бир ҳодиса сифатида унинг муқобили пайдо бўлиши биланоқ, ёлғон ҳаёт моҳиятига ва мавжудлигига хавф туғила бошлайди.

Шу билан бирга мазкур муқобил ҳодиса (ҳақ ҳаёт)нинг асл масштаблари қандай эканлиги муҳим эмас: унинг кучи асло “жисмоний” аспект-лар билан эмас, балки ушбу режим асосларини ёритадиган ва унинг тебранувчан пойдеворига тушадиган “нури”дадир: кўкатчи давлат тузилмасига ўзининг жисмоний кучи билан “жисмоний” таҳдид солмайди

---

<sup>9</sup> Сўз, даниялик ёзувчи Ханс Кристиан Андерсеннинг “Қиролнинг янги кийими” эртагидаги машҳур ибора ҳақида кетмоқда. Бир давлатнинг қироли жуда юпқа матодан янги кўйлак тикишга ваъда берган иккита фирибгарни ёллади, бу кўйлак аҳмоқлар учун деярли кўринмас бўлиши айтилади. Бўш тикув машинаси олдида бироз вақт ўтказгандан сўнг, фирибгарлар қиролга “кўринмас кийим” беришади. Сарой хизматчилари қиролнинг яланғоч эканини билишади, аммо аҳмоқ деб ҳисобланмаслик учун буни очиқ айтишдан қўрқишади. Шундай қилиб, қирол яланғоч юради ва ҳамма унинг янги ажойиб кийимига “қойил” қолади. Фақатгина ушбу томошага гувоҳ бўлган болакай, кейинчалик машҳур бўлиб кетган “Қирол яланғоч-ку!” иборасини айтиб, шохни фош қилади — *таржимон*.

балки унинг ҳаракати катта аҳамият касб этиши, режим атрофидаги барча нарсаларни ёритганлиги ва албатта, бу ёруғликнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари билан хавфлидир. Шу сабабли, посттоталитар режим шароитида “ҳақиқатдаги ҳаёт” нафақат экзистенциал (*инсонга ўзлигини қайтариши*) маънога, балки гносеологик (*ҳақиқатни қандай бўлса, шундай кўрсатувчи*) ва ахлоқий маъноларга ҳам эгадир.

Буларга қўшимча равишда, у аниқ ифодаланган сиёсий маънога ҳам эга. Агар тизим пойдеворининг бурчак тошлари “ёлғон ҳаёт” бўлса, унда “ҳақиқатдаги ҳаёт” тизим учун асосий таҳдид сифатида кўрилиши ажабланарли эмас. Айнан шунинг учун ҳам режим ҳамма нарсадан каттиқроқ **ҳақ** ҳаётни таъқиб қилади.

Посттоталитар режимда ҳақиқат (*ўзининг кенг маъносига кўра*) – тушунчаси бошқа тизимларга қараганда ўзига хос ва мавҳум кўриниш ҳосил қилади: ҳақиқат - режим ҳаётида улкан, ҳокимият омилида эса сиёсий куч сифатида бутунлай ўзгача рол ўйнайди. Бу куч нимага таъсир қилади? Қандай қилиб ҳақиқат, ҳокимият омили сифатида тақдим этилади? Бу куч қандай услублар билан тат-биқ қилиниши мумкин?

## 8

Инсон табиатига бегоналик сингдирилганлиги сабабли, уни ўзидан бегоналаштириш мумкин; инсонинг жабр-зулм объекти эканлиги унинг сохта эмас ҳақиқий мавжудлигидан далолатдир (*яъни, инсон режим ёлғонларидан ҳосил бўлган азобни реал ҳаётда сезади, айнан мана шу азоб уни ҳақиқий ҳаёт билан боғлаб туради. Режим учун ёлғон – бу ўз бағрида ажалини парвариши қилган Фиръавн ҳамда Мусо алайҳиссалом кабидир. – тарж.*): шундай қилиб “ҳақиқатдаги ҳаёт” - “ёлғон ҳаётнинг” қарама-қарши акси сифатида унинг структурасига уйқаш тўқилади. Фақат шу фондагина “ёлғон ҳаёт” ўз маъносига эга: режим тақдим қилаётган “ёлғон ҳаёт” инсонийлик табиатига

хос хаёлий муждалар бериши эса унинг таркибида ҳақиқат элементлари борлигидан далолатдир.

Бинобарин, “ёлғонда яшаш”нинг ташқи мослашувчанлиги остида ҳаётга бўлган ҳақиқий интилишларнинг ёпиқ сфераси, яъни унинг ҳақиқатга “яширин мойиллиги” мудрайди. “Ҳақиқатдаги ҳаётнинг” портловчи ва ўлчовсиз сиёсий кучининг ўзига хос хусусияти шундаки, “ҳақиқатдаги ҳаёт” ўзининг кўринмас, шу билан бирга, ҳар жойда ҳозир бўладиган иттифоқдошига эга, бу “яширин сферадир”. “Ҳақиқатдаги ҳаёт” айнан яширин сферадан униб чиқади, унга мурожаат қилади ва у билан бирлашиб маъно касб этади. Яширин сферада ҳақиқатнинг потенциал ривожланиши учун имкониятлар мавжуд.

Бу сфера, шубҳасиз, яширин, шунинг учун ҳам ҳокимият учун жуда хавфлидир: унда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар “*зира-ширада*” юз беради, бу жараёнларнинг якунловчи босқичида, яъни, уларнинг оқибатлари кутилмаган зарбалар кўринишида “ёруғликка” отилганда одатда, уларни яширишнинг иложи йўқ, бу эса давлат ҳокимиятини чорасиз аҳволга солиб қўяди. Чорасизлик ўз навбатида ваҳима қўзғатадиган ноўрин хатти-ҳаракатлар қилишига мажбур қилади.

Афтидан, “мухолифат” – ўзининг соф таркиби ва ҳаракатга келиш нуқтасига кўра, (*кенг маънода*) посттоталитар тузумдаги “ҳақиқатдаги ҳаёт”дир. Ушбу “мухолифатнинг” посттоталитар ҳокимият билан конфронтацияси, адолатли жамият ёки “мумтоз” диктатура шароитидаги конфронтациядан тубдан фарқ қилишини эслатиб ўтиш ўринли: бундай конфронтация – расмий, аниқ белгиланган ва ўз бошқарув дастакларига эга бўлган расмий ҳокимият доирасида эмас, балки бутунлай бошқа юзада – инсоннинг онгида, виждонида ва иродавий қадриятларида содир бўлади.

Ушбу ўзига хос кучнинг кўлами сайловчилар, тарафдорлар ёки аскарлар сонига қараб белгиланмайди, улар ижтимоий онгнинг “бешинчи колоннасида”, ҳаётнинг яширин ниятлари орасида, инсоннинг ўз кадр-қимматини қозониш ҳамда элементар ҳуқуқларини, ҳақиқий ижтимоий ва

сиёсий манфаатларини амалга оширишнинг биқик истакларида намоён бўлади. Демак, гап у ёки бу чекланган ижтимоий ёхуд сиёсий гуруҳнинг кучи ҳақида эмас, балки биринчи навбатда бутун жамиятда, шу жумладан, барча давлат тузилмаларида яширинган потенциал мудроқ “куч” ҳақида кетмоқда.

Шундай қилиб, бу “яширин ҳокимият” - хусусий аскарлари ёки полициясига эмас, аксинча “душман аскарига” суянади, яъни ёлғонда яшаётган ва кутилмаганда (*ёки инстинктив равишда ўз ҳокимиятини “ҳақиқат ҳаёти” қоидаларига мослашиб қолишидан сақлашга ҳаракат қилиши оқибатида*) ҳақиқат нури билан таъсирланиши мумкин бўлган ҳар бир инсонга таянади. Бу бактериологик қуролнинг бир тури бўлиб, унинг ёрдамида битта уйғоқ фуқаро бутун душман дивизиясини қуроллантириши мумкин. Ушбу куч ҳокимият учун очик курашда бевосита иштирок этмайди, балки расмий сиёсат чегараларидан озод бўлган инсон руҳиятининг чексиз оламида ҳаракат қилади.

Бироқ у ерда юзага келадиган яширин жараёнлар қачон ва қаерда, қандай қилиб ва қайси миқёсда содир бўлиши ҳамда сезиларли натижаларга олиб келишини олдиндан айтиш қийин – балки у ҳақиқий сиёсий ҳаракат ёки воқеада, ижтимоий ҳаракатда, фуқаролик норозилигининг тўсатдан портлашида, давлат тузилмасидаги кескин можароларда ёки шунчаки ижтимоий ва маънавий иқлимнинг кескин ўзгаришида намоён бўлиши мумкин. Барча ҳақиқий муаммолар ва салбий ҳодисалар қалин қатлами ёлғон остида яширинганлиги сабабли, охириги томчи пиёлага қачон, қандай тушиши ҳамда бу қайси томчи бўлиши аниқ эмас: шунинг учун ҳам, давлат ҳокимияти профилактика мақсадларида “ҳақиқатда яшашга” ҳаракат қилишнинг заррача намоён бўлишини ҳам тезликда бостиришга ҳаракат қилади.

Нега Солженицин<sup>10</sup> ўз Ватанидан қувғин қилинди? Албатта, Солженицин баъзи мансабдорлар ўрнини эгаллаш хавфини туғдирадиган

---

<sup>10</sup> Александр Исаевич (Исаакиевич) Солженицин - Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси. Адабиёт соҳасидаги Нобел мукофоти лауреати (1970). Россия Фанлар Академиясининг тарихий ва филология фанлар бўлими академиги (1997). Бир неча ўн йиллар давомида (1960-1980 йиллар) у коммунистик ғояларга, СССР сиёсий тизимига қарши фаол курашди. У СССР тоталитар режимини фош қилган “ГУЛАГ” асари билан машҳур — *таржимон*.

кучга эга эмас эди. Қувғин сабаби бошқа нарсада: режим ҳақиқатини очиклаётган кучли манба сифатида Солженицин фикрларининг жамият онгига таъсирини ва бу қандай сиёсий шокларга олиб келишини ҳеч ким олдиндан башорат қила олмас эди. Шунинг учун ҳам режим, Солженицин тимсолидаги ҳақиқатни сўндиришга уринди. Посттоталитар тизим ўзини қутқариш ва “иллюзиялар” дунёсининг яхлитлигини ҳимоя қилиш учун, ҳар доимгидек синовдан ўтган услуб билан ҳаракат қилди.

“Ёлғонда яшаш”нинг муқоваси ажойиб материалдан тайёрланган: агар у бутун жамиятни маҳкам ўраб турса, мустаҳкам тошга ўхшайди. Аммо режим қопламасида кичик туйнук ҳосил қилинса ва кимдир: “Қирол яланғоч-ку! “деб бақирса ва биттагина ўйинчи уни ўйин сифатида фош қилиб, қодаларни атайин бузса ҳамма нарса тўсатдан бошқача тус олади ва бутун қоплама қоғоз каби йиртилиб, шалвирашни бошлайди.

Мен “Ҳақиқат билан яшаш” ҳақида гапирганимда, нафақат ҳақиқатни тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш ёки баъзи бир норозилик ёки бир гуруҳ зиёлилар томонидан имзоланган хатни, балки бу бирор кишининг ўзини манипуляция қилишга қарши бош кўтаришга қаратилган ҳар қандай фаолиятни: зиёлилар мурожаатидан тортиб иш ташлашгача, рок-қўшиқ концертидан тортиб талабалар намойишигача, сайлов комедиясида қатнашмасликдан ортиб бирор-бир расмий конгрессда очик сўзлашгача, қўйингки, очлик эълон қилишгача бўлган жараёнларни назарда тутаман.

Посттоталитар тузум, ҳаёт интенцияларини тотал бостиради ва ҳар қандай ҳаётий куртакни комплекс манипуляциялашга асосланганлиги сабабли, ҳаётдаги оддий эркинликни ҳам *(масалан, Шимолий Кореяда соч турмаги ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, қонунга зид соч турмаги учун жиноий жавобгарлик белгиланган. тарж.)* ўзи учун билвосита сиёсий таҳдид сифатида қабул қилади. Ҳатто, адолатли жамиятларда бу турдаги эркинлик потенциал ва сиёсий аҳамият касб этиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

Прага баҳорини баъзан, икки гуруҳнинг ҳақиқий кучи даражасидаги тўқнашуви сифатида талқин қилишади. Яъни, тизимни аввалгидек ушлаб

туришни истаганлар ва уни ислоҳ қилмоқчи бўлганлар ўртасидаги зиддият сифатида кўришади. Ушбу тўқнашув фақат яқуний акт ва кўп йиллар давомида ўйналаётган драманинг ташқи натижаси бўлганлигини ҳамда бу тўқнашув жамиятнинг руҳияти ва виждони соҳасида вужудга келганини унутишади.

Бу драманинг бошида, ҳатто энг даҳшатли кунларда ҳам ҳақиқат билан яшашга муваффақ бўлган инсонлар турган. Бу инсонлар амалда ҳокимиятга эга бўлмаган ва унга даъво қилмаганлар ҳам, “ҳақиқатдаги ҳаётга” сиёсий фаолият сифатида кириши тахмин қилинмаган. Улар шоирлар, рассомлар, мусиқачилар ва кўпчилиги ҳатто, ижодкор одамлар ҳам эмас, балки ўзларининг инсоний қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлган оддий ватандошлар эдилар.

Албатта, бугунги кунда яширин ва ёпиқ йўллар билан амалга оширилган ҳалол ҳаракатлар ёки позициялар ҳаётнинг қайси соҳасига таъсир қилганлигини ва ҳақиқат вирусини “ёлғонда яшаш” матосига қандай аста-секин кириб келиб “ютиб юборганини” айтиш осон эмас. Фақат шу нарса аниқки, сиёсий ислохотга уриниш жамиятни уйғотиш учун эмас, балки ҳақ ва адолатли ҳаётда яшаш учун эди, унинг оқибатида эса жамият ҳам уйғонди.

Менимча, ушбу тажриба билан замонавий сиёсий жараёнларни тушуниш осонроқ бўлади: минглаб хартистларнинг посттоталитар тизим билан тўқнашуви сиёсий нуқтаи назардан умидсиздай кўринади. Аммо биз бунга мавжуд сиёсий тизимнинг анъанавий оптикиси орқали қарасак, ҳар қандай сиёсий куч ўзини расмий ҳокимият даражасида намоён қилишдан ўзга йўли йўқ. Шу мантиқдан келиб чиқиб, Хартистлар расмий миттипартия сифатида ташкил этилганда, назаримда, ҳеч қандай имкониятга эга бўла олмасди.

Агар биз ушбу қарама-қаршиликка пост тоталитар ҳокимият табиати нуқтаи назаридан қарасак, буни мутлақо бошқача тарзда кўришимиз мумкин: Хартия-77<sup>11</sup>нинг амалга киритилиши “ёпиқ сферага” қандай таъсир

---

<sup>11</sup> Хартия 77 - бу Чехословакияда 1976-1992 йилларда мавжуд бўлган сиёсий диссидентлар гуруҳини шакллантириш учун асос бўлган дастурий ҳужжат. Унинг асосчилари (Вацлав Гавел, Йиржи Динстбир, Зденек Млынарж, Йиржи Гаек, Павел Когоут) кейинчалик

кўрсатишини, унинг моҳияти ва қандай амалга оширилишини ҳеч ким аниқ билмайди ва бу сферада Чехословакия фуқароларининг Хартия орқали ўзлигини англаши қандай қабул қилинади. Ушбу фаолият қачон ва қандай реал сиёсий ўзгаришларда акс этишини олдиндан айтиш қийин.

Умуман олганда, бу шубҳасиз “ҳақиқатдаги ҳаётга” тааллуқли жараёндир: экзистенционал танлов сифатида у биринчидан, инсонни ўз моҳиятига қайтаради ва иккинчидан, уни сиёсатчи сифатида “ва-банк ўйинига” киритади. Шунинг учун фақат биринчиси учун иккинчисига рози бўлишга лойиқ бўлганлар ёки бугунги Чехословакияда сиёсатга киришнинг бошқа йўл йўқ деган хулосага келганлар “ҳақиқатдаги ҳаёт” фойдасига қарор қилишга ирода топди. Умуман олганда, бундай хулосага, ўз инсоний фитратини сиёсатга қурбон қилишни истамаган ёки бундай қурбонликни талаб қиладиган режимда маъно кўрмайдиган инсонларгина келиши мумкин.

Посттоталитар тизим ўзининг ҳар қандай муқобили пайдо бўлишига тўсқинлик қилар экан, расмий сиёсат қонуниятларидан мустақил бўлган потенциал сиёсий таҳдиднинг тортишиш маркази “сиёсийгача бўлган” оламга ўтади: “ҳақиқатдаги ҳаёт” – *(ҳаттоки, унга нисбатан алоҳида талпинишсиз ҳам)* “ўзҳаракат” тизимига қарши турадиган ягона табиий муҳит ва барча намоёнларнинг (акцияларнинг) бошланғич нуқтаси бўлади. Ҳатто, кейинчалик, бу ҳаракатлар “ҳақиқат ҳаёти” деб аталадиган нарсадан ташқарига чиқиб, турли параллел тузилмалар, ҳаракатлар, институтларга айланиб, ўзини сиёсий куч сифатида ҳис қила бошлаб расмий тузилмаларга жиддий босим ўтказди ва қайсидир маънода de facto ҳақиқий куч даражасида ҳаракат қила бошлайди. Шунга қарамай улар келиб чиқиш илдизларининг ўзига хослигини сақлаб қолишади.

---

мамлакатнинг етакчи жамоат ва сиёсий арбобларига айланди. 1989 йил “Бахмал инқилоби”дан сўнг, хартияни биринчилардан бўлиб имзолаган файласуф Ян Паточка 1977 йилда ҳибсга олинган ва сўроқ пайтида ўлдирилган. Имзоловчилар орасида Францисек Кригел, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий кўмитаси Президиумининг собиқ аъзоси ҳам бўлган — *таржумон*.

Хартия матни 1976 йилда ёзилган. Унинг яратилишидаги рағбатлантирувчи омиллардан бири бу **The Plastic People of the Universe** гуруҳининг ҳибсга олиниши эди. Биринчи имзолар 1976 йил декабрда олинган. Хартия 242 имзо билан 1977 йил 6 январда эълон қилинган. Дастлаб йиғиштириб олинган ва мусодара қилинган, аммо нусхалари тарқатила бошлаган, 7 январ куни низом матни Европа ва АҚШнинг бир нечта йирик газеталарида эълон қилинди. 1977 йил охирида хартияга 800 киши имзо чекди, уларнинг кўп қисми кейинчалик ватанидан кетишга мажбур бўлишган.

Шунинг учун бундай муқобил сиёсат униб чиқаётган муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан ва англамасдан, “диссидентлар ҳаракати” ва уларнинг фаолияти ҳамда истиқболлари тўғрисида ҳаққоний фикрни шакллантириш мумкин эмас.

## 9

“Ёлғон ҳаёт” юзага келтирган инсон шахсиятининг чуқур инқироzi, шубҳасиз ўзининг ахлоқий оқибатларига ҳам эгадир: уни бошқа деградациялар билан бир қаторда - жамиятдаги чуқур ахлоқий емирилиш сифатида намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Истеъмолчилик қадриятларига бўйсундирилган инсон - бу “пода тамаддуни амальгамасида<sup>12</sup> эриб битган ва нафсий истагини, борлиқ олдидаги ҳаёт масъулиятдан - устун қўйганини тан олмайдиган деморализацияланган (*ахлоқсизлаштирилган*) шахсдир: режим айнан, инсоннинг мана шу деморализациясига (ахлоқсизлигига) таянади, уни чуқурлаштиради ва бутун жамият миқёсида акс эттиради. “Ҳақиқатдаги ҳаёт” - бу сунъий ёпиштирилган вазиятга қарши инсоний норозиликнинг бир шакли сифатида - ўз масъуллигини қайта тиклашнинг муқобил уриниши ва табиийки, ахлоқий бир ҳаракат ҳамдир.

“Ҳақиқий ҳаёт” учун кураш кимгадир жуда қимматга тушаётгани билан эмас, авваламбор, у фойдани кўзлаб курашга кирилмаётгани билан муҳимдир. Дейлик, “диссидентга” умумий вазиятни яхшилагани учун “чиройли тарзда тўлов” қилиниши ҳам мумкиндир, аммо бу ҳар доим ҳам шундай эмас; гап “Vabank ўйини” ҳақида кетмоқда, соғлом фикрли инсон мазкур ўйинга фақат бугунги қурбонликнинг эртанги рентасига ишониб қўшилишини тасаввур қилиш қийин. Умумий миннатдорчиликни кутиш ҳам шарт эмас (*Расмийлар “ҳақиқий ҳаёт”га қарши курашишида ёки уни*

---

<sup>12</sup> **Амальгамизация** - икки ёки ундан ортиқ этник гуруҳлар ёки халқларнинг биологик аралашуви натижасида бир гуруҳ ёки халққа айланиши жараёнидир. Жамоат, иттифоқлар ва корпорацияларнинг аралашиб кетиши маъносида ҳам тушиниш мумкин — *таржимон*.



ўзларининг деморал дунёсига тобе қилишда, ҳақиқий ҳаёт асосида яшаш истагида бўлган инсонларга нисбатан фойдани, мансабни, шон-шараф ёки пулни тиқиштиришдан бошқа муқобил усуллардан фойдалана олмаслиги ўзининг мантиқий асосларига эгадир).

Посттоталитар тузум таъсиридаги “ҳақиқий ҳаёт” ҳар қандай мустақил ва муқобил сиёсатнинг асосий жабҳасига айлана борганлиги сабабли, ушбу сиёсатнинг табиати ва истикболи ҳақидаги мунозараларда унинг ахлоқий кўрсаткичлари ҳам сиёсий феномен сифатида ҳисобга олиниши керак. (*Агар кимгадир ахлоқнинг “устки тузилиши” функцияси ҳақидаги инқилобий-марксистик эътиқодлар ушбу жиҳатнинг тўлиқ моҳиятини англашга тўсқинлик қилса, бу унинг муаммоси: устиҳон постулатларга кўрларча риоя қилиш унинг ўз сиёсий механизмларини тушунишга халақит беради, бу қанчалик парадоксал бўлмасин уни марксист сифатида ўзи ишонмайдиганлар яъни “сохта онг” қурбонлари даражасига тушириб қўяди.*) Дарҳақиқат, посттоталитар тузум ахлоқининг сиёсий аҳамияти замонавий сиёсий тарих учун ғайриоддий ҳодиса бўлиб, бундан ташқари унинг узокқа чўзилувчи асоратлари борлигини ҳам эсда тутиш лозим.

## 10

1969 йилда Гусак<sup>13</sup> иқтидорга келганидан кейин Чехословакиядаги энг муҳим сиёсий воқеа, шубҳасиз давлатнинг Хартия – 77 га кириши эди. Гусакнинг аъзолиги бирор бир сиёсий мақсадлар асосида тайёрланди, дейиш нотўғри бўларди. Бунинг асл сабаби “The Plastic People<sup>14</sup>” ёш

---

<sup>13</sup> **Густав Гусак** – (1975-1989 йилларда Чехословакия Президенти). 1969 йилнинг апрелида Чехословакия Комунистик партиясининг биринчи котиблигига сайланган. Унинг сиёсий фаолияти “нормаллаштириш” номини олди, яъни Гусак “Прага баҳори” даврида амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг салбий оқибатларини баргараф этганлиги таъкидланади. Унинг раҳбарлик даврида мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тургунлик ҳукм сурди, 1971-1989 йилларда Чехословакия Марказий комитети ва Политбюроси раҳбарияти дерли ўзгармади — *таржимон*.

<sup>14</sup> **The Plastic People of the Universe** - бу ноодатий рок гуруҳларидан бири. Уларнинг хайратланарли тарихи ижодий тиришқоклик ва нонконформизмнинг ёркин намуналаридан биридир. The Plastic People of the Universe гуруҳи собиқ Совет Иттифоқининг Прагага бостириб киришидан (1968 йил) бир ой ўтгач пайдо бўлган эди — *таржимон*.

мусиқачиларининг ҳибс қилиниши ва уларнинг устидан бошланган суд жараёни эди, – дейиш ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди.

Бу жараёнда, иккита сиёсий куч ёки тушунча эмас, балки ҳаётни икки хил тушуниш бир-бирига қарши турмоқда эди: бир томондан, посттоталитар тузум стерил истэблшментининг пуританизми, бошқа томондан эса ҳақиқатда яшашдан бошқани истамаётган номаълум ёшлар: улар ўзларига ёққан музиқани куйлаш, жамият муаммоларини тараннум этиш, эркин бўлиш ва қадрланиш ҳамда дунё билан уйғунликда яшашни истар эдилар.

Булар сиёсий ўтмишга эга бўлмаган инсонлардир ва сиёсий амбицияларга эга онгли муҳолифат ҳам эмас, шунингдек, давлат тузилмаларидан ҳайдалган собиқ сиёсатчилар рўйхатида ҳам турмайди. Улар мавжуд вазиятга мослашиб, “ёлғон ҳаётга” тан бериб, тинчлик ва хавфсизликда яшаш учун барча имкониятларга эга эдилар. Аммо улар бошқача қарорга келишди. Шунга қарамай, - аниқроғи, шунинг учун ҳам, уларнинг иши жуда кучли резонанс берди: бу эса “ёлғон ҳаёт” билан мурасага келмаган барча кишиларга кучли таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, уларнинг иши йиллар давомида кутилган, апатия ва кўнгил қолиш ва ҳар хил шаклдаги қаршиликлардан сўнг янги пайдо бўлган муҳитда юзага келди: бу инсонларнинг **“чарчашдан чарчаган”**, ҳаётнинг ҳосилсизлигидан тўйиб кетган ва пассив анабиозлар билан тўлган пайти эди. Афтидан, бу сабр косасини тўлдирган охириги томчи вазифасини ҳам бажарган.

Шу пайтгача бир-биридан узоқлашган ёки узоқлаштириш усулларида норози бўлган кўплаб гуруҳлар ва ҳаракатлар тўсатдан - эркинликнинг бўлинмаслигини ҳис қилишди: ҳамма Чехия музиқий анде-граундига қилинган ҳужум “ҳақиқий ҳаётига”, яъни ҳаётнинг соф интилишларига ҳужум эканлигини чинакамига тушунишди. Рок-музиқанинг эркинлиги - инсон эркинлиги, демак, фалсафий ва сиёсий рефлексия эркинлиги, адабиёт эркинлиги, жамиятнинг турли ижтимоий ва сиёсий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш эркинлиги сифатида қабул қилинди.

Одамларда ҳамжихатлик (*солидарность*) хисси уйғонди: улар бошқаларнинг, ҳатто ижодда ва дунёқарашда ўзидан йироқ бўлганларнинг эрки учун курашмаслик - ўз ихтиёри билан шахсий эркинликдан воз кечиш эканлигини англашди. (*Хартия - 77 бу қадимий ҳақиқатни ва замонавий Чехословакия тарихини ўта муҳим ўзига хос бир хусусият билан тўлдирди: бу эса “Олтмиш саккизинчи” номли китоб муаллифининг таҳлилига кўра “истисно тамойилидир”, яъни, бизнинг ҳозирги ҳалокатли маънавий-сиёсий ҳолатимизнинг дастлабки сабабидир.*)

Ушбу тизим (*Солидарность*) Иккинчи жаҳон урушининг охирида демократлар ва коммунистлар ўртасида кутилмаган ва тушунарсиз мурося натижасида пайдо бўлди ва кейинчалик “аччиқ яқунгача” давом этди ва Хартия-77 томонидан ўн йиллар ичида биринчи марта йўқ қилинди: Хартия-77 ни қўллаб-қувватлаган ҳар бир киши озодлик ҳимояси учун ўзаро ваъдалашиб олдилар, шу билан улар яна тенг шерикларга айландилар; бу коммунистлар ва айрим коммунист бўлмаганлар ўртасидаги “коалиция” эмас (агар шундай бўлганда бу ахлоқий ва сиёсий нуқтаи назардан тарихан янги ва ғайриоддий нарса деб айта олмасдик) бу априори ҳеч кимдан чегараланмайдиган ва априори ҳеч кимга устунлик бермайдиган ҳамдўстлик эди. Хартия-77 айнан шундай муҳитда пайдо бўлди. Кам танилган рок-гуруҳининг таъқиб қилиниши бундай катта сиёсий оқибатларга олиб келишини ким ҳам кутган эди дейсиз!?

Ўйлайманки, Хартия-77нинг тарихи, юқоридаги таҳлилларимнинг ёрқин ҳаётий кўринишидир: посттоталитар тузум шароитида кўплаб ҳаракатлар минг хил азоб билан ҳосил қиладиган сиёсий кўникмаларининг асоси тўғридан-тўғри сиёсий ҳодисалар ёки тоза сиёсий куч ва концепцияларнинг конфронтациясида эмас, балки бу ҳаракатлар аксарият ҳолларда мутлақо бошқа асосларда юзага келади: “ёлғон устига қурилган ҳаёт” ва “ҳақиқатга асосланган ҳаёт” бир бирига қарши турадиган қандайдир “сиёсатгача” бўлган кенг жабҳада, яъни посттоталитар тузум ва соф ҳаётий даъволари тортишуви доирасида вужудга келади. Соф ҳаётий интенциялар, табиийки, турли хил шаклда: бир ҳолатда бу моддий, ижтимоий ёки мулкӣ

манфаатлар, бошқа ҳолларда эса маълум маънавий эҳтиёжлар ёки асос солувчи экзистенциал (ҳаётӣ) эҳтиёжлар шаклида бўлиши мумкин, бу эҳтиёжлар орасида инсон ўзи истаганча ва кадр топиб яшашни истайди.

Шундай қилиб, ушбу қарама-қаршиликнинг сиёсий табиати туғма зарбдор интенцияларнинг “сиёсийлигидан”дан эмас, балки инсонларни комп-лекс манипуляция қилишдан бошқа усулни қўллай олмайдиган посттоталитар тузум инсоний эркин ҳаракатни ёки “ҳақиқатда яшаш”га қилинган уринишни ўзи учун хавф сифатида кўраганлигидан келиб чиқади ва шунинг учун *у par excellence (мукаммалликка қарши)* сиёсатга айланади.

Ушбу “сиёсатгача” деб номланадиган асосларда юзага келган акциялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳослашуви иккинчи навбатда юзага келиши мумкин бўлган конфронтацияларнинг акс таъсирида пишиб етилади ва содир бўлади. Аммо биз ушбу ҳослашувни уларнинг илдизларидан дастур, режа ёки бошланғич стимул кўринишида аниқлай олмаймиз.

Бу 1968 йилда Чехословакияда яна бир бор тасдиқланди: ўша пайтда тизимни ислоҳ қилишга уринган коммунист сиёсатчилар ўз ислоҳот дас-турларини таклиф қилмаганлар (*яъни, дастурсиз, маълум бир режасиз “ислоҳ” қилмоқчи бўлганлар. Тарж.*). Уларнинг бу қарорга тўсатдан келишига мистик илҳом сабаб бўлмади, улар бундай қарорга сиёсатга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган жабҳалар томонидан доимий ва тобора ортиб бораётган босими туфайли мажбур бўлдилар.

Аслида, улар йиллар давомида кундан-кунга одамларнинг бошидан кечираётган сиёсий-ижтимоий зиддиятларни (*масалан, тизим интенциялари ва ҳаёт интенциялари ўртасидаги зиддият*) ҳал қилишга ҳаракат қилишди, бу жараёнга турли хил ижтимоий қатламлар очиқ (бутун жамиятда жонли резонанс келтириб чиқарадиган) муносабат билдиришни бошлади, бу жараёнларни жамиятнинг турли позициялардан келиб чиққан ҳолда олимлар ва ижод аҳли таҳлил қилишди; ушбу қарама-қаршиликларнинг ечимини талабалар ҳам талаб қилишди.

Хартия-77 пайдо бўлиши билан ўз ахлоқий аспектнинг сиёсий аҳамиятини исботлади. Дар-ҳақиқат, турли гуруҳлар ўртасидаги кучли ҳамжиҳатлик туйғуси бўлмаганда Хартия-77нинг юзага келишини тасаввур қилиш қийин эди. Бундан кейин эса кутмасдан, оқибатларини ўйламасдан ҳақиқатни барча эшитадиган қилиб гапириш ва яқин келажақда ижобий натижаларга эришиш ҳақидаги эфемер умидни ҳам узиш керак бўлди. **“Шундай нарсалар борки, улар учун сабр қилсанг арзийди”**, деб ёзган эди Ян Паточка ўлимидан олдин. Ўйлашимча, Ян Паточка сўзлари хартистлар учун нафақат васият, балки нима учун улар айнан шу ишни қилаётганлиги фойдасига энг ишончли аргумент ҳамдир. Четдан қараганда Хартия-77нинг эълон қилинишини режим кутилмаган ҳодиса сифатида қабул қилди, у осмондан тушганга ўхшарди. Табиийки, у осмондан тушмади, аммо бу таассуротни тушунса бўлади: унга олиб келадиган жараёнлар “яширин сферада”, ўша ғира-ширада, яъни бирон бир нарсани аниқлаш ва таҳлил қилиш деярли имконсиз бўлган жойда содир бўлган эди. Ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлишини олдиндан билиш қанчалик қийин бўлса, бугунги кунда эса унинг оқибатини тахмин қилиш ҳам шунчалик мураккаб. Мана, “яширин сфера” дан бирон нарса отилиб чиқиши билан, “ёлғон ҳаёт” тошли қобиғининг тўсатдан ёрилиши оқибатида пайдо бўладиган ўша шок. Инсон “иллюзия” дунёсига қанчалик кўп ботирилса, сиёсий шоклар юз берганда унинг ҳайратланиши ҳам шунчалик кучли бўлади.

Посттоталитар жамиятларда сиёсий (*ўзининг соф анъанавий маъносида*) ҳаёт йўқ қилинади; инсонлар сиёсий фикрини очик билдиришдан маҳрум қилинади, сиёсий бирлашишни - ҳатто гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бунинг оқибатида юзага келган сиёсий бўшлиқ эса мафкуравий ритуаллар билан тўлдирилади.

Бундай вазиятда одамларнинг сиёсатга қизиқиши табиий равишда сустлашади ва мустақил сиёсий фикрлаш ҳамда сиёсий ишни *(агар шунга ўхшаш нарса мавжуд бўлса)* аксарият одамлар ҳақиқатдан йироқ, чалғитадиган, қандайдир ўйин учун ўйинга ўхшаш, кундалик муаммолардан узилган умидсиз ҳамда умуман кераксиз нарса сифатида кўради, чунки бир томондан у утопик, бошқа томондан эса *(бу йўналишдаги ҳар қандай уриниш давлат томонидан шавфқатсизлик билан таъқиб қилинишини инобатга олсак)* ўта хавфли ҳамдир.

Шунга қарамай посттоталитар жамиятларда, ўзхаёт миссияси сифатида сиёсатдан воз кечмайдиган ва мустақил равишда ўйлашга, гапиришга ва иложи бўлса уюшишга интиладиган одамлар ҳам бор, чунки улар “ҳақиқий ҳаётни” бошқача тасаввур қила олишмайди.

Бундай инсонларнинг мавжудлиги ва ҳаракатлари ниҳоятда муҳим ва фойдалидир, чунки улар мудҳиш даврларда ҳам сиёсий анъаналарнинг давомийлигини таъминлайди ва “сиёсатгача” конфронтация шаклида юзага келган баъзи сиёсий ҳаракатлар ўзини муваффақиятли намоён этса, бу кўпинча ўша “армиясиз” генераллар туфайли содир бўлади, улар кўплаб оғир қурбонлар эвазига сиёсий тафаккур узлуксизлигини ҳимоя қилган, кейинчалик эса сиёсий ташаббус ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ва энг муҳими, инсонларни керакли вақтда сиёсий ўзлигини англаш унсури билан бойитган ҳам ўшалардир *(Чехословакияда бунинг яққол мисоли бор: 70-йилларнинг бошларида деярли барча сиёсий маҳбуслар беҳуда азоб чекишган - уларнинг тушкун ва заифлашган жамиятдаги сиёсий уринишлари донкихотлик сифатида баҳоланган эди - бугунги кунда эса айнан улар фаол гуруҳларнинг когортасини ташкил қилмоқдалар. Хартия-77 билан боғлиқ қурбонликларнинг ахлоқий ўлчовлари янада қадрли бўлиб бормоқда; бундан ташқари, улар ушбу ҳаракатни ўзларининг тажрибалари ва юқорида санаб ўтилган сиёсий рефлексиялари билан бойитмоқдалар)*.

Шунга қарамай, ҳеч қачон машаққатли сиёсий ишлардан воз кечмайдиган ва ҳар доим сиёсий масъулиятни зиммасига олишга тайёр бўлган

ушбу инсонларнинг фикрлаши ва фаолияти - битта сурункали камчиликка эга. Хусусан, посттоталитар тузумнинг ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида тарихий хусусиятларини нисбатан содда тушуниш, ушбу тизим учун мосланган ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятларини етарлича ангалмаслик оқибатида сиёсий ишнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш ва айнан ўша “сиёсатгача” бўлган воқеаларнинг ҳақиқий сиёсий жараёнларни озиқлантиришини ҳам чуқур англай олмаслиги билан ажралиб туришади.

Сиёсатчилар ва сиёсий амбицияларга эга одамлар каби диссидентлар ҳам кўп ҳолларда (*анъанавий*) сиёсий ҳаёт қандай тугаган бўлса, улар ўз сиёсий фаолиятини шундай бошлаган (*яъни, аксарият ҳолларда режимнинг анъанавий сиёсатчилари фаолиятининг охирида қамалган ва хўрланган бўлса, диссидентлар эса аввал қамалиб кейин сиёсий фаолиятини бошлаши кўп учрайди. Тарж.*), шунингдек улар ҳам кейинчалик анъанавий сиёсий муносабатларга мос келадиган тактикаларга амал қилишади.

Шундай қилиб, улар тафаккур, одатлар, тушунчалар ва концепцияларни мутлоқо ўзга шароитлардан бутунлай янги “тупроққа” ўтказадилар, шу билан бирга улар ўзлари амалга оширган бу усуллар ва одатларнинг мазмуни ва таркиби қандай эканлигини бошида англамайдилар, шахсиятидаги сиёсат юкини шунингдек, сиёсий имкониятлари-ни ҳам тарозига тортмайдилар.

Давлат тузилмаларидан ҳайдалиш хавфи, ҳамда янги сиёсий ғояларга содиқ қолиб ушбу тузилмаларга таъсир эта олмаслик, демократик жамиятларда (ёки “классик” диктатураларда) сиёсатчиларнинг ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолишига (*Биз билан нима учун сулҳга кўниши керак, агар аввал бошдан биз томонимиздан таклиф қилинган сулҳ тан олинмаган бўлса*) ва утопик ғояларнинг асирига айланишига олиб келади. Аммо мен кўрсатишга ҳаракат қилган, посттоталитар тузумдаги ростмана сиёсий воқеалар демократик тизимдан фарқли равишда ўзгача шароитларда рўй беради.

Жамиятнинг катта қисми, муҳолиф партиялар тузиш у ёқда турсин, ҳатто муқобил сиёсий дастурлар ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг

концепцияларини ишлаб чиқишга бефарқлиги, нафақат жамоат ишларидан кўнгли қолганлигини, шунингдек, умумий деморализация натижасида “олий масъулиятни” йўқотганлигини ҳам кўрсатади, лекин шу билан бирга соғлом ижтимоий инстинкт ҳам ўзини намоён қилади: гўё одамлар рўй рост ҳамма нарса ўзгариб кетганини ҳис қилишади ва аслида ўзгача ҳаракат қилиш вақти келганини сезади.

Совет блокининг турли мамлакатларида сўнг-ги йилларда кўп сонли ва муҳим, резонанс берадиган сиёсий импульслар айнан математиклар, файласуфлар, физиклар, ёзувчилар, тарихчилар оддий ишчилар ва ҳоказоларнинг йўлбошчилигида юзага келтирилган. Сиёсатчилар томонидан эмас, юқорида санаб ўтилган “носиёсий” касб вакиллари турли “диссидентлик ҳаракатлар”нинг йўналтирувчи кучига айланганлиги - бу уларнинг, сиёсий соҳани танлаган инсонлардан кўра ақлли бўлганлиги учун эмас, балки, улар сиёсий тафаккур ва стереотипларга (*аниқроғи, анъанавий сиёсий тафаккур ва анъанавий сиёсий стереотипларга*) тобе эмаслигидандир, шунинг учун улар парадоксал равишда сиёсий воқеликка нисбатан очиқроқдир ва шу сабабли улар нимани қандай қилиш кералигини кескинроқ ҳис этадилар.

Бугунги кунда кўзга кўринган муқобил сиёсий моделларнинг ҳеч бири, ҳатто энг жозибалиси ҳам “яширин сферани” ростмана жонлантиришга, одамлар ва жамиятни оловлантиришга шунинг-дек реал сиёсий активликни вужудга келтиришга сабаб бўла олмайди.

Посттоталитар тузумдаги потенциал сиёсат ўзгача фаолият ҳудудига эга. Ушбу тизимнинг комплекс интенциялари ва ҳаёт интенциялари ўртасидаги доимий ва кескин қарама-қаршилик, яъни, инсоннинг яшашга бўлган эҳтиёжига, назоратсиз яшашига, эркин сўзлаш ва ўз ижодий имкониятларини англаб етиш, ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиш орқали ўзлигига уйғун ҳолда яшаш каби табиий ҳуқуқларига соя соладиган ҳокимиятнинг таҳқирлашини, полициянинг босимини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси инсонларни муқаррар равишда ўзига тортадиган, ҳар жойда мавжуд ва тинчланмаётган зиддият, яъни “яширин сферага” бевосита таъсир қилади.



Аммо идеал сиёсий ёки иқтисодий тузилманинг мавҳум нусхалари талабга жавоб бермайди ва ишонч уйғотмайди. Мазкур ишончсизлик, инсонлар ушбу тузилмаларга таъсир қилиш имконининг ўта аҳамиятсиз эканлигини англаб етгани учунгина эмас, балки инсонлар бугунги кунда аниқ бир сиёсатчи томонидан сиёсий доктрина “шу ерда ва ҳозир” қанча кам яратилса ва ўша доктрина “ўша ерда” ва “қачондир” деб номланган мавҳум томонга кўпроқ йўналтирилса, бундай доктриналар инсон қуллигининг янги кўринишларини юзага келтиришини, жуда яхши англагани учундир.

Посттоталитар тузум инсонлари бир ёки ундан кўп партиянинг ҳокимиятда бўлиши ва уларнинг қандай номланиши муҳим эмаслигини, муҳими эса оддий ва инсонийлик билан яшаш эканлигини жуда яхши билишади. Анъанавий сиёсий тамғалардан халос бўлиш, инсоний ҳаётнинг соф оламига чуқурроқ кириб бориш ва уни таҳлил қилиш орқали сиёсий хулосаларга келиш - нафақат реал сиёсат, балки “идеал ҳолат” нуқтаи назаридан ҳам истиқболдир.

Бугунги кунда вазиятнинг ҳақиқий, чуқур ва узлуксиз ижобийлик томон ўзгариши, у ёки бу анъанавий сиёсий ғояларга асослана олмайди ва асослантирилган тақдирда ҳам ўзини оқламайди. Чунки анъанавий сиёсатга ихтисослашган тушунчалар юзаки (*яъни структуравий, тизимга оид*) концепциялардир. Бу ўзгаришлар - ҳеч қачон ва ҳеч қаерда учрамаган бир кўринишда – инсоннинг ўзидан, инсоният ҳаёти ва унинг дунёдаги мавқеини тубдан ўзгартирадиган қадриятлардан униб чиқиши, ўзига, бошқаларга, қўйингки, атрофидаги барча нарсаларга мустақил муносабатидан ирмоқланиши керак. Бугунги кунда янада мукаммал хўжалик ва сиёсий моделни яратиш (ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ) жамиятдаги экзистенционал ва маънавий ўзгаришлардан келиб чиқиши керак.

Бу, албатта янги машина излаш ва сотиб олиш каби ўта жўн нарса эмас. Агар биз эски маразмнинг янги талқинлари ҳақида гапирмаётган бўлсак, бу фақат ўзгарувчан ҳаётнинг намоён бўлиши сифатида шакллантирилиши мумкин бўлган нарсадир. Шундай қилиб, яхшироқ тизимни жорий қилиш ҳеч

ҳам мукаммал ҳаётни автоматик тарзда кафолатлай олмайди. Умуман олганда, бу аксинчадир: яъни, **мукаммал ҳаётнинг пойдеворида, эҳтимол янада мукаммал тизимни қуришингиз мумкин.**

Такрор айтаман, мен сиёсий рефлексия ва концептуал сиёсий ишнинг аҳамиятини камайтириш ниятида эмасман. Бундан ташқари, соф сиёсий рефлексия ва чинакам концептуал сиёсий иш бизга доимо етишмаётган нарса деб ўйлайман. “Соф” деган англатма билан мен, ҳеч қачон қайтиб келмайдиган (*қайтиб келганда ҳам бирор бир нарсани сезиларли ҳал қила олмайдиган*) дунёдан бизнинг шароитимизга олиб кирилган анъанавий сиёсий схемалардан холи бўлган рефлексия ва концептуал сиёсий ишни назарда тутаяпман.

Иккинчи ва тўртинчи Интернационаллар<sup>15</sup> сингари бошқа кўплаб сиёсий кучлар ҳамда ташкилотлар, бизнинг турли уринишларимизни сиёсий усуллар билан қўллаб-қувватлашлари мумкин. Аммо бу кучларнинг ҳеч бири биз учун муаммони ҳал қилиб бера олмайди: уларнинг дунёси бошқа, улар ўзга шароитларда пайдо бўлган, уларнинг назарий тушунчалари биз учун қизиқарли ва фойдали бўлиши мумкин. Бироқ, биз улар билан таққосланамиз, холос, муаммоларимизни эса ҳал қила олмаймиз.

Демократик жамиятларда сиёсий ҳаётни ҳаракатлантирадиган дискуссияларни бизнинг мамлакатимизда жорий қилишга бўлган уриниш мен учун мутлақо ақлсизликдай кўринади. Масалан, жиддий юз билан, тизимни ўзгартирмақчимизми ёки шунчаки ислоҳ қилмоқчимизми деган саволни ўртага ташлаб мунозара қилиш имкониятига эгамизми?

Бизнинг шароитимиз учун бу одатий сохта муаммо: ҳали тизимни ўзгартиришга ҳам ислоҳ қилишга ҳам имконимиз йўқ; ҳатто ўзгаришларни қаердан бошлаш ҳам ноаниқ; биз ўз тажрибамиздан биламизки, на “ислоҳот” ва на “ўзгартириш” ўз-ўзидан ҳеч нарсани кафолатлай олмайди; ва охир-оқибат, у

---

<sup>15</sup> **Иккинчи интернационал** 1889 йилда ташкил этилган Социалистик ишчилар партияларининг бирлашмасидир. 1976 йилда тугатилган. **Тўртинчи интернационал** Л.Троцкий томонидан 1938 йилда Ишчилар синфини химоя қилиш учун Францияда ташкил қилинган ва Сталинизмга мухолиф ўларок бир ғоя сифатида кўрилган ва 1940 йилдан бошлаб парчаланишни бошлаган — *таржимон*.

ёки бу таълимот нуктаи назаридан, биз яшаётган тизим “ўзгартирилган” ёки “ислоҳ қилинган” бўладими-йўқми бизга аҳамиятли эмас.

Биз қандай қилиб кадр-қиммат билан яшаш, тизим инсонга ҳизмат қилиши ва инсоннинг тизимга хизмат қилмаслиги ҳақида фикр юритмоқдамиз ва биз жоиз бўлган ва ўз маъносига эга воситалар ёрдамида курашяпмиз ва ўзи яшаб турган тизимнинг сиёсий стереотиплари асирига айланган баъзи ғарб журналистларига бу воситалар ҳаддан ташқари қонуний ёки ҳаддан ташқари авантюрали, ревизионистик, аксилнқилобий ёки инқилобий, буржуа ёки коммунистик, ўнгчилик ёки сўлчилик бўлиб туюлаётган бўлса, ўзи билади - бу биз учун муҳим эмас!

12

Бизнинг сиёсий ошхонамизга мутлақо ўзга шароитлардан олиб кирилганлиги сабабли кўплаб тушунмовчиликларни вужудга келтирадиган, атамалардан бири - бу “*мухолифат*” тушунчасидир.

Посттоталитар тузумда “мухолифат” нимани акс эттиради?

Анъанавий, парламент типигаги демократик жамиятларда сиёсий мухолифат дейилганда, мавжуд ҳокимият даражасидаги сиёсий кучга (*кўп ҳолларда партия ёки партиялар коалициясига*) айтилади. У бошқарув дастагига эга эмас, лекин бирон-бир муқобил сиёсий дастурни таклиф қилади, ҳокимиятга интилади ва қонун томонидан рухсат этилган қоидалар доирасида сиёсий воситалардан фойдаланиб ҳокимият учун курашади. Ҳукумат ҳам мухолифатни мамлакат сиёсий ҳаётининг органик бир қисми сифатида қабул қилади.

Ушбу мухолифат билан бир қаторда, “*парламентдан ташқари мухолифат*” феномени ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳам умуман олганда ҳокимият даражасида ташкил этилган, аммо тизим томонидан ишлаб чиқилган қоидалардан ташқарида ишлайдиган ва ушбу қоидалар назарда тутмайдиган воситалардан фойдаланадиган мухолифат тушунилади.

“Мумтоз” диктатурада мухолифат ўзларини алтернатив сиёсий дастури асосида эълон қилинган сиёсий кучларига ишора қилади. Аммо қонуний равишда ёки легитимлик ёқасида ҳаракат қилган ҳолда, улар ўрнатилган қоидалар дои-расида ҳокимият учун курашиш имкониятига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам улар кўпинча давлат ҳокимияти билан очик тўқнашувига бориш кўзлаб турли партизан гуруҳларга ёки кўзғолончи ҳаракатларни шакллантирадilar (*ёки тўғридан-тўғри ушбу қарама-қаршиликка жалб қилинади*).

Юқорида келтирилган мухолифат тушунчаси маъноларининг бирортаси ҳам посттоталитар тузумда мавжуд бўлмайди. Хўш, бу тушунча қайси маънода ва қандай боғлиқликда ишлатилади?

Юқори мансабдорлар билан яширин конфронтацияда бўладиган бошқарув структурасидаги шахслар ёки гуруҳлар (*асосан Фарб журналистикаси талқинига кўра*) унинг таркибига кўшилиб борилади; шу билан бирга, уларнинг қарама-қаршиликлари учун мотивлар кўпинча ҳокимият учун примитив интилиш ёки унинг вакилларига шахсий душманлик билан боғлиқ айрим (албатта, ўта аниқ ифодаланмаган) концептуал фарқлари бўлиши мумкин.

Посттоталитар сиёсатда, “мухолифат” деганда, билвосита сиёсий оқибатларга олиб келадиган ҳамма нарса яъни посттоталитар тузумнинг соф манфаатларига ва унга ҳақиқатан ҳам таҳдид соладиган жамийки нарсалар тушунилиши мумкин. **Шу нуқтаи назардан, мухолифат бу “ҳақиқатда яшашга” бўлган ҳар бир уринишдир:** кўкатчининг растасига шиорни қўйишдан бош тортишидан тортиб, эркин ёзилган шеърига қадар, яъни тизим томонидан белгиланган чегараларини кесиб ўтиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаёт интенцияларини мисол келтириш мумкин.

Шу билан бирга, кўпчилик (*биринчи навбатда, яна ўша Фарб кузатувчилари*) мухолифат дейилганда, “ҳақиқатда яшашдан” ҳам кўпроқ, ўз нонконформистик позициялари ва танқидий қарашларини доимий ва очик айта оладиган, ўзларининг мустақил сиёсий тафаккурларида эриб кетмайдиган

ва ўзларини у ёки бу кўринишда маълум бир сиёсий куч сифатида қабул қиладиган гуруҳларни тушунишади.

“Мухолифат” тушунчаси юқорида назарда тутилган маънода маълум даражада “диссидентлик” тушунчасига тўғри келади ва албатта, бу рўйхатга киритиладиганлар орасида ўзига бундай номни қабул қилиш ёки рад этиш даражасига қараб катта фарқ бор: бу нафақат улар ўзларини қайсидир даражада сиёсий куч эканликлари ва амалдаги ҳокимият даражасидаги амбицияларга эгамиз деб ҳисоблашларида, балки ушбу гуруҳларнинг ҳар бири “мухолифат” тушунчасига ўз улушларини қўшиши билан ҳам белгиланади.

Яна бир мисол келтирай: Хартия-77 ўзининг биринчи баёнотида мухолифат эмаслигига эътибор қаратади, чунки хартистларнинг муқобил сиёсий дастурни таклиф қилиш нияти йўқ эди. Унинг мақсади бутунлай бошқа асосларга эга бўлиб, аслида, у бундай дастурларни илгари суриш йўлидан юрмоқчи эмас эди. Бундай дастурларнинг мавжудлиги посттоталитар тузумдаги мухолифатнинг зарурий шарти бўлганлиги сабабли, Хартия-77ни ҳақиқатан ҳам мухолифат деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Албатта, ҳукумат Хартияни дастлабки дақиқадан мухолифат сифатида қабул қилди ва унга шундай муносабатда бўлишда давом этмоқда. Бу шуни англатадики, ҳукумат “мухолифат”ни ҳокимиятнинг тотал манипуляциясига бўйсунмаслик мавжуд бўлган ва инсон потенциал ҳуқуқлари тизимда эмас, инсоннинг ўзигагина тегишлилиги тамойил сифатида эътироф этилган ҳамма жойда кўради. Агар биз “мухолифат” тушунчасининг юқоридаги таърифни қабул қилсак, биз ҳукуматнинг мантиғига биноан, Хартияни ростмана мухолифат сифатида қабул қилишга мажбур бўламиз, чунки у ҳақиқатан ҳам “ёлғонда яшаш” универсаллигига асосланадиган посттоталитар ҳокимиятнинг яхлитлигини жиддий тарзда бузади.

Бошқа бир савол, Хартия-77ни имзолаган шахс ўзини қайси даражада мухолифатчи сифатида кўради. Ўйлайманки, Хартияни имзолаганларнинг аксарияти ушбу атаманинг демократик жамиятларда (ёки “мумтоз” диктатурада) мустаҳкамланган анъанавий маъносидан тисарилади. Чунки бизда

хам мамлакатимиздаги мухолифатни амалдаги ҳокимият даражасида бўлмаса ҳам сиёсий даражада шаклланган куч сифатида қабул қилишади, агар маълум бир қонун-қоидалар билан ҳокимиятга интилиш имкон берилса, улар бундай имкониятдан, воз кечмаган бўлар эди, чунки улар муайян алтернатив сиёсий дастурга эга ва уларнинг эргашувчилари сиёсий жавобгарликни ўз зиммаларига олишга тайёр. Бу мухолифат ғоясини қўллаб-қувватловчилар орасида кўпчиликни ташкил қилувчилар ўзларини мазкур таърифга тааллуқли ҳисобламайди, озчиликни ташкил қилувчилари эса - аксинча, Хартия уларни тўла маънода “мухолифатчилик фаолиятига” имкон бермаслигини тўлиқ англасалар-да, ўзини мазкур тушунчага тааллуқли деб ҳисоблайдилар.

Бироқ бу ҳолатда деярли барча хартистлар пост тоталитар тузумдаги муносабатларнинг ўзига хослигини ва бу шароитда нафақат инсон ҳуқуқлари учун кураш, балки бошқа кўплаб “беғуноҳ” ҳаракатлар ҳам ўзининг махсус сиёсий кучига эга эканликларини етарли даражада англашади, ҳатто ўша “беғуноҳ” ҳаракатларга ҳам “мухолифлик”нинг элементи сифатида қараш мумкин. Шу маънода, биронта ҳам хартист ўзининг “мухолиф” эканлигига қарши объектив эътироз билдира олмайди.

Аммо вазиятни мураккаблаштирадиган яна битта масала бор: Совет блокнинг жамоат доираларида ўнлаб йиллар давомида “мухолифат” тушунчаси энг ёмон айблов кўринишида, “душман” сўзи билан синоним сифатида ишлатилган; бировни мухолиф деб ҳисоблаш уни ҳукуматни ағдариш ва социализмни йўқ қилиш истагида айблаш билан баробардир (*табийки, империализм фойдасига*); Мухолиф деб ҳисоблаш тўғридан-тўғри ёмонликка олиб келган пайтлар ҳам бўлган. Табийки-ки, бу одамларнинг ўзларини мазкур сўз билан аташ истагига мос эмас. Шунини ҳам ёдда тутиш керак, “мухолифат” бир тушунча, холос, аслида, бажарилган нарса айтилгандан кўра муҳимроқдир. Ва ниҳоят, кўпчилик бу номга қарши чиқишининг яна бир сабаби шундаки, “мухолифат” тушунчаси салбий маънога эга: бу тушунча билан номланган киши қандайдир “позицияда” намоён бўлади ва ўзининг моҳиятини ижтимоий кучга мансублик билан

аниқлайди ва бошқа позициялар билан эса ўзини ва ҳолатини тизимлаштиради.

“Ҳақиқат билан яшашга” журъат этган одамлар, ўйлаган нарсаларини хавотирланмасдан гапириш, ватандошларига хайрихоҳ бўлиш, ўзлари зарур деб билган нарсаларни ижод қилиш ва ўзларини “энг яхши мени” га мувофиқ тутишади, табиийки, ўзига хос ва ижобий “позицияни” салбий деб англашга мажбур қилиш ёқимсиздир ва диссидентлар шахсиятини англаган инсон сифатида эмас, балки бошқаларга қарши бўлган тўда каби қабул қилиниши ўта ёқимсиздир. Шундай қилиб, “мухолифат” атамаси қўлланилишини ва бизнинг шароитимизда нимани англашидини аниқ белгилаш орқали турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш мумкин.

### 13

Агар, “мухолифат” атамаси мазмунига аниқлик киритилмасдан ҳамда бу тушунча посттоталитар тизимда мутлақо ўзга маъно касб этиши англаб етилмай демократик тизимдан олиб ўтилган бўлса, “диссидент” тушунчаси, аксинча, Ғарб журналистикаси томонидан таклиф қилинган тушунчалардан биридир. Диссидентлик демократик жамиятларда амалда мавжуд эмас, шунинг учун у посттоталитар тизимларга хос феномен сифатида қабул қилинади.

Аслида “диссидент” ким ўзи?

Менимча, бу унвонни биринчи навбатда “ҳақиқат асосида яшашга” қарор қилган ва шунинг-дек қуйидаги шартларга жавоб берадиган Совет Иттифоқининг фуқаролари қўлга киритадилар:

1) улар ўзларининг нонконформистик позициялари ва танқидий қарашларини, ҳатто ўзларининг чекланган имкониятлари доирасида, оммавий равишда тизимли ифода этадиган инсонлар бўлиб. Уларнинг нонконформистик позициялари Ғарбда жуда қадрланади;

2) метин позициялари сабабидан ўз Ватанида эътироф этилмай ҳукумат тарафидан ҳар томонлама таъқиб қилинишига қарамай, эртами-кечми ўз

мамлакатида жамоатчилик ва ҳукуматнинг эътиборига тушадилар ва жуда чекланган бўлса-да улар ҳали-ҳануз ўз таъсир доирасига ва ҳақиқий кучга эга. Айнан мана шу куч доимий таъкиблар шароитида, уларни ёвузликдан ҳимоя қилади ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг таъкиб этилиши ҳукуматга сиёсий зарбалар олиб келишини кафолатлайди;

3) диссидентларнинг танқидий кузатувлари ва фаолият кўлами уларни ўраб турган муҳитидан ёки тор касбий қизиқишлари доирасидан ташқарига чиқади ва шу тариқа умумий масалаларни қамраб олади ҳамда маълум даражада сиёсий характерга эга бўла бошлайди, гарчи улар ўзларини сиёсий куч сифатида қабул қилиш даражаси мутлақо турли хил бўлса-да;

4) аксарият ҳолларда улар интеллектуал салоҳиятли ва “ёзишга иштиёқли” инсонлардир, диссидентлар учун ёзма чиқишлар қилиш ўз иродасини ва фикрини очиқлашнинг асосий шакли, ҳамда аксарият ҳолларда уларга чет элларда қизиқиш ортишини кафолатлайдиган ягона сиёсий воситадир. “Ҳақиқат асосида яшаш”нинг бошқа усуллари, чет эллик кузатувчилар томонидан ёзма нутқ каби қабул қилинмайди, чунки улар ё эътибор кам бўлган минтақавий макон чегараларида йўқолиб кетади, ёки бу чегаралардан чиққан тақдирда ҳам ёзма равишда ўз-ўзини ифода этишнинг аҳамиятсиз иловаси сифатида намоён бўлади;

5) бу одамлар, Ғарбда соф касбий фаолиятлари билан эмас, балки фуқаролик позициялари ёки фаолиятининг сиёсий жиҳатларини намоён этувчи шахслар сифатида эсланади. Мен ўзимнинг тажрибамдан биламанки, касб ва диссидентлик ўртасида кўринмас чегара бор – шундай вақтлар келади-ки, жамоатчилик сизни ёзувчи (*бу жойда, В.Гавел машҳур ёзувчи, драматург эканлигини эсда тутуши лозим Тарж.*) сифатида эслашни тўхтаган ва (*бўш вақтларида*) театр пьесаларини ёзишни машқ қиладиган “диссидент” ҳақида гапира бош-лаганини кўрасиз. Шубҳасиз, диссидентликнинг барча шартларга жавоб берадиган одамлар бор. Бироқ, субъектив хулосалар асосида сараланган айрим гуруҳларга бундай махсус атамани тасодифан қўллаш ўзини оқлайдими ва у фақат “диссидент” атамаси билан номланиши керакми деган саволлар



жуда мунозаралидир. Бироқ амалда айнан шу йўл тутилмоқда ва биз ҳеч нарсани ўзгартира олмаймиз. Биз вақти-вақти билан ва иложи борича тезроқ келишувга эришиш учун жуда истеҳзоли ҳамда қўштирноқ ичида ушбу таърифга мурожаат қиламиз.

Эҳтимол, “диссидентлар” ўзларини айнан шу атама билан номлашганда ёмон кўришини таҳлил қилишнинг айна вақтидир.

**Биринчидан**, бу таъриф этимологик нуқтаи назардан зиддиятлидир: “диссидент” атамаси англаганингиздек, “воз кечган” деган маънони билдиради, аммо диссидентлар ўзларини воз кечганлар каби ҳис қилмайдилар, чунки улар ҳеч нарсдан воз кечмадилар. Аксинча, бунинг тескариси, улар ўзларини топишди ва мабодо нимадандир воз кечган бўлсада, бу “ёлғон ҳаёт”дан келиб чиққан сохта ва бегона нарсалардир.

Бироқ, бу асосийси эмас. Табиийки, “диссидентлик” таърифи бирон бир махсус касб ҳақида гап кетаётганлиги ҳиссини ва худдики овқатланишнинг энг одатий усуллари билан бир қаторда –“диссидентча” нолиш деган махсус бир усул ҳам борлиги тўғрисидаги фикрни келтириб чиқаради. Гўё “диссидент” виждони буюргани учун шундай йўл тутган ва ишнинг мантиғига асосланиб, алоҳида тайёргарликсиз ҳамда тамагирликсиз ҳоки-мият билан очик зиддиятга борган физик, социолог, ишчи, шоир ёки оддийгина одам эмасдек. Худди инсон косиб ёки чилангарликни танлагандек у ҳам “профессионал норози” касбини танлаган инсон кўринишида тасаввур қилишади.

Аслида, ҳамма нарса бошқача тарзда содир бўлади: инсон ўзининг “диссидент” эканлигини, аллақачон диссидент бўлиб шакллангандан ке-йингина англайди. Бу мавқе унинг мутлақо ўзга мотивларга (асло унвон олиш учун эмас) асосланган ҳаётий позициясининг натижасидир. Шу сабабли, унинг на ҳаётдаги ўзига хос мавқеи, на бир мартабаси ҳамда касби “диссидент” бўлиш истаги билан боғлиқдир.

“Диссидентлик” касб эмас, ҳатто киши кунига 24 соатни диссидентликка бағишласа ҳам, бу биринчи навбатда маълум бир

экзистенциал позиция-дир, Бундан ташқари, диссидентлик қайсидир тасодифан ташқи шартларни бажариб, “диссидент” унвонига лойик кўрилганларнинг мутлақ мулки ҳам эмас. Агар “ҳақиқатда яшашга” ҳаракат қилаётган минглаб номаълум одамлардан ёки ҳақиқий ҳаёт асосида яшашни истаётган лекин бундай ҳаёт билан яшай олмаётган миллионлаб одамларнинг ичидан, бир неча ўнлаб одамларни танлаб, улардан махсус диссидентлар тоифаси ташкил қилинса, ишонинг, вазиятнинг бузилган тасвири пайдо бўларди.

“Диссидентлар” ўзига хос бир истисно, “қўриқланадиган ҳайвонларнинг” эксклюзив гуруҳи, уларга рухсат этилган нарсалар қолганларга тақиқланган ва ҳатто ҳукумат уларни ўз аҳамияти-нинг исботи сифатида парвариш қилаётганлиги тўғрисида тасаввур вужудга келади. Ёки аксинча – доимий норози бўладиганлар жуда оз ва мазкур норозиларга ҳеч бало урмаётганлиги сабабли, қолган ҳамма ҳаётдан мамнун деган иллюзия пайдо бўлади. Агар қолганлар ҳам норози бўлганларида улар ҳам “диссидент” бўлишарди!

Аммо бу ҳаммаси эмас: бундай таснифлаш билан “диссидентлар” аввало, ўзларининг гуруҳий манфаатларини кўзлаётганлиги ва ҳукумат билан барча тортишуви шунчаки иккита қарама-қарши гуруҳлар ўртасидаги мавҳум ва жамиятдан ташқарида содир бўлаётган низо, шунингдек, моҳиятига кўра жамият учун фойдасиз деган қараш қўллаб қувватланади. Бироқ, бундай қараш “диссидентлик” позициясининг асл моҳияти билан чуқур қарама-қаршиликка эга: бундай позиция аввало ўзгаларни ўйлаш, бутун бир жамият азоб чекаётган дард устида ҳосил бўлади, демак, аслида овози чиқмайдиган “бошқалар” ни ҳам қайғуришидан келиб чиққан.

Агар “диссидентлар” маълум бир обрўга эга экан ва исталмаган жойга қўнган экзотик ҳашаротлар сингари эзиб ташланмаган бўлса, бу ҳукуматнинг мазкур ғалати гуруҳни дастаклагани ва уларнинг ғайриоддий фикрларидан озиқланганлиги учун эмас, балки “яширин сфера”га асосланган “ҳақиқатдаги ҳаёт”ни қўллаб-қувватловчи потенциал сиёсий кучни чиндан ҳам ҳис

қилганлиги учун ҳам шундай қилади. Чунки у чиндан ҳам ушбу гуруҳ нима қилаётганини, қаердан ўсиб, қайси дунёга қайтишини ҳис қилади: яъни инсоннинг кундалик дунёсига, ҳаёт ва тизим интенциялари ўртасидаги кундалик қарама-қаршиликка бориб тақалишини билади. (*Хартия- 77 эълон қилингандан сўнг, ҳукумат бутун халқдан ушбу хартиянинг нотўғри эканлиги тўғрисида ариза олишни бошлашидан ҳам яхшироқ мисол бўлиши мумкинми? Айни пайтда, миллионлаб мажбурий тўпланган имзолар хартиянинг ҳақ эканлиги тўғрисида гувоҳлик берди.*)

Сиёсий идоралар ва полиция “диссидентлар”га катта эътибор қаратади, бу эса айрим кишиларда ҳукумат “диссидентлар”ни баъзи мансабдорлар учун алтернатив сифатида кўраётганлиги билан боғлиқ кўрқувни вужудга келтиради. Бу, ҳақиқатан ҳам, диссидентлар қудратли ва ҳукуматнинг ўзи каби жамият устидан қад ростлаётганлигини англамайди, аксинча унинг тескариси - улар “оддий” ташвишлар билан яшаётган “оддий одамлар” эканлигини билдиради ва улар бошқалар гапира олмайдиган ёки гапиришга ботина олмайдиган нарсалар ҳақида очик гапира олишини англайди.

Мен Солженициннинг сиёсий кучи ҳақида гапириб ўтгандим. Бу куч унинг яқка бир шахс сифатида сиёсий залворида эмас, балки бутун дунёга шунингдек, эркин иродали миллионлаб инсонларга баланд овозда нидо қилишига сабаб бўлган ГУЛАГнинг минглаб қурбонларидан олинган таж-рибасида эди.

Таниқли ёки атоқли “диссидент”ларнинг махсус тоифасини қонунийлаштириш истаги аслида, уларнинг амалга оширган фаолиятининг ахлоқий илдизлари моҳиятини инкор этишни англайди: биз кўрганимиздек “диссидентлик ҳаракатлари” униб чиқадиган ахлоқий манбаларнинг энг залворлиси бу - инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигига асосланган тенглик тамойилидир. Наҳотки “таниқли диссидентлар” КОР<sup>16</sup>да номаълум

---

<sup>16</sup> Ишчиларни мудофаа қилиш қўмитаси (полякча. Komitet Obrony Robotników, KOR) — 1976-1981 йилларда Полшадаги муҳолифатдаги инсон ҳуқуқлари ташкилоти. У демократик социализм, чап либерализм ва католик бирдамлик позицияларини ҳимоя қилди. У сиёсий ва ижтимоий-меҳнат соҳаларида инсон ҳуқуқлари билан шугулланган, биринчи навбатда Полшада қувғин қилинган ва қатағон қилинган диссидентларга ёрдам берган. У интеллектуал муҳолифатни оммавий ишчилар норозилиги билан бирлаштирадиган

ишчиларни ҳимоя қилиш учун бирлашган бўлса? Аслида, улар айнан ҳимоясиз ишчиларга қалқон бўлганлари сабабли “таниқли диссидентлар”га айланмадими?

“Таниқли диссидентлар” танилмаган мусиқачилар билан хайрихоҳ бўлгандан кейингина Хартия-77да бирлашмадими ва айнан шу сабабли улар “таниқли диссидентларга” айланмадиларми? Чиндан ҳам шафқатсиз парадокс: баъзи фуқаролар бошқа фуқароларни ҳимоя қилганда, уларни айнан “бошқа фуқаролар”дан ажратиб турувчи сўзлар билан шунчалик кўп таърифлашади!

Умид қиламанки, ушбу мунозарани юритиш жараёнида “диссидент” атамасини нега қўштирноққа олганимни тушуниб етдингиз.

14

Чехия ва Словакия Австрия-Венгрия империяси таркибига кирган ва халқларимиз ўз мавжудлигини империя доирасидан ташқарида тасаввур қилишлари учун ҳеч қандай моддий, сиёсий ёки ижтимоий-психологик шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган кунларда Т.Г.Масариг<sup>17</sup> ижодкорлик ва миллий ўзликни англашга қаратилган, мавжуд тузилма доирасида, ҳаётнинг турли соҳаларида ҳалол ва масъулиятли иш олиб боришга асосланган “*кичик ишлар*” ғоясига асосланган Чех миллий дас-турини ишлаб чиққан эди.

Мазкур дастурда, асосан, маърифий, тарбиявий, таълим, ахлоқий ва гуманитар жиҳатларга алоҳида эътибор берилди. Масариг тенглар ичра тенг ҳаёт кечиришнинг бирдан бир шартини инсонда кўрди, энг аввало, инсонларнинг янада яхши ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларни яратиш зарурлигида кўрди; у инсон моҳиятидаги ўзгаришларни инсон тафаккуридаги ўзгаришсиз тасаввур қила олмас эди.

---

тузилма сифатида муҳим сиёсий рол ўйнади. КОРнинг кўп-лаб аъзолари “Солидарность” ҳаракатининг етакчи фаоллари ва Учинчи Реч Посполитанинг йирик сиёсатчиларига айланишди — *таржимон*.

<sup>17</sup> **Томаш Гарриг Масариг** – (1850-1937) - чех социологи ва файласуфи, жамоат ва давлат арбоби, Чехословакия мустақиллик ҳаракатининг етакчиларидан бири ва давлат тузилгандан кейин - Чехословакия республикасининг биринчи президенти (1918-1935)— *таржимон*.

Ғоялар орқасида туриб (*энг ишончли “алиби” сифатида*) ҳокимият билан алоқасини яширадиганлар билан бир қаторда “миллат учун меҳнат” қилувчилар қадрияти ҳам жамиятимизда мус-тахкамланди, у кўп жиҳатдан муваффақиятли бўлган ва ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда, ҳамда бугунги кунда унга ҳақиқатдан ҳам риоя қиладиганлар борлиги ҳеч бўлмаганда баъзи соҳаларда ривожланиш юз беришига умид уйғотади.

Агар меҳнатсевар одамлар ишларини кундан-кунга энг яхши кўринишда бажаришга ҳаракат қилмасалар, жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжлари учун максимал даражада меҳнат қилишга қодир бўлмасалар, “ёлғон ҳаётгага” энг минимал миқдорини қолдириш имконини топа олишмаса, қанчалик ёмон бўлишини тасаввур қилиш қийин. Бу эса ҳар қандай сифатли бажарилган иш, гарчи у кичик бўлсада - жамиятнинг камчиликларини билвосита танқид қилиш шакли эканлигини билдиради ва баъзи ҳолатларда, бундай услуб очиқ танқид қила олиш ҳуқуқидан воз кечишни аңлатса ҳам, мазкур йўлни танлаш ўзининг чуқур маъносига эга.

Шунга қарамай, бу позиция, ҳатто олтмишинчи йиллар шароитида ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмади ва бугунги кунда ҳам ўзининг аниқ чегараларига эга: “кичик ишлар” тобора кўпроқ посттоталитар тузум деворига урилиб, куйидаги дилемма қаршисидан чиқмоқда:

ҳалоллик, масъулият ва изчиллик каби “кичик ишлар” ғоясининг пойдеворини унутиб ортга чекиниш ва мослашиш (*омма танлови*).

ёки унинг акси, бошланган йўлни давом эттириш ва шу тариқа расмий ҳокимият билан очиқ қарама-қаршилиққа киришиш (*озчилик танлови*).

“Кичик ишлар” ғояси ўз олдига мавжуд бўлган тузилма таркибида ҳар қандай қиймат билан сақланиб қолиш мақсадини қўймаган, (*агар шундай бўлганда, “кичик ишлардан” ўзини четга олган ҳар қандай кишини, “миллат номидан меҳнат қилишдан” бош тортган каби ҳисобланган бўлар эди*) бугунги кунда эса бу – мезон ёки тамойил нуқ-таи назаридан умуман маънога эга эмас. Албатта, хулқ-атворнинг умумий модели бўлмаганлиги каби, “кичик ишлар” нинг “миллат учун меҳнат қилиш” эмас “миллатга қарши меҳнат”га

айланиб кетиши мумкин бўлган дақиқани аниқлаб берадиган ёки унинг ҳар қандай вазиятга мос келадиган универсал мезони мавжуд эмас.

Бундай ўзгаришлар “кичик ишларга” камроқ таҳдид солмоқда, аммо “кичик ишлар” тобора кўпроқ бошини деворга уришга таваккал қилмоқда, табиийки, бундай тўкнашувдан қочиш уларнинг моҳиятини ўзгартиришга олиб келиши мумкин. 1974 йилда мен пиво заводида ишлаганимда, хўжайиним Ш. пиво ишини яхши биладиган, ўзига хос ғурурга эга ва фабрикамизда яхши пиво тайёрланишига бефарқ бўлмаган инсонлардан бири эди. У деярли барча бўш вақтларини иш жойида ўтказарди, кўплаб янгиликларни ўйлаб топарди, ҳатто бизни ҳам ўзига ўхшаб пивочиликни яхши кўришимизга ишонтириш учун турли хил баҳс-мунозаралар билан зериктирарди. Социалистик бош-бошдоқлик шароитида бундан самарали ходимни тасаввур қилиш қийин!

Пиво заводи раҳбарияти ўз касбини мукамал билмайдиган ва унга муҳаббат қўймаган, аммо сиёсий жиҳатдан таъсирли шахслардан иборат эди. Улар нафақат заводни тўлиқ инқирозга учрашига олиб келди, балки Ш.нинг ташаббусларига умуман жавоб бермас ва Ш.га нисбатан тобора ғазабнок бўлиб борди, турли усуллар билан унинг ишига аралашишни бошлади. Масала шу қадар чуқурлашдики, ҳатто Ш. нинг юқори идорага батафсил мактуб ёзишдан бошқа илож қолмади, у ўз мактубида заводдаги барча тартибсизликларни, завод нега тумандаги энг ёмон эканлигини изоҳлаб, ҳақиқий айбдорларни аниқлаб, таҳлил қилиб берди.

Агар вазият ижобий тус олганда унинг овози эшитилиши, сиёсий жиҳатдан обрўли, аммо пиво ишини тушунмайдиган, мақр-ҳийлали ва ишчиларни менсимайдиган директор ишдан бўшатилиб, Ш.нинг ташаббуси туфайли пиво заводининг ишлари яхши томонга ўзгариши лозим эди. Агар бу содир бўлганида, “кичик ишлар” ғоясининг муваффақиятли амалга ошганига гувоҳ бўлар эдик. Афсуски, бунинг акси юз берди: завод директори партиянинг туман кўмитаси аъзоси сифатида “юқорида” яхши танишлари бор бўлиб, ишнинг айнан шундай яқун топишига ҳаракат қилишган эди: Ш.нинг хати

“тухмат” деб топилди. Ш.нинг ўзи эса сиёсий жиҳатдан хавфли деб ҳисобланиб ишдан бўшатилади, малакасига мос бўлмаган бошқа ишга ўтказилди.

“Кичик ишлар” ғояси бошини деворга урди, яъни посттоталитар тузумга туртиниб кетди. Ростини айтганда, Ш., бўйсунмай қўйди, у “ўйин” қодаларини бузди, “ажралиб чиқди” ва душманнинг туҳмати билан “чала-фуқаро” сифатида фаолиятини яқунлади. Кимдир эшитиши ёки эшитмаслигидан қатъи назар, энди Ш. хоҳлаган нарсасини гапиради. Шундай қилиб у Шарқий Чехия пиво заводларининг “диссиденти”га айланди.

Ўйлашимча, гап типик ҳолат (*бошқа томондан эса мен олдинги бобда айтганларим*) ҳақида кетмоқда: инсон, ёшлигидан бу карьерани ҳавас қилганлиги учун “диссидент” бўлмайди. Бу ҳолатга инсон ташқи таъсирларнинг мажмуаси ва ички масъулият асосида келади, у мавжуд тузилмалардан қувиб чиқарилади ва табиийки уларга қарши қўйилади. Дастлаб у ўз ишини яхши бажаришдан бошқа нарсани ўйламасди, охирида эса душманнинг туҳматига дуч келди. Демак, яхши иш - ёмон сиёсатни танқид қилиш шаклидир. Баъзан - бу, ўзини оқлайди баъзан эса йўқ. Ҳа у ўзини оқлайди, лекин камдан-кам ҳолларда. Албатта, бу унинг айби билан содир бўлмайди.

Австрия-Венгрия даврининг ўтганига узоқ вақт бўлди, Чехия халқининг ўша пайтда (*Бах абсол-ютизимининг энг оғир даврида*) биттагина Бриксенга сургун қилинган ҳақиқий диссидентни бор эди. Агар сиз “диссидент” сўзини содда тушунмасангиз, бугунги кунда ҳар бир қадамда “диссидент” борлигини тан олишингиз керак. Ушбу “диссидентларни” “кичик ишлардан” воз кечгани учун танқид қилиш бемаънилиқдир. Дарҳақиқат, диссидентлик Масарикнинг “кичик ишлар” концепциясининг алтернативи эмас, аксинча, аксарият ҳолларда унинг ягона мумкин бўлган натижасидир. Қўштирноқдан тез-тез фойдаланганлигим сабаби “доим” ҳам бундай бўлмаганлигини таъкидлаш учундир: яъни, мен ҳалол ва масъулиятли одамлар фақат расмий тузилмадан ташқаридаги, улар билан конфронтацияда бўлган

одамлардир деган фикрдан узоқман. Охир-оқибат, пивопаз Ш., ҳам олишувда ғолиб келиши мумкин эди-ку.

Ўз иш жойларида (ёки мансабларида) қолганларни ўз касбини давом эттираётгани учунгина қоралаш ва бу хатти-ҳаракатлари учун уларни “диссидент”лар қаторига киритмаслик, худди айрим инсонларни, иқтидор эгалари билан зиддиятга борганлиги учунгина “диссидентларга” намуна сифатида кўрсатиш каби бемаъни бўларди.

Охир-оқибат, барча “диссидентлик” ҳаракатларининг моҳиятини - “ҳақиқатда яшашга” интилиш, инсон хулқ-атвори ва табиатини чуқур англаш, шунингдек, ҳақ ва ноҳақ ўртасидаги тафовутни баҳолашга интилиш сифатида тавсифлаш мумкин. Диссидентликнинг моҳияти у инсонни қайси лагер (гетто)га олиб келганлиги билан баҳоланмайди.

## 15

Кўкатчимизнинг “ҳақиқат билан яшашга” уриниши, унинг бир қатор хатти-ҳаракатлардан бош тортиши билан чекланиши мумкин эди: фаррошнинг чақимчилик қилиш хавфи бўлса-да, дўкони деразасига байроқларни осиб қўймаслиги, ўзи сайлов деб ҳисобламайдиган “сайлов” тадбирларига бормаслиги, раҳбарлар олдида ўз фикрларини очик айтиши кабилар. Кўкатчининг бу уриниш-ларини эса тизимнинг баъзи талабларини “соф” рад этиш дейишимиз мумкин (*умуман олганда бу ҳам кам эмас!*).

Бу ҳаракатлар яна ҳам юқори босқичга кўтарилиб: кўкатчи манипуляцияга қарши шахсий норозилик доирасидан ташқарига чиқадиган ва унинг янги “олий масъулияти”ни амалда татбиқ этадиган, аниқ ҳаракатлар қилишни бошлаши мумкин: масалан, ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун чиқишлар қилишга тайёрлаши, атроф-даги ҳуқуқбузарликлар ва тартибсизликларга эътиборни жалб қилиш учун турли инстанцияларга хатлар чиқариши мумкин, тақиқланган адабиётларни олиши, уни қайта кўчириши ва бошқаларга тарқатиши мумкин.



Гарчи мен, мунозаралар жараёнида “Ҳақиқатдаги ҳаёт” ижтимоий ҳодисаси “мустақил фуқаролик ташаббуслари”, “диссидентлик” ва “муҳолифат” ҳаракатлари учун фундаментал (шу билан бирга сиёсий ҳам) ечимдир деган хулосага келсам-да, бу “ҳақиқатда яшаш” учун қилинган ҳар қандай уриниш автоматик тарзда ижобий натижага олиб келади дегани эмас.

Аксинча, “ҳақиқатдаги ҳаёт” сўзи жуда кенг маънога эга ва кўпинча таъриф доираларидан чиқиб кетади, бу ҳаракатлар “глобал” асарларнинг мавзусига айланмасдан номаълум бўлиб қоладиган ва сиёсий аҳамиятини ҳар доим ҳам тушуниб бўлмайдиган ҳаракатларда намоён бўлади. Ушбу уринишларнинг аксарияти манипуляцияга қарши оддий кўзғолон босқичида қолади, бунда одам қаддини кўтаради ва муносиб ҳаёт кечиришга интилади.

Фақат баъзи жойларда, одамларнинг табиати, қобилияти ва касби туфайли, шунингдек, бир қатор тасодифий вазиятлар (масалан, минтақавий хусусиятлар, дўстона алоқалар ва бошқалар) сабабидан ушбу ҳаракатлар янада мазмунли ва сезиларли ташаббусга айланиб “соф” индивидуал кўзғолон доирасидан ташқарига чиқиб мазмунли, янада уюшган ва йўналтирилган ишга айланади.

“Ҳақиқатдаги ҳаёт” фақатгина “ёлғон ҳаётни” инкор қилиш вазифасини тўхтатиб, ўзини ижодий томондан кўрсата бошлаганда, “жамиятнинг мус-тақил маънавий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти” деб аташ мумкин бўлган янги ижтимоий ҳодиса вужуд-га келишини тахмин қилиш мумкин.

“Мустақил” ҳаёт, албатта, қолган “қарам” ҳаётдан ҳеч қандай чегара билан ажратилмайди; балки, бу иккита ҳаёт оқими кўпинча бирга яшайди; шу билан бирга, унинг энг катта ўчоқлари нисбатан юқори даражадаги ички эркинлик билан ажралиб туради: уларни ҳаёт океанидаги улкан тўлқинлар ичида бошқариладиган кичик кемаларга ўхшатиш мумкин. Аммо ҳар доим улар тўлқинлардан омон чиқиб, “ҳақиқатдаги ҳаётнинг” хабарчилари сифатида ҳаётнинг бўғилган интенциялари тўғрисида “ишончли” гувоҳлик беришади.

Ушбу “жамиятнинг мустақил ҳаёти” нимадан таркиб топади?

Албатта, унинг намоён бўлиш доираси кенгдир: мустақил таълим олиш ва дунёни мустақил англ-лашдан тортиб то эркин маданият ва ижод орқали, уларнинг барча кўринишларида кенг қамровли фуқаролик ҳаракатлари, шу жумладан, жамоат ташкилотларини ташкил қилишда намоён бўлади. Бу “ҳақиқатдаги ҳаёт” ўзини эълон қила бошлаган ва чинакам ҳаётга татбиқ қилинаётганини кўрсатади. Ушбу “жамиятнинг мустақил ҳаёти” деб номланмиш уммон тубидан - айсбергнинг ўндан бир қисми каби “фуқаролик ташаббуси”, “диссидент ҳаракати” ёки охир-оқибат “муҳолифат” деб номланадиган нарса пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, “жамиятнинг мустақил ҳаёти” аниқ таърифга тушмайдиган “ҳақиқатдаги ҳаётдан” ўсиб чиқади, кейинчалик диссидентлик худди шу “мустақил ҳаёт” дан пайдо бўлади.

Бу ерда сезиларли фарқ ҳам бор: агар “жамият-нинг мустақил ҳаёти”ни бир қарашда “ҳақиқатдаги ҳаёт” нинг “юқори шакли” сифатида қабул қилиниши мумкин бўлса, юқоридаги фикрнинг тескариси, яъни “диссидент ҳаракати”ни “жа-мият мустақил ҳаёти”нинг “юқори шакл” эканлигини қатъий таъкидлаш мумкин эмас. Бу шунчаки унинг намоён бўлишларидан биридир; эҳтимол унинг намоён бўлишининг энг равшани, энг сиёсийси ва ўзининг сиёсийлигида ярқ этиб намоён бўлганидир, лекин бу унинг энг муҳим ва энг етук намоён бўлишларидан бири эканлигини билдирмайди, ҳатто умумий қабул қилинган сиёсий маънода ҳам.

Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, бизнинг олдимизда махсус ном касб қилгани учун табиий муҳитдан сунъий равишда суғуриб олинган ҳодиса намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, аслида у маълум бир муҳитдан суғуриб олинган бўлса-да, ўзи мансуб бўлган тупроқ ва ўзи куч оладиган манбадан айро ҳолда маънога ҳам эга бўлмайди.

Посттоталитар тузумнинг хусусиятлари ҳақида айтилганларнинг барчаси асосида маълум вазиятда посттоталитар шароитларда пайдо бўладиган аниқ сиёсий куч мустақил пайдо бўладиган потенциал сиёсий кучларга шакл бериши ва айнан унга ўхшаши шарт эмас деган хулосага келиш

мумкин. Агар мустақил сиёсий кучлар ҳақиқатан ҳам муваффақиятга эришса, бу унинг “сиёсатгача” бўлган ҳаракатларининг натижасидир.

Ушбу кузатувларнинг барчасидан нима келиб чиқади?

Диссидентлар нима билан шуғулланади ва улар фаолиятининг натижалари нималардан иборат деган мунозарадан олдин, гап “жамиятнинг мустақил ҳаётида” у ёки бу кўринишда иштирок этадиган инсонларнинг фаолияти ва кимларни умуман “диссидент” деб номлаш мумкинлиги ҳақида кетиши лозим: Расмий нашрлар асарларига эътибор қаратмагунча, цензура ва расмий нуқтаи назарни ҳисобга олмай, истаганича ёзадиган ва ўз асарларини тарқатадиган “Самиздат” ёзувчиларини; расмий тузилмалар доирасида соф илм қилиш имконсиз бўлганлиги учун мустақил илмий изланишлар йўлини тутган ўз асарларини имконсизликдан “самиздат”да тарқатадиган ёки шахсий мунозаралар, маърузалар ва семинарларни ташкил этадиган файласуфлар, тарихчилар, социологлар ва бошқа барча олимларни; оддий мактабларда яшириладиган нарсаларни хусусий тартибда ёшларга ўргатадиган ўқитувчиларни; ўз черковларидан ташқарида диний воизлик қилиш имкониятига эга бўлмаган, лекин борган жойларида воизлик қилишга уринаётган руҳонийларни; расмий инстанцияларда улар ҳақида қандай фикр-да бўлишларидан қатъи назар, ижод қиладиган санъаткорлар, мусиқачилар ва кўшиқчиларни; ушбу мустақил маданиятни қўллаб-қувватлайдиган ва тарқатадиган барча одамларни; турли хил йўллар билан ишчиларнинг ҳақиқий ижтимоий манфаатларини ифода этишга ва ҳимоя қилишга, касаба уюшмаларига уларнинг моҳиятини қайтаришга ёки мустақил касаба уюшмаларини тузишга ҳаракат қиладиган одамларни; бошқарув органларининг эътиборини доимий равишда қонунсизликка жалб қилишдан қўрқмайдиган ва қонунларга риоя қилиш учун курашадиган одамларни; ўзларини манипуляциядан озод қилишга ва ўз ҳаёт тарзи билан яшашга, ўз ҳаётий қадриятлари билан яшашга ҳаракат қилаётган турли хил ёшлар бирлашмаларини ва ҳоказо.

Бу кишиларнинг барчасини “диссидент” деб номлаш кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмайди. Ахир ўша “таниқли диссидентлар”, улар орасида шаклланган эмасми? Юқорида муҳокама қилганларимиз, аслида “диссидентлар” ҳам қилаётган асосий нарса эмасми? Эҳтимол, “диссидентлар” илмий асарлар ёзмас ва уларни “самиздат”да нашр этмас? Беллетристика ҳам ёзмас? Хусусий университетлар талабаларига маърузалар ҳам ўқимас? Ҳар қандай қонунбузарликларга қарши туриб, аҳоли турли гуруҳларининг ҳақиқий ижтимоий манфаатларини ўрганмай ва ифодалашга ҳаракат қилмас?

Шундай қилиб, “диссидентлар”нинг келиб чиқиши, ички тузилиши ва бошқа баъзи жиҳатларини ўрганишга уриниб, мен бу ҳодисага “ташқаридан” қарашга ҳаракат қиламан ва аслида “диссидентлар” нима қилишларини, уларнинг ташаббуслари амалда қандай рўёбга чиқиши ва нимага етаклашини таҳлил қиламан.

Бу йўналишдаги биринчиси ва диққатга сазовори, диссидентларнинг интилишларининг бош-ланғич, энг муҳим ва бошқа барча нарсаларга асос солувчи мотивлардан бири бу “ҳақиқатдаги ҳаёт”нинг яққол намоён бўлиши сифатида “жамиятнинг мустақил ҳаётини” яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг табиий истаги ва шунинг учун “келишилган ва мақсадга мувофиқ равишда” - аниқлик билан - ҳақиқатга хизмат қилиш ва ушбу хизматни тақдим этишдир.

Қолган барчаси ўз-ўзидан маълум: агар “ҳақиқатдаги ҳаёт” ҳар қандай одамнинг тизимнинг бегоналаштирувчи босимига қарши туришга уринишнинг элементар оқибати бўлса, агар бу барча мустақил сиёсий фаолият учун ягона оқилона дебоча бўлса ва ниҳоят, бу “диссидент” позициясининг энг характерли экзистенциал манбаи бўлса, унда “диссидент” ҳаракати амалда ҳақиқат ва ҳақиқий ҳаётга хизмат қилишдан, ҳаётнинг соф интенцияларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар очиш истагидан бошқа бирон бир нарсага асосланиши мумкинми?

Ёлғиз, ташландиқ ва изоляцияланган инсон посттоталитар тизимнинг глобал ҳужумига учрамоқда. Шу сабабли, барча “диссидентлик ҳаракатлари” табиий равишда ҳимоявий характер касб этади: улар инсонни ва ҳаёт интенцияларини тизим интенцияларидан ҳимоя қилади.

Польшанинг *Ишчиларни муҳофаза қилиш* (КОР) қўмитаси, бугунги кунда Ўзини-ўзи мудофаа қилиш жамоатчилик қўмитаси деб номланади ва “мудофаа” сўзи Польшадаги бошқа шунга ўхшаш гуруҳларнинг номларида ҳам учрайди; ҳа, Совет Хельсинки гуруҳларида ва бизнинг Хартия-77мизда ҳам мудофаа характери аниқ намоён бўлади.

Сиёсат тўғрисидаги анъанавий тушунчалар нуқтаи назаридан, посттоталитар тузумдаги ҳимояга қаратилган ҳужжатларни дастур сифатида эътироф этиш ва ҳатто уларни оқилона деб ҳисоб-лаш мумкин, аммо бу вақтинча, салбий оқибатли ва минимал дастурдан бошқа нарса эмас: чунки бу дастурларнинг тушунчалари, моҳияти ёки мафкураси бошқа концепция ёки мафкурага қарши турмаяпти, бундай ҳолда асл “сиёсат” ҳақида ҳеч қандай фикр юритиш мумкин эмас, чунки мазкур дастурлар қандайдир “ижобий”ликни” ўз ичига олади ва фақат кимнидир бирор нарсадан ҳимоя қилиш билан чегараланади деб бўлмайди.

Менимча, айти ёндашув анъанавий сиёсий “оптиканинг” торлиги билан боғлиқ: бизнинг тизимимиз маълум бир ҳукуматнинг аниқ бир сиёсий йўналиши эмас, у тубдан фарқ қиладиган ўзга нарсадир: кўп қиррали чуқур ва узоқ муддатли зўравонлик, аниқроғи жамиятнинг ўзи устидан зўравонлигидир. Ҳукуматнинг утопик ислохотларига муқобил дастурни таклиф қилиб, ҳукуматга қарши туриш орқали унинг ўзгаришига эришиш мутлақо нореал, шунингдек, бу етарли ҳам эмас, чунки бундай дастур муаммонинг моҳиятига таъсир қилмаган бўлар эди. Шундай қилиб, масала энди алоҳида сиёсий йўналиш ёки дастурда эмас: гап ҳаёт муаммоси ҳақида эканлигини тушуниб етиш лозим.

Ҳаёт интенцияларини ва инсонни ҳимоя қилишга киришиш реал йўлдир, чунки у “шу ерда” ва “ҳозир” деб номланмиш асосдан бошланади ва

одамлар томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланиши мумкин (чунки бу уларнинг кундалик ишларига таъсир қилади), лекин айна пайтда (ва эҳтимол шунинг учун ҳам) бу йўл, мислсиз даражада изчил, чунки у муаммонинг чуқур моҳиятига қаратилган.

Баъзида, ҳақиқатни тушуниш учун қашшоқликнинг тубига тушишимиз керак — худди юлдузларни кўриш учун қудуқ тубига тушишимиз каби. Менимча, бу инсонни “оддий” ҳимоя қилишга қаратилган бугунги кундаги (ва бу нафақат бизнинг шароитимизда) максимал ва энг ижобий (“вақтинчалик”, “минимал” ва “салбий”) дастурдир: охир оқибат у сиёсатни ҳаракат нуқтасига, яъни инсоннинг олдига олиб боради.

Инсонни шафқатсиз бостиришдан узоқ бўлган демократик жамиятлар сиёсатидаги бундай туб бурилиш келажак масаласидир ва эҳтимол, вазият ёмонлашгандагина сиёсатда бунга йўл қўйилиши мумкин. Биз тушиб қолган фожиавий аҳвол ушбу бурилишни сиёсий жиҳатдан тезлаштирди: маълум бир “ўз-ўзини сақлайдиган” “ижобий” моделнинг мавҳум образи аста-секин диққат марказидан чиқариб ташланмоқда (оппортунистик сиёсий амалиёт ушбу моделнинг орт томонидир), ким ушбу моделлар ва амалиёт томонидан қул қилинган бўлса, ўша нуқтага қайтиб келмоқда.

Албатта, ҳар қандай жамият маълум бир турдаги қурилмага эга бўлади. Агар ушбу қурилма одамларга хизмат қилиш учун мўлжалланган бўлса, унда биринчи навбатда одамни эркин қилиш керак ва шу билан унга ташкилот турини мутлақо онгли равишда ўзи танлаши учун шароит яратиб бериш керак. Биз ўз тажрибамиздан юқоридаги фикрга тескари жараённинг қанчалик бемаъниликлигини кўрдик, Худди инсон у ёки бу кўринишда (*“халққа нима кераклигини” халқнинг ўзидан ҳам яхши биладиган киши томонидан*) қолиплагандан кейингина озод бўлади деган қоида сингдирилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкид-лаш мумкин: кўпчилик анъанавий сиёсий қарашларга асир бўлганлар “диссидент оқимлари”нинг мудофаа хусусиятида салбийликни кўришади, мен эса аксинча, бу нарсада уларнинг энг катта ижобий томонини кўраман. Менимча, бу уларнинг

посттоталитар тизим олдидаги яққол устунлиги бўлиб, фақат анъанавий сиёсий позициядан қараганда уларнинг дастури номукамал бўлиб туюлиши мумкин.

17

Совет блокининг “диссидентлик ҳаракатлари” Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосан инсоний ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаклини танлаганлар, чунки улар турли расмий ҳужжатларда “*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси*”, “*Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар*”, “*Хелсинки конференциясининг якуний акти*”, алоҳида конституцияларда) мустаҳкамланган. Ушбу ҳаракатлар ўз ҳуқуқларни рўёбга чиқарганлиги учун таъқиб қилинаётган кишиларни ҳимоя қилади, ўзлари эса ушбу ҳуқуқларини амалда татбиқ қилиш учун курашади, ҳуқуқ нормаларига риоя қилинишини давлат идораларидан талаб қилишдан чарчамайди ва ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларни очиқлашга уринадилар.

Шундай қилиб, уларнинг фаолияти қонунийлик тамойилига асосланади: улар оммавий ва очиқ гапиришади ҳамда ўзларининг фаолияти ҳам қонуний бўлишига интилишади. Бундан ташқари, қонунларга риоя қилиш ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб билишади. Қонунийлик тамойили ва уларнинг фаолият доираси Совет Иттифоқи ҳудудида кенг тарқалган (баъзи гуруҳлар бу масалада ўзаро келишиб олишлари шарт эмас). Ушбу ҳолат бизни муҳим савол билан тўқнаштиради: давлатнинг ўзбошимчалик доираси шу қадар кенг бўлган шароитда нега қонунийлик принципи шу қадар спонтан ва муҳокамасиз асос қилиб олинган?

Аввало, биз бу ерда посттоталитар тизимдаги ўзига хос шароитларнинг табиий (умумий) намоён бўлиши ва бу ўзига хосликни элементар тушуниш натижаларини назарда тутишимиз лозим. Эркинлик учун кураш одатда, иккита асосий муқобил услублар асосида амалга оширилади, яъни, қонуний услублар билан ёки қаршилик кўрсатишга асосланган услублар билан (қуролли ёки

куролсиз), ушбу муқобил услублар иккинчисининг (*яъни, қаршилик кўрсатиш*) посттоталитар тузум шароитига органик номуносивблиги кундай равшан: посттоталитар тузумда сиёсий ҳаёт доимий ва очиқ ҳаракат билан тавсифланади, масалан, ҳарбий вазият ёки ижтимоий-сиёсий можаролар ҳаддан ташқари оғирлашиши сурункали кечади; бундай шароитларда “классик” диктатуралар ё янада мустаҳкамланади ёки қулайди. Шундай қилиб, фактик ҳукумат даражасида ҳеч бўлмаганда бир оз таққослаш имкони бўлган очиқ конфронтациядаги бир-бирига қарши ижтимоий кучлар шароитида (масалан, ишғолчи ҳукумат ва озодлик учун курашаётган одамлар), узурпатор ва мазлум жамият ўртасида аниқ зиддият ёқасига келиб қолганда очиқ қаршилик кўрсатиш ҳақида гапириш мумкин.

Агар биз инқирозли ва портловчи вазиятларни ташқари (Венгрия, 1956) посттоталитар тузумдаги шароитларни хоҳлаганча таърифлаш мумкин, аммо қуйидаги белгиларни уларда топа олмаймиз: улар статик ва барқарордир; ижтимоий инқироз асосан яширин шаклда кечиши (*шунинг учун янада кескин*); реал ҳокимият даражасидаги жамият кес-кин қутбланишган кўринишга эга эмас, чунки унинг асосий зиддиятлари локаллашган бўлиб, асосан инсоннинг ичида содир бўлади.

Бундай вазиятда қаршилик кўрсатишга ҳар қандай уриниш ижтимоий бепуштлиққа маҳкум қилинган: истеъмол қадриятлари билан ютиб юборилган “уйқусираган” жамият посттоталитар тизимга “боғланган” (*унда иштирок этиш ва “ўзбошқарув”га ҳисса қўшган ҳолда*), **бундай жамият бирор соф инсоний нарсани идрок эта олмайди; аксинча, уйғотишга бўлган ҳар қандай ҳаракатни ўзига таҳдид деб билган ҳолда, тизимга содиқликни мустаҳкамлаш (қонунийликнинг кафили сифатида гарчи чала-ҳуқуқий бўлса-да) билан жавоб беради.** Агар қўшимча қиладиган бўлсак, жамиятни назорат қилиш мақсадида унга комплекс, тўғридан тўғри ва билвосита таъсир қилиш масаласида посттоталитар тизимнинг тарихий аналоги мавжуд эмас, мукамал механизмига эга эканлигини инобатга олсак, очиқ қарши чиқишга ҳар қандай уриниш, нафақат сиёсий бефойда, балки, амалий имконсизлигини ҳам



тушуниш мумкин; эҳтимол бу қаршилик маълум бир реал ҳаракат даражасига кўтарилишдан олдин зарарсизлантирилган бўлар эди.

Бу қаршилик амалга оширилган тақдирда ҳам, мазкур ҳаракатга нафақат улкан давлат (ва давлат ости) кучи, балки манфаатлари кўзлаб ҳаракат қилинаётган жамиятнинг ўзи ҳам қаршилик кўрсатади. Охир-оқибат бу бир неча изоляцияланган одамларнинг ҳаракати сифатида минимал резонансга эга бўлар эди холос. *(Шунинг учун ҳам давлат “диссидентлик ҳаракатларини” ноқонуний ва фитнада айблаб террорчи тамғасини ёпиштиришига уринмоқда)*

Юқорида тилга олганларимиз “диссидент ҳаракати”нинг қонунийлик принципини танлаши лозимлигининг асосий сабаби эмас. Бунинг сабаби “диссидент” позициясининг чуқур ички табиатида яширинган: тизимни зўравонлик билан ўзгартириш принципи унга мутлақо бегона бўлиши керак, чунки у зўравонликни асос қилиб олиши мумкин эмас. *(Аслида, биз уни фақат экстремал вазиятларда муқаррар ёвузликка жавоб сифатида маъқуллашимиз мумкин, агар тўғридан-тўғри зўравонликка зўравонликдан бошқа нарса билан қарши туриш имкони бўлмаса, бундан бош тортиш зўравонликни қўллаб-қувватлашни англади; масалан, Иккинчи Жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида Европа пацифизмини эслайлик.)*

Бу жамиятдаги муҳим ўзгаришлар фақат тизимни алмаштириш ёки ҳукуматни ўзгартириш шаклида (ёхуд ҳар қандай шаклда) амалга ошириш мумкин ва бу “принципиал” ўзгаришга эришиш учун инсон ҳаётини қурбон бериш билан боғлиқ “камроқ принципиал” воситаларни қўллаш ўзини оқлайди деган қарашни рад этишдан келиб чиқади. Бу ҳолатда ўзининг назарий концепциясига ғамхўрлик, муайян одамнинг ҳаёти ҳақидаги ғамхўрликдан устун қўйилади; **айнан шундай ёндашувда инсонни янги қулга айлантириш потенциал хавфи ётади.**

Мен тушунтиришга ҳаракат қилганимдек, “Диссидентлик ҳаракатларига” тизимнинг ўзгаришида юзаки, иккиламчи, ҳеч нарса кафолат бермайдиган ҳаракат деган қараш хосдир. Мавҳум сиёсат билан келажакка қарашдан кўра аниқ бир шахснинг ҳуқуқларини “шу ерда ва ҳозир” самарали

ҳимоя қилиш табиийки “яхши келажак” номи остида амалга ошириладиган ҳар қандай зўравонликка қарши курашнинг кучайишига ва куч билан забт этилган келажакнинг ҳақиқатдан яхши эканлигига шунингдек, ҳокимиятни забт этишда қўлланилган қаттол усуллар диссидентлик руҳиятида муҳрланиб қолишини истамаслик билан боғлиқ чуқур ишончсизликни вужудга келтиради.

Мазкур ҳолатда қандайдир консерватизм ёки сиёсий “мўътадиллик” ҳақида гап кетмаяпти. “Диссидентлик ҳаракатлари” зўравонлик билан сиёсий тўнтариш қилиш ғоясини афзал кўрмаслиги улар учун бундай қарор жуда радикал эканлигида эмас, аксинча, бу улар учун етарлича радикал эмас. Шундай қилиб, муаммо ҳукумат ёки тизимдаги аҳамиятсиз ўзгаришлар билан ҳал қилинадиган соҳаларга қараганда чуқурроқ илдизга эга.

XIX асрнинг классик марксистик схемаларига риоя қиладиган баъзи одамлар, бизнинг тизимимизни эксплуататор синфининг эксплуатация қилинган синф устидан ҳукмронлиги сифатида қабул қиладилар ва эксплуататорлар ўз ҳокимиятини ихтиёрий равишда топширмайдилар деган постулат асосида ҳукмрон синфни алмаштиришнинг ягона йўли сифатида инқилобни кўрадилар. Бундай инсонлар учун инсон ҳуқуқлари учун кураш каби нарсалар, шубҳасиз, бемаъни ва юксиз, оппортунистик нарса сифатида кўринади ва эксплуататорлар ўзининг шубҳали маърузалари билан ёлғон қонунчилик асосида жамиятни алдашга уринади деб ҳисоблашади (*Шу билан бирга, инқилобни амалга оширишга тайёр бўлса-ю, атрофда ҳеч кимни кўрмаса, улар умидсизликка, скептицизмга, пассивликка ва ниҳоят апатияга тушадилар, тизим эса айнан шу нарсани истайди. Мана, бошқа дунёдан ва бошқа даврлардан сугуриб олинган мафкуравий шаблонларнинг посттоталитар жамият шароитларига мослаштирилиши қандай алдамчи йўлларга бош-лашининг кўرғазмали намунаси*).

Қуйидаги саволларни бериш учун зўравонлик орқали ҳаётни яхшилаш тарафдори бўлиш шарт эмас: агар қонунлар ва айниқса инсон ҳуқуқларига тегишли энг муҳим қонунлар шунчаки “иллюзия” дунёсининг “фасади” бўлса,

тотал манипуляцияни яширишга қаратилган ўйин бўлса, қонунларга мурожаат қилиш мантиққа тўғри келадими? “Сиз ҳар қандай нарсани ратификация қилишингиз мумкин, чунки “улар” барибир “хоҳлаган ишини” қилишади, деган қарашга кўп дуч келасиз.

Шундай қилиб, бу абадий “сўз учун кураш” ва қонунларга мурожаат қилиш фақатгина иқтидордагиларнинг рухсати билан иккиюзламачилик, тусланиш ва таклиф қилинган ўйинни қабул қилишни ва ўзни алдашни яна бир марта текшириб кўришнинг янги шакли эканлигини ёш бола ҳам билади? Бошқача қилиб айтганда, бу жараён умуман “диссидентлик” позициясининг бошланғич нуқтаси сифатида “ҳақиқатда яшаш” тамойилига мос келадими?

Бу саволга жавоб бериш учун биз посттоталитар тизимидаги ҳуқуқий тартибнинг қуйидаги функцияларини чуқурроқ ўрганишимиз керак.

“Классик” диктатурада давлат ўз хоҳиш--иродасини тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширади, режим ўз позициясини ҳамда куч ишлатиш истагини яширмайди. Диктатор ҳаракатларини ниқоблаш учун бирор-бир қонун ёки меъёрларни ишлаб чиқишга эҳтиёж сезмайди. Посттоталитар тизимда эса юқоридагиларнинг айнан тескараси амал қилади, у ҳамма жойда сурункали тартиб ўрнатиш касалига чалинган: ушбу тизимда ҳаёт - кўрсатмалар, низомлар, директивалар, нормалар, буйруқлар ва қоидалар тармоғи билан ўраб-чирмаб ташланган бўлади (*шунинг учун ҳам, мазкур режимни бюрократик тизим деб номлашган*).

Ушбу нормаларнинг аксарияти ҳаётни комп-лекс манипуляция қилишнинг посттоталитар тизимга хос бўлган воситасидир: бу тизимда инсон қандайдир гигант механизмнинг аҳамиятсиз бир мурватчасидир; инсоннинг моҳияти, ушбу механизм функциялари билан белгиланади; иш, турар жой, ҳаракатланиш, ижтимоий ва маданий ҳаёт – ўзининг том маъносида, максимал даражада қайд этилган, рақамланган ва назоратга олинган бўлиши керак. Бу эса белгиланган турмуш тарзидан ҳар қандай оғишни қонунбузарлик, ўзбошимчалик ва анархия деб ҳисоблашга имкон беради.

Ресторан менюсида назарда тутилмаган махсус таомни бюрократик келишувларсиз тайёрлай олмайдиган ошпаздан тортиб, бюрократик аппаратнинг рухсатсиз концертда янги қўшиқ ижро этолмайдиган хонандагача, барча-барча инсонлар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қўллари ва оёқлари билан ушбу бюрократик қоидалар тўрига ўраб ташланган (*бу посттоталитар тизимнинг мантиқий маҳсули бўлиб, ҳаётнинг барча ниятларини тобора чуқурроқ ўзлаштириб, уларни ўз ниятларига – “ўзҳаракатнинг” белгиланган манфаатларига бўйсундирадидлар*).

“Кўрсатмалар ва тақиқлар дунёси”нинг бош-қа соҳалари каби ҳуқуқий тартибот (ўзининг тор маъносида) ҳам посттоталитар тузумга бевосита хизмат қилади. Бироқ, шу билан бирга - баъзи даражаларда камроқ ва баъзиларида эса - янада равшанроқ ушбу хизматнинг бошқа – (билвосита) турларининг юзага келишига ҳам хизмат қилади. Бу услуб билан ҳуқуқий тартибот функциялари мафкурага шу қадар яқинлаштирилади-ки, кейинчалик улар моҳиятан мафкуранинг хизматчисига ва унинг ажралмас қисмига айланади.

Ҳуқуқий тартибот “алиби” функциясига эга: у ҳокимиятнинг “оқилона” ҳаракатларини ўзининг “меъёрлари” ёрдамида муносиб кийинтиради; у адолатлилик, “жамиятни ҳимоя қилиш” ва ҳокимиятнинг барча ҳаракатларини объектив тартибга солишга ўхшаш, тасалли берувчи иллюзияни вужудга келтиради. Буларнинг барчаси, ҳуқуқий амалиётнинг асл мақсадини яшириш, яъни: жамиятни посттоталитар манипуляция қилишни ширма ортига олиш мақсадида амалга оширилади.

Мамлакатимиздаги ҳаётнинг асл моҳиятини билмайдиган, аммо унинг қонунлари борлигидан хабардор инсон, бизнинг шикоятимиз нимага қаратилганини тушуна олмайди: суд органлари ва прокуратурани яширин сиёсий манипуляция қилиш, адвокатлар имкониятларини чеклаш, суд процессларининг деярли ёпиқлиги, хавфсизлик идораларининг ўзбошимчаликлари ва суд тизимининг уларга бўйсундирилганлиги, жиноят қонунчилигидаги айрим моғор босган моддаларни кенг ва маъносиз шарҳлашлар ва ҳ.к. ва албатта, қонун устуворлигининг ижобий қоидалари

(фукаролик ҳуқуқлари)га бутунлай бефарқлик - буларнинг барчаси юқорида айтилган қонун бор-у, лекин муаммо нимадалигини билмаётган инсонлардан яшириш учун амалга оширилади. У биздаги қонунийлик, цивилизациялашган мамлакатлардаги қонунийликдан унчалик ҳам ёмон эмаслиги ва ундан кам фарқланиши тўғрисидаги ягона хулосага келган бўлар эди (*эҳтимол, бир неч-та “залати ҳолатлар” бундан мустасно бўларди, масалан: ягона партиянинг конституцион ўзгармас ҳукмронлиги ва давлатнинг қўшни супердавлатга нисбатан севгиси*). Аммо бу ҳаммаси эмас.

Агар бундай кузатувчи хавфсизлик идоралари ва суд амалиётининг расмий (“қоғоздаги”) томонларини текшириш имконига эга бўлса, у кўпинча кам аҳамиятли қоидаларга амал қилинаётганини аниқлаган бўлар эди: гумонланувчи ҳибсга олинганидан кейин айблов ўз вақтида эълон қилинганини, ҳибсга олиш тўғрисидаги қарор шунингдек, айблов мотивлари ҳам асослантирилганини, айбланувчининг адвокати борлигини ва бошқаларни кўрган бўлар эди. Шундай қилиб, ҳар кимнинг қонунга риоя қилганлиги тўғрисида “алибиси” бор деган хулоса пайдо бўлади.

Тақиқланган ёзувчининг романини қайта кўчиргани ёки милиция сохта гувоҳлик бериш тўғрисида келишиб олганлиги (буни аслида, айб-ланувчидан тортиб судьягача ҳамма яхши билади) оқибатида йигитнинг ҳаёти ҳақиқатан ҳам шафқатсиз ва мутлақо маъносиз равишда йўқ қилинаётганлиги нимагадир соя остида қолади: айбловнинг сохталлиги бу ишда ҳеч бир тарзда аниқланмайди, ишни кўзғатиш ҳақидаги модда романни қайта кўчириш ҳаракатига татбиқ этилишини формал тарзда истисно этмайди. Бошқача қилиб айтганда, қонун устуворлиги унинг баъзи жабҳаларида, аслида фасад, фақат “иллюзия” дунёсининг ажралмас қисми эканлигини кўрсатади.

Нима учун бу ерда ҳуқуқий тартибот мавжуд? Мафкура нима учун бўлса, у ҳам шунинг учун: у инсоннинг давлат структурасига кириши ва давлатнинг ўзбошимчалигига хизмат қилишини осонлаштирадиган, тизим ва шахс ўртасидаги “алибистик” кўприкни қуради: шу тариқа “алиби” инсонга, қонунларга риоя қилаётганлиги ва жамиятни жинойтчилардан тозалаётганлиги

каби иллюзиялар билан тинчланиш имконини беради. *(агар ушбу “алиби” бўлмаса, ҳар бир янги авлод судьяларини, прокурор ва терговчиларини тизимга жалб қилиш қанчалик қийин бўлар эди!)* “Иллюзия” оламининг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий тартибот нафақат прокурорни, балки жамоатчиликни, чет ел давлатларини ва тарихни ҳам “аллалайди”;

ҳуқуқий тартибот, мафкура сингари давлат *ички ритуал муносабатларнинг* алмаштириб бўлмас воситаси ҳам ҳисобланади. Ахир у эмасми ҳокимият ижрочилиги, унинг барча бўғинларида келишилганлик, изчиллик ва қонуний ваколатлар билан таъминлаш учун муайян шакллар, чегаралар, қоидаларни берадиган, у эмасми, мазкур ўйин-ни “қоидалар”, ижрочиларни эса технологиялар билан жиҳозлайдиган? Посттоталитар ҳокимиятни мазкур универсал ритуалсиз тасаввур қилиш мумкинми? Ахир ҳуқуқий тартибот унинг ҳаётийлигини таъминлаб, тегишли таркибий қисмларини уларнинг умумий тилига ўхшаш яхлит нарсага боғлаш имконини бермайдими?

Репрессив аппаратнинг ҳокимият тузилишидаги мавқеи қанчалик муҳим бўлса, унинг ишлашига бирон бир расмий характер бериш ҳам шунчалик муҳим. Агар судьялар, прокурорлар, терговчи, адвокат ва суд маҳкамалари ҳамда семиз жиноят ишлари бўлмаганда ва буларнинг барчаси тўғри ташкил этилмаганда, китобдан нусха кўчиргани учун инсонларни шунчаки, жимгина ва асоратларсиз турмага тиқиш мумкинми? Энг асосийси, Жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги бир кўринишда “маъсум” бўлган 100-модда бўлмаганда.

Албатта, бу юқорида айтилган атрибутлардан ташқарида ҳам содир бўлиши мумкин, фақат Угандадаги баъзи эфемер жинорий диктатура шароитида; аммо, цивилизациялашган инсониятнинг шу қадар муҳим қисмини қамраб олган ва ҳозирги замоннинг ажралмас, барқарор ва муҳим қисмини эгаллаган тизимда бу ақлга сиғмайди ва техник жиҳатдан имконсиздир. Ҳуқуқий тартибот ва унинг ритуал боғловчи функциясиз мазкур тизим мавжуд бўла олмас эди.

Ритуал, фасад ва “алибининг” роли – қонунларда содир этилиши тақиқланган ва содир этилгани учун таъқиб қилишга асос бўладиган қисмида эмас, балки унинг фуқарога берилган ҳуқуқлари ва унинг имкониятларини тушунтирадиган қисмида аниқ намоён бўлади. Бу нормаларда “сўзлар, сўзлар ва сўзлардан” бошқа ҳеч нарса йўқ. Шунга қарамай, ҳуқуқий нормаларнинг ушбу қисми тизим учун жуда муҳимдир: тизим мазкур меъёрларда фуқаролар, мактаб ўқувчилари, халқаро ҳамжамият ва тарих олдида ягона ва тугал бўлиб намоён бўлади. У мазкур ваколатларни ҳаётий муҳим бўлган ўз мафкурасининг фундаментал постулатлага шубҳа туғдиришга таваккал қилмасдан қабул қила олмайди (биз давлат тузилмаси том маънода ўз мафкураси ва мафкуравий обрўсига қул қилинганини кўрдик) шу билан у ўзи намоён қиладиган барча нарсаларни бузиб ташлаб ва ўзини тутиб турувчи устунларидан бири: “иллюзия” дунёсининг яхлитлигини ўз қўллари билан болталайди.

Агар ҳокимиятни амалга ошириш бутун давлат тузилиши бўйлаб вена томирлардан оқиб ўтадиган қон сингари тарқаладиган бўлса, унда ҳуқуқий тартиботни ушбу томирларнинг “қопламаси” билан таққослаш мумкин, бу қопламасиз ҳокимият қони тизимли равишда оқиб чиқа олмай, жамият танасида тартибсиз оқиб, тартиб интизом қулаган бўларди. Қонунга тинимсиз ва чексиз мурожаат қилиш — бу уларга мурожаат қилаётганлар иллюзияга тушиб қолганлигини ёки қонунни тушунмаслигини англатмайди. Улар қонунларнинг қандай функция бажаришини яхши билишади.

Шунга қарамай, улар буни тизимга ўта керакли (жамики ўзининг “баланд парвоз” маъноси билан) эканини жуда яхши билишади, улар шунингдек, бу чақирувнинг катта аҳамият касб этишини ҳам билишади; қонун кучини (“алиби” ва мулоқот учун) стимул қилиш зарурати билан чорасиз чирмаб ташланган инсон ҳеч қачон ундан воз кеча олмайди, у ҳеч бўлмаганда “сўз учун курашга” ва муносабат билдиришга мажбур бўлади; қонунга мурожаат қилиш, бу “ҳақиқатда яшаш” ҳаракати бўлиб, бу орқали инсон ёлғон тузумни айнан ўз ёлғонида айблаши мумкин: агар кимки қонунга чақирса

жамият олдида барча давлат структураларини, унинг ҳақиқий реал мазмунига эътиборни қаратиб, уни фош қилади, бу билан у билвосита қонун ортида яширинган, ўзининг “алибисини”, мулоқот тилини, давлат иродаси усиз тизимлаша олмайдиган “қопламага” эътибор қаратишга, ҳеч бўлмаганда ўз виждонини тозалаш ва ташқи эффект учун қонунлар обрўсини кўтариш ва мустаҳкамлашга бўлсада мажбур бўлади, бундан ташқари ҳокимият ўзини асраш инстинкти билади (тизимнинг ўз-ўзини ва унинг боғловчи принципини асраши каби), ёки ритуални бажаришдан “хурсанд” эмасликда айбламасликлари учун қонунга эътиборли бўладилар.

Шунинг учун, улар бошқа йўлга эга эмаслар: ўйин қоидаларидан халос бўлолмайдилар, уларда ушбу қоидаларга тобе бўлишдан бошқа чораси йўқ. Охир-оқибат, бунга муносабат билдирмаслик, ўзини “алиби” дан маҳрум қилиш ва ўзаро алоқаларни назорат қилишни йўқотишни англатади. Қонунлар - бу “фасад” дан бошқа нарса эмас, улар бари бир ишламайди, ва шунинг учун уларга чақиришнинг маъноси йўқ деган гаплар уларнинг “фасад”, “ритуализациясини” кучайтиришга ва қонунлар “иллюзия” дунёсининг таркибий қисм эканлигини тасдиқлашдан бошқа нарсани англатмайди. Бу эса ҳуқуқий тартибдан мафкура сифатида фойдаланадиганлар учун “алибининг” жуда қулай (ва ўз навбатида энг алдамчи) шаклини мослаштириши учун шароит яратиш бўлар эди.

Мен шахсий тажрибамдан кўп маротаба амин бўлдимки, тажрибали хартистнинг ишини қатъият-ли адвокат иштирокида кўриб чиқаётган милиционер, прокурор ёки суд, кенг жамоатчилик назари олдида, жуда эҳтиёткорлик билан, ритуалнинг уруш-жанжалсиз ва аниқ бажарилишини таъминлаш учун ўта аниқлик билан кузатиб бошлайди; ритуал ортида давлат ўзбошимчаликлари яширинганлиги эса ўзгаришсиз қолаверади, аммо кўрсатилаётган ҳаддан ташқари пухталиқнинг ҳақиқати муқаррар равишда бу ўзбошимчалиқни тартибга солади, чеклаб қўяди.

Бу, албатта, етарли эмас. Аммо, шунга қарамай, бу “диссидентлик позицияси” моҳиятининг намоён бўлишига ҳам тааллуқлидир, чунки у



инсоннинг “шу ерда ва ҳозир” деб номланган ҳақиқатидан келиб чиқади, маълум бир “кичик ишни” изчил амалга ошириш булутлар ичида сузадиган қандайдир мавҳум “туб ўзгаришдан” минг маротаба муҳимроқ бўлиб (аҳамиятсиз бўлса ҳам) кичик бир инсоннинг азобларини енгиллаштиради. Ахир, аслида, бир қарашда “диссидент” позицияси жуда кескин кўринса-да, бу Масарик ишларининг бошқа шакли эмасми?

Агар мен “сўз учун кураш” жараёнининг баъзи ички хусусиятларига тўхталмасам, ушбу боб тўлиқ бўлмас эди. Жумладан: қонун, ҳатто энг идеал ҳолатда ҳам - ҳар доим ҳаётдаги энг яхшисини, ёмонидан ҳимоя қилишнинг номукамал ташқи усулларида биридир, аммо, у ўзи ҳеч қачон энг яхши нарсани яратмайди. Қонунга риоя қилиш автоматик равишда яхшироқ ҳаётни таъминламайди, бу ҳали ҳам инсонлар ижодининг маҳсули институтларнинг эмас.

Яхши қонунларга эга бўлиб, бу қонунлар ҳурмат қилинсада, инсон каби яшаш мумкин бўлмаган жамиятни тасаввур қилиш осон. Ва аксинча, қусурли ва номукамал қонунларга эга бўлсада, инсон каби яшаш мумкин бўлган жамиятларни ҳам тасаввур қилиш мумкин. Асосий масала, қонунларнинг эркин ҳаётга хизмат қилиши ёки уни чеклашидадир ва асло қонунларга амал қилиниши ёки амал қилинмаслигида эмас (кўп ҳолларда қонунларнинг сўзма-сўз ижро этилиши муносиб ҳаёт учун энг катта фожиага айланиши мумкин).

Инсоннинг фаровон ва бахтли ҳаёти калитлари конституция ёки жинойт қонунчилигида сақланмайди: улар фақат мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсаларни тартибга солади, шу билан ҳаётни осонлаштиради ёки қийинлаштиради, чеклайди ёки чекламайди, жазолайди, созлайди ёки сақлайди, лекин ҳеч қачон уни мазмун ва маъно билан тўлдирмайди. Шунинг учун “қонунийлик” деб номланган кураш ушбу “қонунийликни” ҳаётнинг ўзи билан доимий равишда ўзаро боғлаб туриши ва унга мувофиқ бўлиши керак.

Қонунийликнинг бор гўзаллиги, қашшоқлиги ва асл қиёфасини кўришни истамасдан ва унга ахлоқий муносабатсиз амалга оширилган кураш,

Ўз-ўзини мақсад қилган схоластика нишонида ҳалокатга учраши керак. Киши суд ҳужжатлари ва барча формал қоидаларга қанча қаттиққўллик билан амал қилинаётганлигига қараб бизнинг аҳволимизни баҳолаётган кузатувчига ноихтиёр равишда яқинлик ҳис қилган бўлар эди.

18

Ҳаётнинг асл мақсадларига хизмат қилиш “диссидентлик ҳаракати”нинг мазмунини ташкил этади, бу хизмат инсон эркини ҳимоя қилиш босқичига етиши билан маъно касб қилса, кейинги босқич (ва ҳозирча энг етук даражаси) - Вацлав Бенда<sup>18</sup> айтганидек, “муқобил тузилмалар”ни ривожлантриш босқичидир.

“Ҳақиқат ҳаётини” танлаган инсонлар мавжуд ижтимоий тузилмаларга бевосита таъсир кўрсатишдан маҳрум қилинганлиги сабабли, *(расмий доираларда ҳаракат қилиш ҳақида гапиришининг ҳам ҳождати йўқ)* улар “жамиятнинг мустақил ҳаётини” оёққа қўйишни бошлади, кейинчалик бу “ўзга” ҳаёт ўз-ўзини тизимлаштиришга киришди. Баъзи жойларда ушбу ташкилотлар энди туғилган бўлса, баъзиларида эса, аллақачон ривожланган шаклларга етиб келган эди. Уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини “диссидентлик” феноменисиз тасаввур қилиб бўлмайди, шу билан бирга бу концепция тасодифий ҳодисалардан анча кенгрокдир.

Қандай тузилмалар ҳақида гап кетмоқда?

Гап шундаки, Иван Йироус<sup>19</sup> “иккинчи маданият” тушунчасини ишлаб чикди ва амалда қўллади. Дастлаб у нонконформистик рок-музиқа ва шу руҳдаги адабиёт, тасвирий санъат ва бошқа нонконформистик “ҳаракатларни” назарда тутган бўлса, тез орада ушбу тушунча бутун мустақил ва “яширин”

---

<sup>18</sup> Вацлав Бенда – (1946-1999) Чехия математиги. У коммунистлар ҳукмронлиги даврида камдан-кам учрайдиган христиан диндори эди. Бенда Хартия – 77 (антикоммунист диссидент ташкилоти)нинг юқори даражали аъзоси ҳам бўлган — *таржимон*.

<sup>19</sup> Иван Мартин Йироус – (1944-2011) “Магор” тахаллуси билан танилган Чехия шоири, публицисти ва диссиденти. Хартия-77нинг фаол аъзоларидан бири — *таржимон*.

маданият соҳаларини қамраб олди, яъни, нафақат санъат ва унинг турли шакллари, балки гуманитар фанлар ва фалсафий тафаккурга ҳам тарқалди.

Ушбу “иккинчи маданият” аввало, ўзининг оддий ташкилий шаклларини вужудга келтирди: Самиздат журналлари, шахсий спектакллар ва концертлар, семинарлар, кўргазмаларни *(Польшада буларнинг барчаси жуда кенг ривожланган: мустақил ноширлар, кўп сонли журналлар, шу жумладан сиёсий наширлар ҳам мавжуд, “чоп этиш” де-йилганда, фақат босма машиналарни тушунмаслик лозим, Совет Иттифоқида “самиздат”, узоқ анъаналарга ва албатта, мутлақо ўзгача шаклларга эга эканлигини унутмаслик лозим)* мисол қилиб келтириш мумкин. Шундай қилиб, маданият соҳаси ҳали-ҳануз ўзининг ривожланган “параллел тузилмалари”га эгадир.

В.Бенда истиқболда, нонконформистик тузилмаларнинг қуйидаги шакллари ривожланишни ҳам назарда тутганига шубҳа йўқ: параллель маълумот тармоғидан параллель таълимгача (хусусий университетлар), касаба уюшмаларининг параллел ҳаракатларидан, параллель халқаро муносабатларгача ва ҳатто маълум “параллель иқтисодиёт” гипотезасигача. Ушбу “параллель тузилмалар” асосида у кейинчалик “параллель полис” тушунчасини ишлаб чиқади; ҳеч бўлмаганда В.Бенда бундай полисининг ташкилий куртаклари вужудга келишига сабабчи бўлди десак муболаға бўлмайди.

Ривожланишининг қайсидир босқичида “жамиятнинг мустақил ҳаёти” ва “диссидентлик ҳаракатлари” ўзини мустақил ташкил этиш шаклларини излашга тушади. Ушбу йўналишдаги ривожланиш мутлақо табиийдир ва “жамиятнинг мустақил ҳаёти” давлат томонидан бостирилгунча ёки йўқ қилинмагунча кучайиб бораверади. Мустақил ҳаёт тенденцияси билан бир қаторда параллель сиёсий ҳаёт ҳам муқаррар равишда ўсиб боради ва қисман бизнинг мамлакатимизда ҳам бу ўсиш кўзга ташланди. Турли хил сиёсий йўналишдаги гуруҳлар бир-биридан ажралиб, турли йўсинда ҳаракат қилдилар ва табиийки бир-бирига қарши чиққанлари ҳам бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда “ҳақиқатдаги ҳаётнинг” энг ёрқин кўриниши бу

“параллель тузилмалар”дир, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бугунги кунда “диссидентлик ҳаракатларининг” олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу яна бир бор жамиятнинг режим босимига қарши туришдаги барча саъй-ҳаракатларининг энг органик ва бошланғичи — “сиёсатгача” бўлган соҳалар эканлигини тасдиқлайди.

“Параллель тузилмалар” муқобил ҳаёт соҳаси бўлмай нима? У ўз ниятларига уйғун бўлган ва ўз-ўзини бино қиладиган ҳаёт эмасми? Жамиятнинг маълум бир қисмининг ҳақиқат билан яшашга, “ўзтоталитаризмдан” халос бўлишга демак-ки, посттоталитар тузум “кишанларидан” халос бўлиш учун интилиши эмасми? Инсоннинг режимни енгиб, ҳаётини янги асосда – (ўз моҳияти асосида) қуриш мақсадида амалга оширган ҳаракати эмасми? Бу тенденция инсон учун туб бурилиш эканини тасдиқламайдими?

Дарҳақиқат, “параллель тузилмалар” тизимли ўзгаришларнинг назарий дастурлари билан эмас (бу билан сиёсий секталар шуғулланармиди), балки ҳаётнинг аниқ интенциялари ва муайян инсонларнинг ўткир эҳтиёжлари билан юзага келади. Охир-оқибат, биз кўришимиз мумкин бўлган барча тизимли ўзгаришлар de facto “пастдан” пайдо бўлди, чунки ўзгарган дунё шу йўлни тутишга мажбур қилади ва лекин бу масъулиятни диссидентларга қандайдир тарзда ҳаёт юклагани учун ёки ўзларига ўзлари юклагани учун эмас.

Тарихий тажриба шуни ўргатадики, инсон эркинлиги ҳаммага йўналтирилганлиги билан - қадрли бўлган ва шу сабабли ҳурликни - чекланган, ёпиқ ва бошқаларга қўлланилмайдиган эркинлик каби ифода этиш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, ҳурлик ҳар бир киши учун мўлжалланган умумий тақдирнинг намунасидир ва шунинг учун ҳам мазкур тушунчалар инсоннинг нафақат ўзига нисбатан яширин масъулияти, балки дунё учун жавобгарлигини ҳам ифода этади. Шу сабабли, “параллель тузилмалар” ва “параллель полисни” геттога қочиш ва яккаланиш акти сифатида қабул қилиш нотўғри бўларди, бу маргиналликка журъат қилганлар учунгина мақбул, қолганлар учун эса фойдасиз, гўё умумий аҳволни инкор этиб, моҳиятан битта гуруҳ

учун ечим таклиф қилиш билан баробар ҳодисага айланиб қоларди. Бундай йўсинда тушуниш, “ҳақиқий ҳаётни” куртаклигидаёқ ўз манбасидан яъни “бошқа” (мустақил ҳаёт) ҳақида ғам чекишдан узиб ташлаган бўлар эди ва муқаррар равишда уни “ёлғонда яшашнинг” янада нафис турига айлантириб қўярди, натижада у на индивидуал ва на жамовий чинакам ечимни англамаган бўлар эди (бундай тушуниш “диссидентлар” ҳақидаги ёлғон тасаввурни вужудга келтиради, яъни ўзининг махсус позициясидан келиб чиққан ҳолда, расмийлар билан алоҳида мулоқотларни олиб борадиган эксклюзив гуруҳга ўхшатиб қўяр эди).

Посттоталитар шароитдаги “Параллель тузилмаларнинг” энг ривожланган шакли бўлмиш “параллель полис” қоидаларига амал қиладиган инсон ҳеч бўлмаганда “Параллель” (ҳукумат) расмий тузилмалар билан, бир вақтнинг ўзида бир нечта ишлар асосида боғланишга мажбур бўлади: айтайлик, унинг дўконларида харидларни амалга ошириб, пулидан фойдаланиб, унинг фуқароси сифатида қонунларига риоя қилади. Бу жараёни, ҳаётнинг “қуйи” қисмидагина расмий тузилмалар билан боғланиш ва ўзининг “олий” ниятлари билан “параллел полисни” гуллаб-яшнатиш кўринишида тасаввур қилиш мумкин.

Бироқ, бундай ҳаёт дастури “ёлғон ҳаётнинг” ўзгача кўриниши сифатида инсонни у ёки бу тарзда яшашга мажбурлайдиган шизофреник шаклига айланиб қолмайдими ва кўпчилик учун яроқсиз ҳамда “тузатиб бўлмайдиган” ечим алоҳида олинган киши учун ҳам ечим бўла олмаслигини яна бир бор исботламайдими?

Ян Паточканинг айтишича, масъулиятнинг энг қизиқ жиҳати, биз уни ҳамма жойда ўзимиз билан олиб юришимиздадир. Бу шуни англатадики, у бизда бор ва бизга уни Буюк Худо жойлаштирган, биз масъулиятни ҳозир шу ерда қабул қилишимиз ва тушунишимиз керак, ҳинд монастирига ёки “параллель полисга” вақтлараро кўчиб ўтиш бизни ёлғон ҳаётдан қутқармайди. Агар ёш ўсмирнинг ёки Ғарб ёшларининг ҳинд монастирига рихлат қилиши кўпинча умидсизликка олиб келаётган бўлса, демак бу танланган йўлнинг

антиуниверсаллигидан далолат беради (бундан ташқари, ҳинд монастири ҳаммани ҳам сиғдира олмайди). Тўғри йўлни самовий ва бузилмаган дин беради; у менга ҳозир ва шу ерда ечим беради, чунки бу йўл ҳамма учун ва ҳар доим мақбул бўлиб келган.

Шундай қилиб, “параллел полис” истиқболни намоён қилиб, барча учун йўналтирилган чуқур масъулият акти сифатидагина маънога эга бўлади. “Параллел полис” - бу масъулиятни чуқурлаштириш учун энг қулай шарт-шароитларни излашдир, лекин ҳеч қачон масъулиятдан қочиш эмас.

## 19

Мен айтиб ўтган “ҳақиқатда яшаш” ҳодисаси, ўз потенциал сиёсий кучини намоён қилган тақдирда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз беришини аниқ тахмин қилиш имконини бермайди; Биз ўтган бобларда ушбу турдаги башоратларнинг нисбийлигини муҳокама қилган эдик: улар “мустақил ташаббуслар”нинг моҳиятига мутаносибдир, чунки бундай ҳаракатлар “va-bank” ўйинига киришишни талаб қилади. Мен ҳали ҳам “диссидентлик ҳаракатининг” реал ижтимоий таъсирини - “ҳаммага йўналтирилган ва ҳамма учун масъулиятда” намоён бўладиган усуллар кесимида тушуниш билан тугал маъно касб этади деб ўйлайман. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, “жамият мустақил ҳаёти” хусусан, “диссидентлик ҳаракатлари” посттоталитар тузум доирасидаги давлатлар тақдирига таъсир этувчи ягона омил дейишдан йироқмиз.

Яширин ижтимоий инқироз мустақил ривожланадиган турли хил сиёсий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин: бу эса ҳокимият асосларини силкитиши, турғунликни келтириб чиқариши ёки ҳеч бўлмаганда, исталмаган “об-ҳаво”ни вужудга келтирувчи яширин қарама-қаршиликларни кучайтириши мумкин; бу ҳаётнинг умумий атмосферасига катта таъсир кўрсатиши, кутилмаган ижтимоий ҳаракатлар ва портлашларга сабаб бўлиши эҳтимолини кучайтиради. Совет блоки марказий ҳукуматидаги ўзгаришлар

кутилмаган тарзда бошқа мамлакатлардаги жамият муносабатларига таъсир қилиши мумкин. Албатта, турли хил иқтисодий омиллар ва кенг цивилизацион тараққиёт, глобал тенденцияларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Муҳим сиёсий жараёнлар ва парчаланишларга импульслар берадиган ғайриоддий муҳим йўналиш - бу халқаро сиёсатдир; бу муносабатлар қаторига иккинчи супер давлат (СССР) ва бошқа барча давлатлар сиёсати; ташқи манфаатларнинг ўзгарувчан мажмуаси, шунингдек блокимизнинг халқаро позициясини мисол қилишимиз мумкин.

Шахсларнинг юқори лавозимларга кўтарилиши жуда муҳим (*гарчи, олдинги бобларда постоталитар тизимда етакчи шахсларнинг аҳамиятини ортиқча баҳоламаслик кераклигини таъкидлаган бўлсамда*) аҳамият касб этади. Кадрлар алмашинувининг чексиз тасодифий комбинациялари мавжудки, “диссидентлик ҳаракатларининг” сиёсий аҳамиятини баҳолашда бундай ҳодисаларни сиёсий тараққиётга таъсир қилувчи омиллардан бири (ва унча катта аҳамиятга эга бўлмасда) сифатида қарашни талаб этади, диссидентлик ҳаракатлари бу масалага инсонни ҳимоя қилиш позициясдан ёндашади.

Ушбу ҳаракатлар “ташқи” фаолиятининг бошланғич нуқтаси билан аввало, жамиятга таъсир қилади (ҳеч қандай вазиятда тўғридан-тўғри ва бевосита давлат тузилмасига таъсир кўрсатмайди албатта): мустақил ташаббуслар инсонийлик ва ижтимоий ҳаётнинг муқобили сифатида “яширин сферага” мурожаат қилади ва “ҳақиқатдаги ҳаётни” намоиш этади, шу тариқа улар билвосита бўлса ҳам - фуқаролик онгининг оширишга ёрдам беради, “хаёлот дунёсини” йўқ қилади ва ҳокимиятнинг ҳақиқий юзини кўрсатади.

Улар, ҳақиқат монополиясини яхши тушунадиган ва “қора” оммани маданийлаштириш миссиясини зиммасига олган “элитанинг” месианик вазифасини бажармайди, (*агар юқоридаги каби бўлганда - бу “идеал лойиҳа” фақат бизда бор деб даъво қилиш орқали ўз қараишларини жамиятга тиқиштириш ҳуқуқини олишга қаратилган такаб-бурона қараиш бўлар эди*); мустақил ташаббуслар ҳеч кимни мажбурлашни хоҳламайди, у ўз таж-рибасига таяниб ўрганиш ва рад этиш ҳуқуқини инсоннинг ўзига

қолдиради. *(Расмий таъвиқот хартистларга нисбатан “ёлгончилар” атамасини қўллаган, аммо улар бу атамани ўзининг ҳақиқий “авангардлик” амбицияларидан келиб чиқиб эмас – балки, ҳар қандай танқидий нутқда “барчани ўз қаричи билан ўлчаши” тамойилига асосланганиб қўллашди.*

*Расмийларга породоксал тафаккур сингдирилган бўлиб, бу тафаккур усули ҳар қандай зиддиятни автоматик равишда суверен ҳокимларни курсисидан улоқтириши ва “халқ номи билан” қилинган сеҳрли дуо орқали ўрнига ўтиришига уриниши деб қабул қилишига мажбур қилади).*

Бу ҳаракат жамиятнинг ажралмас қисми бўлмиш “яширин соҳа” орқали давлат тузилишига билвосита таъсир қилади *(биз, фактик ҳокимият даражасидаги қарама-қаршилик ҳақида гапирмаяпмиз)*. Мен худди шундай фаолият турларидан бири сифатида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий масъулиятни билвосита кучайтиришни мисол келтиришим мумкин. Бироқ, бу ниҳоятда кенг қамровли бир мисолдир. “Ҳақиқатдаги ҳаёт”нинг билвосита таъсири - эркин фикрлаш, муқобил кадриятлар ва “алтернатив хулқ”, мустақил ижтимоий ўзини ўзи англашда намоён бўлади. Давлат тузилмалари - хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, маълум даражада бунга эътибор қаратишга мажбур.

Унинг реакцияси ҳар доим, икки томонга эга – биринчиси қатағон – иккинчиси эса мослашиш; айрим ҳолатда биринчиси устунлик қилса, бошқа ҳолатда эса иккинчиси масалан Польшанинг “сайёр университетлари” ҳаракати шафқатсиз таъқибларни келтириб чиқарди, аммо полиция томонидан “сайёр ўқитувчиларнинг” икки кунлик қамоққа олиниши расмий университетлар профессорлари “сайёр университетларнинг” таъсири остида, таълим тизимига баъзи тақиқланган мавзуларини қўшиб, таълимни бойитишига мажбур бўлишган эди). Бундай мослашувнинг мотивлари хилма-хил бўлиши мумкин: масалан, “идеалдан” (“яширин соҳага” таъсир кўрсатиб, виждонни уйғотиб, ҳақиқатга ундовчи) соф мақсадли: ўзини-ўзи сақлаб қолиш инстинкти ҳокимиятни фикрлаш, руҳий ва ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларни ҳисобга олишга ва уларга мослашувчан муносабатда бўлишга мажбур қилади. Ушбу



мотивларнинг қайси бири қайси нуқтада устунлик қилади? Бу энди аҳамиятсиздир.

Ушбу мослашув расмийлар муносабатининг “ижобий томони” сифатида турли шакл ва босқичларнинг бутун спектрига эга. Бу баъзи бир доираларнинг “параллел дунё” инсонларини ўз қўлига олиши, лекин шу билан бирга уларни озгина тартибга чақириши орқали вазиятни мувозанатлаш ва оғрикни бироз камайтириш истаги сифатида намоён бўлиши мумкин. (Олтмишинчи йилларда баъзи илғор коммунистлар бизда илгари тан олинмаган маълум маданий қадриятлар ва ҳодисаларни “кашф эта” бошлаганликларини эслаймиз. Бу албатта, ижобий силжиш эди, лекин маълум бир хавфдан холи ҳам эмас эди, масалан, шу тарзда “киритилган” ёки “ўзлаштирилган” қадриятлар расмиятчилик ва оппортунизм юки остида ўз мустақиллиги, ўзига хослигини ва ишончни йўқотди).

Кейинги босқичда ушбу силжиш расмий тузилмаларнинг ўзларини ислоҳ қилишга уринишларига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ислоҳотлар, шубҳасиз, самимийдир (*улар ҳаётга хизмат қилиш билан посттоталитар “ўзҳаракат”га хизмат қилишни комбинациялаштиради ва “реаллаштиради”*), аммо уларнинг бошқа йўл ҳам йўқ; улар бу билан “ҳақиқатдаги ҳаёт” ва “ёлғон ҳаёт” ўртасидаги аниқ чегарани бузишади; вазиятни хиралаштириш, жамоатчиликни мистификация қилади ва тўғри қарор қабул қилишга халақит беради. Табиийки, бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди, лекин принципиал жиҳатдан ёмон натижа эмас, чунки соф фаолият учун янги имкониятлар очади. Тўғри, ушбу шароитда “мақбул” ва “номақбул” муросалар ўртасидаги чегараларни тан олиш ва белгилашда жуда еҳтиёт бўлиш керак. Кейинги - энг юқори босқич – бу расмий тузилмаларнинг ички *дифференциацияси ҳисобланади*: бу плюралис-тик тузилмаларнинг институционал шакллари, ҳақиқий ҳаёт ниятлари учун табиий қонуният сифатида у ёки бу даражада ривожланиши учун имкониятлар очилиши билан ифодаланилади. Масалан, маданий ҳаётнинг институционал пойдевори марказлаштирилган давлат характерига эга бўлса ҳам, улар “қуйи қатламнинг” кучли босими остида вужудга келади - булар янги

нашриёт уйлари, мустақил журналлар, бадиий жамоалар, параллель тадқиқот марказлари ва лабораториялар ва бошқалар, ёки бошқа бир мисол: одатда тоталитар давлатнинг кейинги “трансфер қўли” бўлмиш ёшлар ташкилоти қатъий тарзда давлат томонидан ташкил этилиб, реал эҳтиёжлар босими остида мустақил ташкилотларга айлантирилади. талабалар, мактаб ўқувчилари Иттифоқи, ёш ишчилар гуруҳларини ташкил этиш, ва ҳоказо). Ушбу ташаббусни “пастдан” амалга оширишга имкон берадиган табақалаштириш параллель равишда, мустақил бўлган янги тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқдир; расмий идоралар бир вақтнинг ўзида уларни қабул қилади ёки ҳеч бўлмаганда уларга нисбатан бардошли бўлади. Реал эҳтиёжлар асосида вужудга келган бундай тузилмалар расмий тузилмаларни либераллаштиришни ҳаётнинг реал эҳтиёжларига мослашишга ундамоқдалар, бу эса жамиятнинг “ўзини ўзи ташкил қилаётганини” аниқ намоён қилади (1968 йилда мамлакатимизда ушбу турдаги энг муҳим ташкилотлар КАН ва К-231 эди).

Ушбу жараённинг яқуний босқичи сифатида, мустақил ва расмий тузилмалар - посттоталитар тизимнинг бир қисми сифатида пайдо бўлиши “ўзҳаракатга” хизмат қилиш кўринишида шакллана бошлайди – бу эса ўз структураларида фундаментал ғояларига зид унсурларни олиб юришга мажбур бўлганлиги сабабидан расмий тузилмаларнинг ўлиши, парчаланиши ва йўқ бўлиб кетишига олиб келади, уларнинг ўрнида эса “пастдан” ўсиб чиққан ва бутунлай бошқача тартибга солинган янги тузилмалар вужудга келади.

Ҳаётий ниятлар ижтимоий тузилмани сиёсий жиҳатдан ўзгартирадиган (яъни, концептуал, тузилмавий ва “иқлимий”) ва барча даражадаги манипуляцион механизмларни заифлаштирадиган кўплаб усулларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мен бу ерда 1968 йилда Чехословакияда ўз тажрибамиздан ўтган ижтимоий тизимни ўзгартиришнинг ҳақиқий усуллари асосида фикр юритдим. Шунини қўшимча қилиш керакки, ушбу шаклларнинг ҳеч бири ягона алтернатива деб даъво қилинмайди, бу тарихий жараённинг намоён бўлишидир холос, эҳтимол, бошқа жойларда бундай ҳолат деярли (кам

эхтимол билан бу фақат бизнинг сиёсий ҳудудимизда юз берган) такрорланмас, албатта бу тўхтаб – изланаётган ва топилган баъзи универсал билимларнинг аҳамиятини камайтирмайди.

Биз Чехословакиянинг 1968 йили ҳақида гап-лашаётган эканмиз, эхтимол мулоҳазаларимиз нуқтаи назаридан ўша даврнинг баъзи характерли томонларини таъкидлаш ўринли бўлади. “Иқлимий”, концептуал ва ниҳоят, таркибий ўзгаришлар бугунги кундаги каби “параллель тузилмаларнинг” босимини бошдан кечирмади, яъни ушбу тузилмалар нафақат Чехословакияда, умуман олганда, бутун посттоталитар тузумнинг замонавий ривожланиш даврида расмий тузилмаларга антипод сифатида шунчаки мавжуд бўлмаган *(ва ўша пайт-да “диссидентлар” сўзининг бугунги маъносидаги инсонларни топшиш жуда қийин эди)*.

Демак, бу шунчаки хилма-хил, баъзида изчил, баъзан эса ярим самарали - эркин фикрлашнинг “спонтан” кўринишлари, эркин ижод ва мустақил сиёсий фаолият юритишга уринишлар эди. Сўз, “жамият мустақил ҳаёти”нинг мавжуд тузилмаларга узоқ муддатли, “спонтан” ва ноаниқ ўсиш орқали кириб бориши ҳақида кетмоқда *(одатда, бу тузилмалар атрофида ва уларнинг толерантлик муҳитида тушунарсиз ўсиш бошланади)*. Яъни биз яширин соҳага “силлиқ” кириб бориш, аста-секин “жамиятнинг уйғониши” ҳақида гапираяпмиз. *(Кўринишидан, бу айнан шундай, чунки расмий ташвиқот ҳаётини ниятларини “аксил-инқилобий” деб номлайди. Чехословакия шароитида эса бу “ўрмаловчи” аксил-инқилоб сифатида кўрилади)*. Ушбу уйғониш учун импульслар чекланган ижтимоий муҳит сифатида айнан “жамиятнинг мустақил ҳаётидан” келиб чиқаётган бўлса-да, “жамиятнинг мустақил ҳаётини” уйғонишнинг асосий ва ягона импульслар манбаи деб қабул қилиш нотўғри бўлар эди.

Импульслар шунчаки расмий тузилмалардаги одамларнинг ҳақиқат ва ҳокимиятнинг асл моҳияти билан тўқнашуви натижасида вужудга келган аччиқ тажрибалари ва уларнинг олдида кўндаланг бўлаётган, чуқур ижтимоий инқироз натижасида пайдо бўлиши мумкин (биринчи навбатда,

“антидогматик” ва йиллар давомида расмий тузилмалар ичида пишиб келаётган ислохотпарвар коммунистларнинг йирик қатламини назарда тутмоқдаман).

Мустақил ташаббусларнинг якуний “ўзини ўзи шакллантириши” учун “диссидент ҳаракатлар” даврида расмий тузилмалардан ва тан олинмаган *en bloc* лардан ташқари бошқа ҳолатлар ёки шароитлар мавжуд эмас эди: Чехословакияда посттоталитар тузум ўша пайтда бундай статик, барқарор ва ҳозирда бўлгани каби шаклларга эришмаган эди, муқобил “ўзини ўзи тузишга” ҳисса қўшиш учун у (кўп тарихий ва ижтимоий сабабларга кўра) янада очиқроқ эди холос.

Сталинизм истибдоди тажрибасидан чарчаган ва уни оғриқсиз равишда қайта кўриб чиқишга уриниб, бир жойда депсиниб қолган давлат ичкаридан йиринглаб борарди ва энди ўзгарувчан иқлимга интелегентлик билан қарши туриш имконияти йўқ эди. Ўз ёш тарафдорларининг онгланиш жараёни ҳамда расмий ва норасмий чегаралари аниқ бўлмаган жойда сиқилиб қолди. “Сиёсатгача” бўлган сиёсатнинг намоён бўлишига қарши тура олмай қолди. Муҳим аҳамиятга эга яна бир характерли вазият — энг юқори чўққиси 1968 йилга тўғри келган ижтимоий ҳаракат, ислохотдан, табақалаштиришдан ёки ҳақиқий ҳокимиятга бўйсунадиган тузилмаларни алмаштиришдан ташқари, ҳақиқий таркибий ўзгаришларга эриша олмади (бу ҳеч қандай тарзда ушбу ўзгаришларнинг ҳақиқий сиёсий аҳамиятини камайтирмайди). Ўзгаришлар посттоталитар тузилмаларининг моҳиятига, яъни на унинг сиёсий моделига, на бутун ижтимоий тузилманинг асосий принцип-ларига, на бутун иқтисодий ҳокимиятни сиёсий ҳокимият қўлига топширган иқтисодий моделга; ҳокимиятнинг марказий дастаклари тузилмаларида (армия, хавфсизлик хизмати, адлия ва ҳ.к.) сезиларли таъсир кўрсатмади. Мазкур ўзгаришлар умумий атмосферадаги, шахсий силжишлар, сиёсий йўналишдаги ва энг муҳими, сиёсий амалиётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эди, холос. Қолган барча нарсалар муҳокамалар ва лойиҳалар босқичида музлаган эди (*расмий равишда қабул қилинган иккита лойиҳа, афтидан, бу маънода энг катта сиёсий*

*аҳамиятга эга бўлди: 1968 йил апрелда қабул қилинган “ХПК Ҳаракат дастури”, бу дастур ярим сиёсий, зиддиятли ва давлат ҳокимияти пойдеворининг “жисмоний томонларини” ўзгартирмайдиган ҳужжатдан бошқа нарса эмас эди, иккинчи ҳужжат “Иқтисодий ислоҳотлар лойиҳаси” эса иқтисодий соҳада ҳаётнинг асл мақсадларига яқинлашди, чунки у манфаат ва ташаббуслар хилма-хиллигини, рағбатлантирувчи ролини, бошқарувнинг директив шаклларини чеклашни ўз ичига олган эди; аммо, ушбу лойиҳа давлатдан посттоталитар тизимидаги иқтисодий асосларга ва айниқса, ишлаб чиқариш воситаларига тааллуқли эмас эди). Бу ҳали посттоталитар тузум микёсида бирон бир ҳаракат томонидан енгиб ўтилмаган чегара ҳақида гап кетаётганини билдиради (Венгрия қўзғолонидаги бир неча кунни ҳисобга олмаганда).*

Кейинги эволюция яна қандай алтернативаларни келтириб чиқариши мумкин? Бу саволга жавоб беришга уринишлар спекулятив асосга эга: жамиятнинг яширин инқирози ҳозирга қадар давом этмоқда ва у бундан кейин ҳам кенг ёки тор қўламли сиёсий ва ижтимоий кўтарилишларга олиб келмайди деб тахмин қилиш учун асос йўқ (Германия - 1953, Венгрия, СССР ва Полша - 1956, Чехословакия ва Полша - 1968, Полша - 1970 ва 1976), уларнинг ҳолати ва яқуний натижалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, холос.

Ушбу зарбалар - омилларнинг мураккаб тўпламидан келиб чиққанини ҳисобга олсак, “яширин сфера” (охирги томчи муаммоси) жараёнларининг пайдо бўлишига ҳисса қўшадиган воқеаларни олдиндан тахмин қилиб бўлмайди ва улар кутилмаганда содир бўлади, бир томондан, бир бирига қарама-қарши тенденцияларнинг конфронтацияси оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайдиган тобора чуқурлашиб бораётган “блок” интеграцияси ва куч экспанцияси, бошқа томондан - рус бўлмаган ҳудудларда миллий онгнинг уйғотиш таъсири остида СССРда кучайиб бораётган марказдан қочиш ҳаракати узоқ муддатли прогнозлашнинг барча уринишларини пучга чиқаради. Ва ниҳоят, “диссидентлик ҳаракатлари” учун бу йўналишда фикрлаш катта

аҳамиятга эга деб ўйламайман: бу ҳаракатларнинг пайдо бўлиши олдиндан башорат қилиш билан боғлиқ эмас ва уларни бундай йўналтириш диссидентликнинг чуқур моҳиятидан чиқиб кетишни англатади.

“Мухолиф ҳаракатлар” истиқболига келсак, мен, энг аввало, бир-бирдан изоляцияланган ва бир-бирига бефарқ бўлган “параллель” иккита “сиёсатнинг” доимий бирга яшаб кетиш имкониятлари жуда кам эканлигини тан оламан. “Ҳақиқатдаги ҳаёт”, ўз-ўзича қолган тақдирда ҳам, тизимни хавф остига қўяди; “Ҳақиқий ҳаёт” “ёлғон ҳаёт”га кескин қаршиликсиз ва муаммосиз давом этишини ақлга сиғдириб бўлмайди. Посттоталитар тузум ўртасидаги муносабатларда “Ҳақиқий ҳаёт” ҳозирча ўз-ўзи билан, яъни “жамиятнинг мустақил ҳаёти” сифатида қолмоқда (барча учун ва барчани кўзлаб деб номланувчи масъулиятнинг ҳимоя нуқтаси вазифасини ўтаб турибди). Унинг ўз-ўзича ривожланишида доимо низо яшириндир ва бу низо доимо – пишиб боради.

Ушбу вазиятдан чиқишнинг фақат иккита йўли мавжуд:

биринчиси, тизим ўзининг “посттоталитар” ривожланишда давом этиб, жамиятни манипуляция қиладиган ва Орувелл типигаги даҳшатли оламга етаклаб, абсолют манипуляция ва “ҳақиқатда яшашнинг” барча соф кўринишларини бўғиб ташлайди;

иккинчиси, “жамиятнинг мустақил ҳаёти” (“параллель сиёсат”), шу жумладан “диссидентлик ҳаракатлари” аста-секин, аммо шубҳасиз тобора муҳим ижтимоий ҳодисага айланиб боради, бу жамиятдаги кескин тангликни акс эттиради ва жамият ҳаётига бирон бир тарзда таъсир кўрсатадиган таркибий қисми сифатида фаол қўшилади. Албатта, бу ҳодиса бошқа барча омиллар фонида амалга оширилади.

Қайси усулни танлаш керак: расмий тузилмаларни ислоҳ қилишга, уларни дифференциациялаш ёки тузилмаларни янгиларига алмаштиришга эътибор қаратиш керакми? Тизимни такомиллаштиришни ният қилиш керакми ёки бузишни?, - юқорида айтилганидек, ушбу ва бошқа бир қатор масалалар (*сохта муаммоларни ҳисобга олмаганда*) фақат муайян вазиятга боғлиқ

равишда, аниқ вазифалар, ҳаётнинг шошилинич эҳтиёжларини акс эттирадиган *ad hoc*<sup>20</sup>лар билан дуч келган пайтда “диссидентлик ҳаракатлари” олдида кўндаланг пайдо бўлиши мумкин.

Бундай саволларга жавоб бериш ва келажакнинг мавҳум тахминлари нуқтаи назаридан баъзи бир соф сиёсий йўналишларни белгилаш, фикримча (анъанавий сиёсат услубига қайтиш руҳида) фақат уларнинг фаоллигини чеклайди ва истиқболга йўналтиришдан маҳрум қилади. Мен яна бир бор қайд этишим керакки, ушбу ҳаракатларнинг моҳияти ва сиёсий кучи - тизимда ўзгаришлар қилиш билан эмас, балки **“шу ерда ва ҳозир”** ҳаётни яхшилаш учун ҳақиқий ва доимий курашдан иборат. Ҳаётни ифодалашнинг сиёсий ва тизимли-тузилиш шакллари шубҳасиз абадий қолади ёки ҳеч бўлмаганда узок муддатга чекланган, чала, паст ва аҳмоқона тактика туфайли кадрсизланган бўлади, бошқача бўлиши мумкин эмас; буни ҳисобга олиш ва унга қарши туриш керак.

Дарҳақиқат, бу энг муҳими, бу ҳар куни, беғараз, эркин ва ҳалол ҳаёт учун чексиз курашдир, у ҳеч қачон чекланманмаслиги, ярим қалбаки бўлмаслиги, сиёсий фирибгарлик, спекуляция ва хаёлот тузоғига тушмаслиги керак. Ушбу курашнинг поклиги эса, посттоталитар тузилмалар билан ўзаро таъсир даражасининг энг оптимал натижасининг кафолатидир.

20

“Яроқли” сиёсат ва муҳим сиёсий ўзгаришларга ҳеч қандай имконият йўқлиги билан ажралиб турадиган посттоталитар тизимнинг ижобий томони ҳам бор: у аҳволимизни чуқур қонуниятлар фонида ўрганишга ва келажакимизни биз ҳам бир қисми бўлган дунёнинг глобал истиқболлари контекстида тафаккур қилишга мажбур қилади. Инсон ва тизим ўртасидаги

---

<sup>20</sup> *ad hoc* - Лотинчада “маҳсус, маълум бир вазият учун” деган маънони англатади. Қоида тариқасида, бу ибора бошқа муаммоларни ечишга мўлжалланмаган ва ечимларнинг умумий стратегиясига тўғри келмайдиган муайян муаммо ёки вазифани ҳал қилиш усулини билдиради.

конфронтация сиёсий даражалардан ҳам чуқурроқ эканини ўз танангда хис қилиш, фикрлаш йўналишларини аниқлаб беради.

Шундай қилиб, бизнинг эътиборимиз муқаррар равишда моҳиятга яъни замонавий технократик цивилизация инқирозига қаратилади, Ҳайдеггер буни – “Глобал технологиялар ҳукмронлигига дуч келган инсоннинг ожизлиги” деб таърифлаган эди. Техника - бу замонавий илмнинг фарзанди ва шу билан бирга янги метафизиканинг маҳсули - инсоннинг қўлидан чиқиб, унга хизмат қилишни тўхтатди, уни қул қилди ва ўз ўлимини тайёрлашда иштирок этишга мажбур қилди. Инсон чиқиш йўли билмайди: унинг фикри ҳам, эътиқоди ҳам йўқ, уни хўжайин мавқеига қайтарадиган сиёсий концепция ҳам йўқ. Ўзи яратган бу қалбсиз механизм уни қандай қилиб бепарволик билан ўзлаштириб, барча табиий алоқалардан (масалан, “уйидан” сўзнинг кенг маъносида, шу жумладан, коинот концепциясидан) маҳрум қилганлигини, уни қандай қилиб тириклик муҳитидан “объектив реаллик дунёсига” суриб чиқараётганлигини ўзи сезмай қолади.

Бу ҳолат аллақачон турли хил нуқтаи назардан бир неча бор тавсифланган. Кўп одамлар ва ҳатто ижтимоий гуруҳлар буни оғриқли сезадилар ва ундан чиқиш йўлини қидирмоқдалар (масалан, баъзи Ғарб ёшларининг Шарқ фалсафасига, коммуналарни яратишга қизиқиши ва бошқалар). Юқорида айтиб ўтилган универсалликнинг зарурий элементини (ҳаммага ва ҳамма учун масъуллик)ни ўз ичига олган “нимадир қилиш” учун ягона ижтимоий ёки сиёсий уриниш, охир-оқибатда техник диктатурага қарши курашнинг “техник” усулларига қаратилган ҳаракати, бугунги кунда дунёнинг умидсиз ва зўрға эшитилаётган экологик ҳаракатдир. **“Энди бизни фақат Худо қутқара олади”**, дейди Ҳайдеггер, асрлар давомида шаклланган фалсафага зид равишда “ҳар хил фикрлаш” зарурлигига ва одам ўзини, дунёни ва унинг жойини идрок этиш усулини тубдан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратади. У чиқиш йўлини билмайди ва у тавсия этадиган ягона нарса бу “кутишга тайёрликдир”, холос.



Менимча, турли хил мутафаккирларнинг ва турли ҳаракатларнинг ушбу чиқиш манбасини қандайдир глобал “экзистенциал инқилоб” истиқболи сифатида тасвирлаш мумкин. Мен юқорида айтилган қарашга ҳам қўшиламан шу билан бирга, чиқиш йўлини бирон бир “техник мўъжиза”да ёки ташқи ўзгаришлар лойиҳасида, ёхуд алоҳида олинган фалсафий, ижтимоий, технократик ёки сиёсий инқилоблардан изламаслик керак деган нуқтаи назарни ҳам баҳам кўраман. Экзистенциал инқилоб бу барча соҳаларга таъсир қилиши мумкин ва таъсир қилиши керак; аммо, унинг соф органик соҳаси фақат *(бу сўзнинг энг чуқур маъносида)* инсоннинг руҳий-маънавий иштирокида бўлиши мумкин. Фақатгина шундай тўхтам билан у қандайдир умумий маънавий ахлоққа ва сиёсий шакл-га эга бўлиши - жамиятни қайта ташкил этишга айланиши мумкин. Биз бугун истеъмолчи ва саноат (ёки постсаноат) жамияти деб атайдиган ҳодиса, бир пайтлар Ортега-и-Гасет “Омма қўзғолони” деб тушунтирган барча мафкуравий, ахлоқий, сиёсий ва ижтимоий офатлар глобал “ўзҳаракатнинг” техник цивилизацияси домига тушиб қолган замонавий инсоннинг чуқур инқирознинг айрим аспекти холос.

Посттоталитар тизим бу ҳозирги замон одамнинг “ўз тақдирининг хўжайини” бўлиш қобилиятига эга эмаслигининг ғоят шафқатсиз (ва бу унинг асл келиб чиқишини янада аниқроқ тасдиқлайди) намойишидир. Ушбу тизимнинг “ўзҳаракати” фақат технократик цивилизация глобал “ўзҳаракатининг” маълум бир ўзига хос ва экстремал версиясидир. Ушбу тизимда акс этаётган инсон қулаши, замонавий одам умумий ҳалоқатнинг бир эпизодидир холос.

Инсониятнинг глобал инқирози, шубҳасиз, Ғарбий дунё билан бир қаторда бошқа ижтимоий ва сиёсий шаклларни қабул қилиб, бизнинг ҳудуд-га ҳам тарқалди, Хайдеггер эса, тўғридан-тўғри демократия инқирози ҳақида гапиради. Ҳеч нарса, Ғарб демократияси, яъни анъанавий парламент демократияси бирон бир радикал ечимни таклиф қилиши мумкинлигини кўрсатмайди. Ҳатто шуни айта оламизки, бизнинг дунёмизга нисбатан у

тизимда ҳаёт интенцияларини амалга ошириш учун қанча кўп имкониятлар мавжуд бўлса, у одамдан инқирозли вазиятни шунчалик кўп яширади ва бу инқирозга шунчалик чуқурроқ ботиради.

Аслида, анъанавий парламент демократиялари технократик цивилизация ва постиндустрил истеъмолчи жамиятининг “ўзҳаракатига” қарши туришга ишониш учун ҳеч қандай Асос йўқ; ўзлари унга бўйсундилар ва унинг олдида ожиздирлар; фақатгина Ғарб демократиясининг манипуляция қилиш усуллари жуда нозик, нафис ва посттоталитар тузумдаги каби шафқатсиз эмас. Ушбу ҳаракатсиз механизм турғун, концептуал жиҳатдан ноаниқдир, шу сабабли профессионал аппаратлар томонидан назорат қилинадиган ва фуқароларни ҳар қандай шахсий масъулиятдан озод қилувчи сиёсий партияларнинг мақсадли равишда оммага йўналтирилган, яширин манипуляциясининг ушбу мураккаб тузилмалари ва капитал тўплашнинг кенгайиб бораётган марказлари, буларнинг барчаси истеъмолчилик диктатураси, реклама, тижорат, “оммавий” маданият ва ахборот танқислигининг натижасидир. Булар шунчалик кўп таҳлил қилинган ва тавсифланганки, мазкур муаммодан чиқишнинг истиқболли йўли ёки инсон ўзини-ўзи англаш ва қайтадан кашф қилиш йўли деб айта олмаймиз. А.Солженицин Гарвард университетида ўқиган маърузасида эркинликларнинг масъулиятга асосланмаган ҳаёлий табиатга эга анъанавий демократияларнинг зўравонлик ва тоталитаризмга қарши тура олмаслиги ҳақида гапирган эди.

Инсонлар биз кўплаб шахсий эркинликлар ва кафолатлар билан таъминланган: аммо, инсон бу эркинлик ва кафолатларга муҳтож эмас: у ўз моҳия--тини ҳимоя қила олмайди, бегоналашишдан қочиб қутулолмайди, нафсий эҳтиёжларини енгиб ўтолмайди ва “полисинг” муносиб ҳамда масъулиятли аъзоси бўлиб, ўзининг тақдирини яратилишида қатнаша олмайди — шунчаки инсон “ўзбошқаришнинг” қурбонидир. Ўйлайманки, биз истиқболда узоқ муддатли ўзгаришларни амалга ошириш учун анъанавий демократиянинг чуқур - инқирозли аспектиларини ҳисобга олишга мажбур бўламиз.

Албатта, анъанавий парламентар демократия Совет блокининг бирор-бир мамлакатда тегишли шароитлар асосида юзага келган бўлса, одатдаги йирик сиёсий партиялар спектрига эга анъанавий парламентаризм орқали вайрон қилинган фуқаролик онгини тиклаш, демократик мунозараларни янгилаш, ҳаёт интенциялари асосий моҳияти сифатида оддий сиёсий плюрализмни ўрнатиш учун шароит яратиш, шунингдек ўтиш даврининг мақбул усули сифатида қабул қилиниши мумкин дир балким.

Аммо сиёсий идеал тизим сифатида анъанавий парламент демократиясига ишониб бу “синовдан ўтган” шакл инсонни муносиб ва тўлақонли мавқега эга бўлишни кафолатлайди деган иллюзияга берилишни мен ҳеч бўлмаганда, узоқни кўра билмаслик деб ҳисоблаган бўлар эдим. Назаримда, сиёсатнинг аниқ бир кишига юз тутиши, ғарб (ёки хоҳласангиз, буржуа) демократиясининг одатий механизмларига қайтишдан кўра анча чуқурроқ нарсадир.

Агар 1968 йилда мен муаммони иқтидордаги партия билан ҳокимият учун курашда очиқ қатнашиш имкониятига эга бўлган муҳолифат партиясини тузиш орқали ҳал қилиш мумкин деб ўйлаган бўлсам, ҳозирда эса бу шунчаки содир бўлмаслиги аён бўлди ва ҳеч қандай муҳолифат партиялари, худди янги сайлов қонунлари сингари, жамият яқин орада янги зўравонлик қурбони бўлмаслигига кафолат беролмайди. Бундай кафолатлар, шубҳасиз, бирон бир “қурук” ташкилий чораларга боғлиқ бўлиши мумкин эмас; Улардан бизни қутқарадиган ёлғиз Худони излаш деярли имконсиздир.

21

Улар ҳақли равишда мандан сўрашлари мумкин: “Энди нима қилишимиз керак?”

Ҳақиқатан ҳам, муқобил сиёсий моделларнинг олдинги тузилмаларига ишонмаслик ва тузумни ислоҳ қилиш ёки тизимдаги ўзгаришларга кўрларча итоат қилиш, сиёсий фаолиятга ишончсизликни билдирмайди; Сиёсатнинг

аниқ бир кишига нисбатан йўналтирилганлигига берилган урғу мени ушбу бурилишни келтириб чиқариши мумкин бўлган таркибий ўзгаришлар тўғрисида ўйлаш имкониятидан маҳрум қилмайди. Аксинча: А деган киши Б ни ҳам айтиши керак.

Шунга қарамай, мен умумий нуқталарга эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. “Экзистенциал инқилоб” истиқболнинг натижаларига тўхталсак, бу, авваламбор, жамиятни маънавий жиҳатдан қайта қуришдир, яъни мен “инсоний тартиб” деб атаган нарса - (ва уни бирон бир сиёсий тартиб билан алмаштириб бўлмайдиган) шахсга бўлган ҳақиқий муносабатни тубдан янгилашни англатади. Борликнинг янги тажрибаси, Оламдаги ҳолатимизнинг янгиланган шакли, “олий масъулият” ни янгича тушуниш бошқа инсонлар ва инсоний жамиятга ихлос руҳиятининг ҳосил бўлиши – истиқболни белгилаб берса керак.

Сиёсий натижалар-чи?

Эҳтимол, улар маълум бир расмий сиёсий муносабатлар ва қафолатларга қараганда кўпроқ инсоннинг янги “руҳияти”дан яъни, биринчи нав-батда инсон таркибидан келиб чиқадиган тузилмалар асосида намоён бўлиши мумкин эди. Фикр, ишонч, очиқлик, масъулият, бирдамлик, севги каби қадрият-ларни реабилитация қилиш ҳақида кетмоқда.

Мен ҳокимиятни амалга оширишнинг “техник” жиҳатларига эмас, балки унинг моҳиятига қаратилган тузилмаларга ишонаман; “ташқарига” йўналтирилган кенг амбицияларга эмас, балки ўз жамоаларига нисбатан чуқур жавобгарлик туйғусига асосланган тузилмаларга. Ушбу тузилмалар очиқ, динамик ва кичик бўлиши керак, яъни маълум бир чегарадан ташқарида, шахсий ишонч ва шахсий жавобгарлик каби “инсоний алоқалар” энди ишламайдиган тузилмалар (Голдсмит таъкидлаганидек). Бу тузилмалар шундай бўлиши керакки, қоида тариқасида бошқа турдаги тузилмалар пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаслиги лозим; ҳокимиятни истибдод қилиш (“ўзбошқаришнинг” кўринишларидан бири) нинг ҳар қандай кўриниши уларга органик бегона бўлиши керак.

Ушбу тузилмалар қандайдир шаклда органлар ёки муассасалар шаклида эмас, балки жамоатчилик шаклида расмийлаштирилиши керак. Бу тузилмалар, шубҳасиз, ўзларининг обрў-эътиборларини эскирган ҳаётини яшаб бўлган анъаналарга (масалан, оммавий сиёсий партияларга) эмас, балки вазиятга нисбатан конкрет ёндашувга асос-ланиши керак. Пишиб етилган *ad hoc* вужудга келадиган ташкилотларни статик равишда бирлашади вазифаларни амалга оширадиган, аниқ мақсадлар қўйиб, уларга эришгандан кейингина саҳнани тарк этишга қарор қиладиган ташкилотлар бўлиши керак.

Раҳбарларнинг обрўси, номенклатуравий позицияси билан эмас, балки уларнинг шахсий хизматлари ва бошқаларнинг уларга муносабати асосида шаклланиши керак; улар шахсий ишончни ҳосил қилиши ва шунга асосланган ваколатларга эга бўлиши керак; бу анъанавий демократик ташкилотларнинг “классик” ночорлигини енгиб ўтишнинг ягона йўли, улар кўпинча ишончга эмас, балки ўзаро ишончга асосланган бўлиб, кўпроқ шахсий масъулиятдан кўра коллектив жавобгарликка асосланди; фақат шу билан - жамиятнинг ҳар бир аъзосининг тўлиқ экзистенциал ўзаро масъуллиги орқали “тубан тоталитаризм”га қарши ишончли тўсиқни яратиши мумкиндир.

Бу тузилмалар, албатта, чинакам ижтимоий “ўзини-ўзи ташкил этиш” натижаси сифатида пастдан пайдо бўлиши керак, бу эҳтиёжлар барҳам топиши билан тузилмалар ҳам барҳам топадиган эҳтиёжларга асосланиши керак, чунки уларни вужудга келтирган реал эҳтиёжлардир. Улар ички қурилишнинг хилма-хил ва ташқаридан минимал тартибга солинадиган тамойилларига эга бўлиши керак; Ушбу “ўз-ўзини ташкил этиш” учун ҳал қилувчи мезон унинг “долзарблиги” бўлиши керак ва ҳеч қандай ҳолатда яланғоч нормаларга асосланмаслиги лозим. Сиёсий ҳаёт ушбу тамойил-га, шунингдек, иқтисодий фаолиятда, шу қадар динамик равишда вужудга келадиган ва сингиб кетадиган, аммо мақсадга мувофиқлиги ва инсоний алоқалар ўртасидаги табиий бирикмаларни бирлаштирган турли хил ва ўзгарувчан ўзаро таъсирларга асосланиши керак. Мен бу ерда ўз-ўзини бошқариш принципини алоҳида таъкидламоқчиман, аниқроғи, социализмнинг

барча назариётчилари орзу қилган нарсаларни, яъни ишчиларнинг иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳақиқий (норасмий) иштироки ва биргаликдаги меҳнат натижалари учун ҳақиқий масъулиятни ҳис эта олишни назарда тутмоқдаман. Назорат ва интизом принципи ўз-ўзидан пайдо бўладиган одамнинг ўзини ўзи бошқариш ва тарбиялаш билан алмаштирилиши керак. “Экзистенциал инқилоб” оқибатларининг бутун тизими ҳақидаги бундай фикр классик парламент демократияси доирасидан ташқарида, чунки у Ғарб мамлакатларида ривожланган ва у қайсидир даражада тўлиқ амалга ошмаган. Мен “посттоталитар тизим” тушунчасини ушбу далиллар контекстига киритганим сабабли, юқорида келтирилган мулоҳазаларни, фақат ушбу ҳолатга, “постдемократия” тизимнинг истиқболи билан таққослаш мантиқан тўғри келади.

Шубҳасиз, бу мулоҳаза янада ривожлантирилиши мумкин эди, аммо бу, ҳеч бўлмаганда маъносиз машқ даражасида қолиб кетади, чунки бу аста-секин, лекин муаммони четга суриб унинг моҳиятидан четлашишга олиб келади: мантиқий фикрлаш шундай “постдемократия” моҳиятига тегишли-ки, фақат у орқали систематик равишда, ҳаётнинг ўзидан, унинг янги атмосферасидан ва янги “руҳдан” *via facti* ўсиши мумкин (ҳатто сиёсий рефлексия иштирокида бўлса ҳам - албатта, ҳаёт йўналтирувчиси вазифасида ва ҳеч қандай ҳолатда дирижёр шаклида эмас. Бироқ, ушбу янги “руҳнинг” таркибий тузилишини белгилаш учун, ҳатто бу “руҳ” мавжуд бўлган ва одам ўзининг ўзига хос физиогномиясини билган бўлса ҳам, воқеаларни олдиндан олиқишлаш бўлар эди.

Агар мени такаббур бўлиб туюлиши туйғуси қийнамаса эди, эҳтимол аввалги бобларни фақат шахсий медитация мавзуси сифатида қолдирган бўлар эдим, шунинг учун мен айрим масалаларни фақат саволлар шаклида ифода этаман: “постдемократик “ тузилмаларнинг қиёфаси ўз элементлари билан

“диссидентлик” гуруҳлари тузилмаларини ёки бизнинг тажрибамиздан маълум бўлган мустақил фуқаролик ташаббуслари таркибий қисмларини эслатмайдими?

Юқорида муҳокама қилинган баъзи “инсоний маънога эга” сиёсий муносабатлар ва алоқалар, сон-саноксиз азоб-уқубатлар асосида бирлашган кичик (диссидентлик) жамоаларда пайдо бўлмайдими? Бу жамоалар кўзга кўринадиган ва тезкор муваффақиятга эришиш учун ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қиладими (ва бу ерда жамоатчилик ҳақида гап кетмоқда, ташкилот ҳақида эмас) ва ўз фаолиятининг аҳамиятини чуқур тушуниш билан яшай оладими - бу жамоалар алоқа ритуалига айлантирилмаган, жонли бирдамлик ва биродарлик туйғуси атмосферасини вужудга келтира оладими?

Наҳотки, шахсий демократик ишонч ва унга асосланган шахснинг норасмий ҳуқуқлар, “пост демократик” муносабатлар барча қийинчиликларни биргаликда енгиш натижасида юзага келмаса? Бу гуруҳлар вайронкор урф-одатлар балласти остида қолсалар ҳам, аниқ ва реал эҳтиёжлар босими остида пайдо бўлиб, ҳаракат қилиб ва нобуд бўлмайдиларми? Бу аниқ “ҳақиқатдаги ҳаёт” уринишлари ва янгиланган “олий масъулият” туйғуси индифферент жамиятда қандайдир маънавий ўзгаришларнинг бошчиси бўлганми?

Бошқача қилиб айтганда: норасмий, бюрократиядан йироқ, динамик ва очиқ жамоалар ва “параллел сиёсат” - жамиятнинг яхшиланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган “постдемократик” сиёсий тузилмаларнинг янги прототипи ёки рамзий микромоделли эмасми?

Хартия-77нинг биргаликда имзоланиши шунчаки бир-бирларини билмаган ёки фақат юзаки билган одамларни, очиқлик ва ишонч ҳиссини, тўсатдан ва кучли ҳиссий қариндошлик туйғусини ҳосил қилганлигини шахсий тажрибадан кўп марта кўрганман, баъзи юзсиз расмий тузилмалар билан узоқ йиллик ҳамкорлик қилиш ҳеч қачон бундай натижа бермаган бўлар эди. Худди биргаликда қабул қилинган вазифани амалга ошириш ва биргаликда тўпланган тажрибани баҳам кўриш ҳақиқати, одамларни ва бирга

яшаш муҳитини ўзгартириб, уларнинг ижтимоий фаоллигини англаб бўлмайдиган инсоний ўлчовга айлантиради. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам, қўйган саволларда бирор нарса ўзгариши эҳтимолдан узоқ.

Биз дунё маразмидан чиқиш йўлини билмаймиз ва агар биз қилган озгина нарсага асосий чиқиш йўли сифатида қарасак ва буни ҳаёт муаммоларини ҳал этишда маънога эга бўлган ягона нарса сифатида ўзимизга ва ўзга ҳамжамиятларга таклиф қилсак, бу кечириб бўлмайдиган такаббурликнинг намойиши бўларди.

Аmmo посттоталитар жамиятдаги инсон ва унинг моҳиятини ҳимоя қилишнинг ҳолати ва ички ташкил этилиши янги бир кучга айланаётганлиги шароитида ҳамда аввалги мунозаралар фониди мен ўртага ташлаган саволлар долзарб эди деб айта оламан. Бу фақат ўз тажрибамизни тўғри англашга туртки ва ҳатто ўзимиз англамасак ҳам, бизнинг кундалик ҳаётимизда маълум сигналлар билан кодланган, бу кодлар ўқилишини ва англаб етилишини, жимгина кутмоқда.

*Ва яна бир савол: “порлоқ келажак” ҳар доим узоқда “ҳу анави ерда” бўлаверадими? Ёки, аксинча, бу аллақачон “шу ерда” ги нарса бўлса-ю, фақат бизнинг кўрлигимиз ва кучсизлигимиз атрофимиздаги ва ўзимиздаги ўсишни кўришимизга ва ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган бўлсачи?*

***Градечек, 1978 йил октябр.***